


R 436  
1991/3

ISSN 0134-2207



Лысов 1983

3  
1991

گلستان  
**ГУЛИСТОН**  
3  
1991



Чўлдаги лимузор.  
«Қарши» давлат хўжалиги  
иссиқхонаси ишчилари Зебо  
Авазова, Мавлуда Тангрибердиева.

Сураткаш Р. Нурибоев



Тошкент Давлат до-  
рилфунуни маданият са-  
ройининг раққосалари.

Сураткаш В. Жирнов





№ 3 (493)

МАРТ  
(Ҳамал)

1991

Ойнома 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Қўмитаси  
нашриёти



Бош муҳаррир:  
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

В. АМИНОВ,  
С. АЗИМОВ,  
Х. ДАВРОН,  
Н. ИБРОҲИМОВ,  
Х. ЗИЕЕВ,  
ШУКРУЛЛО  
И. СУЛАЙМОН,  
Д. ҒУЛОМОВА,  
Ғ. МИРЗАЕР  
(масъул котиб),  
Э. МУҲАММАД,  
А. КАРИМ,  
С. УСМОНОВ,  
А. ҚАЮМОВ,  
О. ҲУСАН  
(бош муҳаррир  
ўринбосари).

Бош мусаввир  
М. Абдуллаев,  
Саҳифаловчи  
Б. Тўхтабоев,  
Мусахҳих  
М. Қиёмов.

Манзилгоҳимиз:  
Тошкент — II, 700000, «Правда»  
газетаси кўчаси, 41.


Редакция телефонлари: бош муҳар-  
рир — 33-35-20; бош муҳаррир  
ўринбосари — 33-35-90; масъул  
котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиё-  
сий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва  
санъат, фан ва маданият бўлимла-  
ри — 33-36-59; мусаввирлар бўли-  
ми — 32-58-77.



ҲАМКОРЛИК ИҶЛИДА. Қозоғистон жумҳурияти Президенти Н. А. НАЗАРБОЕВ, Ўз-  
бекистон жумҳурияти Президенти И. А. КАРИМОВ, Ўзбекистон вице-президенти Ш. Р. МИР-  
САИДОВ ва бошқалар Тошкентдаги Чорсу бозорида.

Суратқаш В. Юсупов (ЎзТАГ)

БУ СОНДА:



Ҳамроқул РИЗОВ:

Бир йилгити севганди, ичди-ю сувга чўкди,  
Иккинчиси — геолог, бир куни тоғдан учди.  
Елчимани севгига, қаро бўлди қисмати,  
Болашини куйдирди тунда дилин ҳасрати.



Нурғўхта ҚИЛИЧЕВ:

Яна орадан ойлар ўтди. Кенжа малика-  
нинг кўзи ёриди: аммо, не тонгки, думду-  
малоқ бир нарса дунёга келган эди — на  
боши бор, на оёғи!



Малик ОРИПОВ:

Ваҳдат ул-вужудга асосланган ҳолда На-  
войий худони соф бир ижодкорлик, ҳамма  
нарсаларнинг илк манбаи, мутлақ ибтидо,  
сўнгсиз ва чексиз абадийлик, деб тасаввур  
қилади...

# Ҳокимият тўғрисида

Уктам ОЛИМОВ,

Халқ депутатлари Жиззах вилояти  
Кенгаши Ижроия кўмитасининг  
раиси, Ўзбекистон халқ депутати

Бутун жумҳуриятимизда бўлганидек, вилоятимиз ҳам ниҳоятда мураккаб даврини бошдан кечирмоқда. Маълумки, ўтган йил бошида Сирдарё вилояти қайта бўлиниб, Жиззах вилояти яна тикланди. Ҳукуматимизнинг шу масала юзасидан қабул қилган қарори халқнинг ниятига ҳамроҳ бўлди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Совети ижроия комитети ташкил этилгандан буён қисқа муддат ичида иш услуби ва фаолиятини тақомиллаштириш борасида ўз ҳудудидаги ноҳия, шаҳар, кент ва қишлоқ Шўролари ижроия комитетларига раҳбарлик фаолиятларида, уларнинг ишини юнлаштириш ва ижтимоий, иқтисодий режаларни бажариш борасида маълум натижаларга эришди.

Вилоятда иқтисодиётни соғломлаштириш йўлидаги зарур чора-тадбирлар, ҳўжалик юрийтишининг янги шакллари ва усуллари жорий этилганлиги туфайли ҳўжалик тармоқлари ишларида сезиларли даражада ижобий силжишлар юз берди. Саноат соҳасида ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 7,6 фоиз, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоизга, чакана товар обороти 7,7 фоизга, кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 12,8 фоизга, фойда олиш 9,4 фоиз ва меҳнат унумдорлиги 1,9 фоизга кўпайди.

Вилоятимиз пахтакорларининг ўтган йил ҳосилини ташқаридан ҳашарчилар олмасдан ўз кучлари билан йғиштириш олиш юзасидан ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси томонидан маъқулланди. Вилоятимиз деҳқонлари ўтган йили 328 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб, 24 октябрда йиллик режани адо этдилар. Ҳо-

сининг 90 фоизи машиналарда тегиб олинди. Утган йилларда пахта ҳосилини тўплашда иштирок этган ҳашарчиларга 6 миллион сўмдан ортқроқ иш ҳақи берилар эди. Бу йил эса шу мақсадга ажратилган маблағни деҳқонларимиз ўзлари олишди.

Маҳаллий табиий захиралардан унумли фойдаланиш, аҳолининг қурилиш ашёларига, айниқса ёғочга бўлган эҳтиёжини қисман қондириш ва ҳудуддаги экологик аҳолини тубдан яхшилаш мақсадида Жиззах вилоятида ўрмон ҳўжалигини 2005 йилгача ривожлантириш ялпи режаси ишлаб чиқилди ва ижроия кўмита мажлисида маъқулланиб қабул қилинди. Ушбу тадбирга асосан вилоят ўрмон ҳўжалиги экин майдонларини қўшимча 5278 гектарга кенгайтириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ ва кент Шўролари ижроия кўмиталарига ҳар йили ўз ҳудудларида 50-100 минг дона терак кўчатлари экиб кўпайтириш топшириғи берилди ва ушбу қарор қаттиқ назоратга олинди.

Минтақани ялпи ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Сентябрь ойда вилоят ижроия кўмитаси ўз мажлисида Зомин ноҳиясидаги Улянов шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш тўғрисида маҳсус тадбир белгилади.

Ушбу тадбирга асосан Улянов шаҳри ижроия кўмитаси вилоят Шўроси ижроия кўмитаси бўлими ва бошқармалари билан ҳамкорликда яқин 2 йилда шаҳарни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда қилинадиган ишларни ва қарорларни бажариш аниқ муддатлари келишиб олинди.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан вилоятимизда

ҳам тайёрғарлик чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, фойда бермайдиган ва кам фойда берадиган корхоналарни меҳнат жамоалари хоҳишига мувофиқ ижарага бериш чоралари кўрилмоқда. Кам даромадли аҳолининг ижтимоий ҳимоялашини таъминлаш мақсадида Жиззах вилояти ижроия кўмитаси қатъий ҳисоб-китоб билан ажратиладиган асосий бозор фондидан фойдаланиши кўзда тутилмоқда. Халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари бўйича асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хилдаги моллар билан таъминлаш учун аҳоли, шу жумладан, ишга жалб қилинмаганлар ҳам, яшаш ва ишлаш жойларида маҳаллий Шўролар ижроия кўмиталари савдо тармоқларига бирктибиб қўйилган. Шу кунги ҳаёт жараёни Шўроларнинг халқ дарди-қувончи билан ҳамнафас бўлишини кун тартибига ўта долзарб масала қилиб қўймоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтаётганлигимиз, халқ оmmasининг қарийб ярми камбағаллиги ва айни пайтда уларни ижтимоий адолат юзасидан муҳофаза қилиш лозимлигини Шўролар ижроия кўмиталари олдида асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Мана қарийб бир йилдики, кам қонли аёлларимизга ҳар бирига кунига 2 сўмлик озиқ-овқат, 1-5-синф ўқувчиларига 20 тийинлик нонушта, врачлар ва ўқитувчиларнинг шаҳар транспортда бепул юриши учун маблағ, бошланғич синф ўқитувчиларининг маошининг 64 сўмга оширилиши каби ижтимоий масалаларнинг ўзига вилоятимиз бўйича ўтган 10 ойда маҳаллий ҳисобдан жами 4 миллион сўмга яқин пул берилди.

Жумҳуриятимиз Президентининг 1990 йил 3 майдаги «Кўп балли оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги» фармони га асосан вилоятимизда яшовчи 32106 нафар кўп балли оналарга 1990 йил 1 июлдан нафақа миқдори икки баравар оширилди, яъни 215 мингдан 430 минг сўмга етказилди.

Президентимизнинг 1990 йил 7 майдаги «Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши ноғиронлари, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги фармони ни бажара бориб 3684 Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига; 2264 уруш ноғиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оилаларига, фаронда кўрсатилгандек, 169881 сўмлик эсдалик совғалари берилди, 245 хонадонда 204045 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, 599 ҳалок бўлган жангчилар оилаларига ҳар ойда 34549 сўм миқдоридан нафақа белгиланди. 1 ноябрда 602 нафар уй-жойга муҳтож Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлардан 520 тасининг уй-жой шароити яхшиланди. 864 та Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига яшаб турган хонадонларни шахсий мулк сифатида бепул берилиши кўзда тутиляпти, бундан ташқари мўлжалланган 90 та енгил автомашнадан 74 таси берилди, 485 хонадонга эса телефон ўрнатилди.

Бундан ташқари Президентимизнинг ҳамма фармонларини жой-

ларда ўта сиёсий-иқтисодий масала деб қараб, ҳар бир бандини бажартириш учун бутун имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлар эдимки, Президентимизнинг ҳар бир фармонининг ҳар бир хонадонга, ҳар бир ночор инсонга етиб бориши ижроия кўмиталарининг ҳамма бўғинларининг катта фидокорона ишлари эвазига амалга оширилмоқда.

Баъзи ноҳияларда аёлларга соғлигини тиклаш учун керакли озиқ-овқат маҳсулотларини бермасдан унинг ўрнига ун, гурунч ҳатто материал ҳам берганлигини аниқлади ва уларга нисбатан кескин чоралар кўрдик. Чунки бугунги кунда Жумҳурият Президенти бошқаруvinинг халқ ичидаги обрўси чиқарилган фармонларнинг ижроси бекаму-кўст бажарилиши билан белгила-ниши ҳаммага аёнди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам жуда катта иш қилишимиз керак. Вилоят маркази бўлган Жиззах шаҳрида биронта ҳам замон талабиде қурилган шифохона биноси йўқлиги, борлари ҳам қайта мослаштирилган биналарда эканлиги бини жуда таъшивлантирмоқда.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Бу соҳада бугун катта бурилиш қилмасак, эртага кеч бўлишини тушуниб турибмиз.

Бу ўринда Президентимизнинг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар ўйларининг тарбияланувчиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги фармонини халқимиз жуда яхши кутиб олди, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг келажаги учун яна бир мустақкам яхши қадам олға қараб қўйилди, чунки вилоятимиз учун 13 мингдан ошиқ халқ маорифи ходимларига 1991 йилнинг ўзидаёқ қарийб 6 миллион сўм пул берилди.

Ун иккинчи қақирқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясида қабул қилинган қатор ҳужжатлар, жумладан «Ўзбекистон ССЖда ижро этувчи ва идора қилувчи ҳокимият тузилшини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қонуни маҳаллий бошқарув идораларининг ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги му-стақил ҳуқуқларини ва маъсулиятини оширишни тақозо қилади. Тажрибадан маълумки, Совет ва унинг ижроия кўмитасига раҳбарлик қилишни қишлоқ ва кент Шўроси раисига топшириш Шўро кўйи бўғинларини, уларнинг идоралари ва депутатларнинг самарали иш-лашини таъминлайди. Ҳамма Ҳокимият Советларга широри амалда ўз самарасини бера бошлайди.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз гапларнинг кўплигидан чарчади, энди амалий ишга, яъни ижроия кўмиталарнинг фаоллигини оширишга, элининг дарди, қувончи билан яшашга, омма орасида доимий иш олиб боришга ҳаётни ўзи мажбур қилиб турибди. Шундагина асрмиз бошида эзгу ниятлар асосида дунёга келган Шўролар жафокаш халқимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқарадиган ягона ҳокимият бўлиб қолади.



Мамлакат халқ ҳўжалигини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ ҳўжалигини қайта тиклашга боғлиқ бўлиб қолди. Лекин афсуски, бу соҳа ҳали ҳозирги кунда чуқур иқтисодий инкирозни бошдан кечираётир.

Бунинг сабаблари бошбошдоқлик, ҳўжасизлик ва ишнинг тўғри ташкил этилмаганлигидир. Бўлмаса КПСС МК ва СССР Министрлар Совети кейинги ўн йил ичида дала саноати ҳамжиҳатининг моддий техника базасини мустақамлашга, қишлоқ меҳнатқашларининг турмуш шароитини яхшилашга ва қишлоқ ҳўжалигига оид 80 дан зиёд қарорлар қабул қилган бўлиб, бунинг учун катта миқдорда маблағ ҳам ажратилган эди. Лекин на қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, на меҳнатқашларининг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бутун имкониятлардан тўлароқ фойдаланиб, зарур тайёргарлик кўриш, бор ҳосилни тезроқ йиғиб олиш ўрнига митингбозлик ва иш ташлашлар авж олди. Мамлакатимизнинг марказий минтақаларида етиштирилган ҳосил тўла йиғиштириб олинмади. Оқибатда йиғиштирилмаган ҳосил ўрнини қоплаш учун зарур ғалланинг 30—40 фоизини чет эллардан сотиб олишга тўғри келяпти. Лекин бизнинг жумҳуриятимизда етиштирилган ҳосил нес-нобуд қилинмай йиғиштириб олинди. Аммо қилинган меҳнатга яраша тўланаётган ҳақни ҳали меҳнатга яраша деб бўлмайди. Қолаверса, Урта Осиё жумҳуриятлари ҳамон хомашё етказиб берувчи майдонга айланиб қолаётир. Хомашё етказиб берувчи жумҳуриятларнинг аҳволи эса маълум.

Масалан, Урта Осиёда етиштирилган 1 килограмм жун бор-йўғи 6—7 сўмга сотилади. Ана шу хомашёдан Болтиқбўида ўртача нархи 200 сўм келадиган костюм-шим ишлаб чиқарилади. Бундан кўринадики, фойданинг асосий қисмини тайёр маҳсулот етиштирган томон олар экан. Жумҳуриятимизда эса ҳалигача жунни қайта ишлайдиган корхона йўқ. Бундай аҳволни пахтада ҳам, пиллада ҳам кўриш мумкин.

Агар бозор иқтисодиётига ўтилган, етиштирилаётган хомашёга тегишли ҳақ тўланадиган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи ҳар йили, сизларга 2 миллиард сўм атрофида ёрдам бераёلمиз, деган таъналардан қутулиши мумкин. Ҳисоб-китоблар эса Иттифоқ Ўзбекистонга 150 миллиард сўмдан зиёдроқ қарздорлигини кўрсатмоқда. Жумҳуриятнинг тамоман мустақил бўлиши учун биринчи навбатда Иттифоқ вазирликлари тасаруфида бўлган 90—95 фоиз завод, фабрикалар ва бовшақ ташкилотлар жумҳурият вазирликларига қайтарилиши зарурдир.

Иқтисодий мустақилликка эга бўлиш бошқаришни маъмурий, буйруқбозлик системасига ҳам зарба беради. Бу ўз навбатида, ҳозиргача мамлакатимизда мавжуд 18 миллион (Ўзбекистонда 700 мингдан ошиқ) идоравий ходимларнинг ўз ўринларини топишга мажбур этади. Шунда ҳар йили улар ҳазм қилаётган 45 миллиард сўм маблағ ҳақиқий эгаларига қайтариб берилади.

Янги иқтисодий муносабатлар вужудга келиши ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуланмайдиган минглаб техникўрларни юзага чиқаради. Бозор системаси ўғри, порахўр, ташмачи, ишёқмас ва шу қабиларга зарба беради.

Бизнинг мамлакатимиздек улкан ҳўжаликнинг бозор ҳаётига ўтиши осон иш эмас. Чунки ундан нафақат муттаҳам ўғрилар, балки уларга қарши туришга ожиз бўлган пок виждонли оддий кишилар ҳам чўчидилар. Бозор иқтисоди кишиларга режадагидан кўра юқорироқ талаблар қўяди. Ана шу талаблар бажарилгандагина биз орзу қилган мақсадларга эришишимиз мумкин.

Бозор иқтисоди арафасида кундалик эҳтиёж доғларига бўлган талаб тобора ошиб кетаяпти. Бу аҳоли ўртасида норозилик кайфиятларининг кучайишига олиб келмоқда. Жумҳурият халқ депутатларининг 1 сессиясида мавжуд муаммоларни атрофлича ҳал қилиш учун

қатъий киришиш ҳақида келишиб олинган эди. Жумладан, жумҳурият вице-президенти ўртоқ Ш. Мирсаидовнинг маърузасида Умумиттифоқ фондидан жумҳуриятимизга гўшт ва сўт маҳсулотлари етказиб бериш шу йилнинг ўзидеёқ 140 минг тоннадан 180 минг тоннага етиши, кейинги йилларда шунга ҳар йили яна 20 минг тонна гўшт қўшиб борилиши айтилганди. Афсуски, ҳозирги иқтисодий мустақиллик учун ҳаракат қилинаётган бир пайтда юқоридаги ваъданинг бажарилиши гумон бўлиб қолмоқда. Масалан, 1990 йилнинг тўққиз ойида Қозоғистондан 19 минг тонна, Украинадан 3,6 минг тонна, жами 30 минг тоннадан кўпроқ гўшт ва гўшт маҳсулотлари кам олинган.

Жумҳуриятларнинг иқтисодий мустақилликка ва биринчи навбатда ўз аҳолисини таъминлашга ўтиши бизда ҳам қайта ишлаш саноатини ривожлантириши биринчи даражали масала қилиб қўяди. Фарғона воқеаларидан кейин Н. И. Рижков жумҳуриятда 200 дан зиёд саноат корхоналарини қуриш тўғрисида ваъда берган эди. Лекин амалда бирор сезиларли иш қилинмади. Улмаида У. Юсупов номли ҳамда Китоб агросаноат бирлашмаларида давлат ҳўжалиги (жамоа ҳўжалиги) заводлари вужудга келди. Улар жумҳуриятимизда етиштирилган меваларнинг маълум қисминини қайта ишлаб, аҳолини озик-овқат билан таъминлашга зарур ҳисса қўшишди. Чунки бу агросаноат бирлашмалари давлат ва жамоа ҳўжаликларига нисбатан 1,5—2 баробар кўп фойда олмақдандар.

Пахтачилик соҳасида ҳам ўз маҳсулотларини қайта ишловчи, агросаноат бирлашмалари давлат ҳўжалиги заводлари вужудга келди. Булар орасида «Оқ олтин», «Қизил Работ», «Нарпай» ва бошқалар алоҳида ўрин тутди. Мисол учун Бухоро вилоятининг Навоий ноҳиясида ташкил этилган «Нарпай» давлат ҳўжалиги заводини олайлик. 1957 йилда ҳўжалик ҳудудида 18 минг тонна пахтани тозалаш қувватига эга бўлган завод қурилган эди. Пахтани саноат усулида қайта ишлаш, ички ва ташқи имкониятларни қидириб топиш ҳўжалик иқтисодини мустақамлашга имконият яратди. Давлат ҳўжалиги маъмурияти Халқаро савдо маркази билан алоқа боғлади. Марказ ёрдамида Япониянинг «Кокусай козико» фирмаси билан шартнома туздилар. Шартномага давлат

япон фирмаси 1 тонна пахта толаси учун 1550 доллар ҳақ тўлайдиган бўлди. Шартноманинг яна бир муҳим томони шундаки, фирма хомашёга нақд пул билан эмас, балки бизда камёб бўлган электрон ҳисоблаш ва тикиш машиналари, теле-радио техникаси, автомобильлар етказиб беришга келишиб олинди. Шартномага кўра давлат ҳўжалиги Японияга 1989 йили 300 тонна тола берди.

Давлат ҳўжалигининг хорижий мамлакатлар билан мустақил савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйишда пахта заводининг аҳамияти катта бўлмоқда. Завод ҳар йили ўртача 500 минг сўм фойда олмақда. Югославия фирмаси билан тузилган шартномага кўра заводда тўп-ланиб қолган 700 минг тонна пахта чиқиндилари уларга сотиладиган бўлди. Улар билан ҳам доллар ҳисобидега кийим-кечак ва пойабзаллар етказиб беришга келишиб олинди.

Олинадиган даромадлар эвазига 1990 йилнинг ўзида ҳўжаликка 17 километр масофага газ қувури ўтказилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 180 минг сўмлик иш бажарилди. Давлат ҳўжалигида инсон омили муаммоларини ҳал қилиш учун 1988 йили бир миллион 530 минг сўм, 1989 йили бир миллион 935 минг сўм, 1990 йилнинг 6 ойида эса 726 минг сўм сарфланди. Аммо ҳозирча иқтисодий жиҳатдан юқори самара олаётган бундай ҳўжаликлар жумҳуриятимизда бармоқ билан санарлидир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш борасида кейинги пайтларда олиб борилаётган ишларнинг ижобий самара бериши шубҳасиздир. Айниқса, жумҳурият Ташқи иқтисодий банки ва «Ўзбекистон пахта саноати» идораси бу борадаги ишларини ривожлантиришлари шарт. Жумҳуриятимиз пахтасини меҳнатқашларнинг фидокорона меҳнати туфайли етиштирилган ҳосилни уларнинг манфаатларига мос равишда баҳолаш имконини кўпроқ қидириш керак. Шундагина жумҳуриятимиз иқтисодий мустақиллигининг амалдаги натижаларига эришади.

Нуриддин МУСАЕВ,  
тарих фанлари номзоди  
Рисолат ЭШМУРОВА,  
ўқитувчи

# НОИБЛАРМИ? ҚУРУВЧИЛАРМИ?

Қайта қуриш ва ошкоралик шабадалари эсгунча бўлган даврни турғунлик деб атаёмиз. Хўш, турғунлик даврида Иттифок, жумхурият, вилоят, ноҳия ва қишлоқ шўроларига сайланган, аниқроғи, юқоридан сайлаб олинган ноибларимизнинг фаолияти қандай кечди? Аввало, ноибликка номдор ташкилот ёки муассаса раҳбарларининг номзодлари тавсия қилинарди. Хоҳлаймизми, йўқми, бундан биров биздан сўраб ўтирмасди. Тавсия қилиндими — тамом! У — ноибликка сайланиши шарт!

Энг ёмони, кўп йиллар мобайнида, айниқса, қишлоқ аҳли вилоят, ноҳия ва қишлоқ шўроларига сайланадиган ноибларнинг кимлигини билмасдан, кўрмасдан сайлаб юбравардилар. Улар эса омади кулганидан хурсанд бўлиб, сайловчиларини даров унутарди. Ўйини, янаги сайловгача худдо пошшо, қабилида иш туттишарди. Халқимизда: «Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор», деган нақд бор. Ноибларимизнинг аксарияти шу мақолни ўзларига байроқ қилиб олган эдилар. Бечора халқ эса додини кимга айтишга ҳайрон! Шунинг учун ҳам тараққиётимиз инқирозга юз тутди.

Минг шукурлар бўлсинки, демократик сайловларга, бироз бўлса-да, йўл очилди. Сайловчиларимиз 3-4 ва ундан ортиқ бўлажак ноиблардан ўзига ёққанини танлаб олиш ҳуқуқига эришди. Ҳар бир номзод ўз ҳаракат дастурини сайловчиларга маълум қилади, учрашувлар ўтказилади.

Аммо таажжубланарлиси шуки, биздан сайланмоқчи бўлган номзодлар фақат қурилиш ишларини дундиришга қоп-қоп ваъда беришга уста. Боғча, мактаб, касалхона, хаттоки... завод куриб бераман, дейдилар. Масалан, 232-Кўкдала сайлов ҳудудидан Ўзбекистон Халқ ноиблигига Абдул Турдиевнинг номзоди ўтди. У ўз ҳаракат дастурида беш йил муддатда худудига қарашли барча қишлоқларни табиий газ билан таъминлашга ваъда бериб юборди. Афсуски, ваъданинг вафосини кўрмаймиз. Қолаверса, ноибимиз сайланишдан илгари бир дунё қурилиш ишларини ҳам бажараман деб оғиз кўпиртирганди. Аҳвол эса ўша-ўша! Чироқчидан жумхурият халқ ноиблигига сайланганларнинг деярли юз фоизи ноҳияда янги-янги қурилишларни бошлаб


юборишни ваъда қилишган. Уша кўкрагига урган шоввозларимиз ҳам пойтахтдаги йиғинларда мум тишлаб, сукут сақлашдан нарига ўтмаёттирлар!

Келинг, дўппини ерга қўйиб, яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Битта мактаб, қуриш учун қанчадан-қанча маблағ зарур. Бу бинонинг лойиҳасини марказдан тасдиқдан ўтказиш учун озмунча асаб-бузарликлар, елиб-югуришлар лозим бўлишини бир хомчўт қилиб кўринг-а. Тасдиқдан ўтса-ку, нур устига аъло нур, борди-ю, ўтмаса-чи? Оддийгина мактаб қуришга ойлар эмас, йиллар, ўн йиллар камлик қилаёттир. Сизга яна бир мисол, вилоят шўросига Шўрқудук сайлов ҳудудидан ўртоқ Эркул Зикрияевни ноибликка сайлаган эдик. Ноибдан омонат турган мактаб биносини тузатишга ёрдам беришини сўраб бир неча мартаба мурожаат қилдик. У киши бу масала билан батафсил шугулланди. Кимларга сиз қокмади, кимларга кўз ёш қилмади, дейсиз, қаёқда? Ҳеч бир амалдордан садо чиқмади. Тўғриси, ноибимизнинг аҳволига жуда ачиниб кетдим. Эҳ, қўл калталиги курсин!

Яна шу нарсани қўшимча қилмоқчи эдимки, ноибларимиз тоғ-тоғ ваъдаларни қилмасдан ўз сайловчилари олдида мунтазам ҳисоб бериб туришсин! Шубҳасиз, янгидан-янги қурилиш иншоотлари бизга сув билан ҳавадай зарур. Бироқ ноибларимизнинг қўлидан бирор нарса келмас экан, аравани куруқ олиб қочишларига на ҳожат! Мантиқан ўйлаганда ҳам, ноибларимиз фақат қурилиш ишларига шўнғиб кетса, йиллар бўйи халқимизни эзиб келаётган муаммолар ҳақида ким қайғуради, ким жон куйдиради? Қанчадан-қанча муаммолар тахлами бузилмасдан, ўз ечимини кутиб ётибди, ахир. Экология дейсими, ишсизлик дейсими, пахта танархивининг ниҳоятда пастлиги...

Хуллас, ўз ечимини кутаётган муаммолар гиж-гиж! Бунинг устига, жумхуриятимизнинг тақдири ҳам муҳтарам ноибларимиз қўлида. Халқнинг истиқболини кўзлаб адолатли қарорлар чиқариш ҳам осон иш эмас. Елғон ваъдалар билан эса халқ қорини тўйғизиб бўлмайди!!!

Нишон ЖАББОРОВ,  
Қашқадарё вилояти, Чироқчи  
ноҳияси, И. Мўминов номи  
мактаб директори



# Кўнгуз келсин, наврўз

Наврўзи олам — яшариш, янгиланиш, кўркамлик ва покизалик фаслидир. Бунда кўнгилларга сурур, кўзларга қувонч, юзларга мамнунлик, тақдирларга толе бахт бўлиб сингади. Ҳамма нарсада яшариш рамзи ўз зухурини топади.

Ҳар йили ушбу қадим байрамни бутун Ўрта Осиё халқлари бу ўлкаларда яшаётган барча миллат вакиллари — ўзбеги қозоқ, тожигу туркман, қорақалпоғу қирғизу уйғур, татару руслар ҳамма расм-русмларни ўрнига қўйиб, кутиб олишади. Айниқса сўнгги йилларда мана шундай бахтли онлар неёнамаизга битди. Бу ўзлимизни англаш, қадрига етиш рамзидир. Ўлкамизда Наврўз тантаналари бир ой давом этади. Шу даврда араз-гиналар унутилади. Одамлар бир-бирига ширин муомалада бўлишади. Яхши сўзлар айтишиб, диллардаги губорларни аритишади. Чегара билмас, ғаразсиз дўстлик барқарор бўлади. Дўстлар, қадрдонлар, кўни-қўшилар бир-бирини кириб келаётган янги йил янада қут-баракали, тўқни-сочинли келишини раво кўриб, тилаклар билдирадилар.


Кўчаларда, гузарлару овулларда, дала-гузларда, хуллас, ҳамма-ҳамма жойда янги йил сайли ажжигача чиқади. Еш-яланглар ўйин қулгини, полвонлар кураш-кўшкарини давом эттирадилар, момолар қизу-жувонларни ёнларига олиб, сумалак тайёрлашни бошлаб юборадилар.

Хуллас, янги йил барча хонадонларга бахт олиб келсин, кўй йилимиз тинчлик ва осойишталик йили бўлсин. Хирмонлар донга тўлсин, имонлар бут, кўнгиллар равшан бўлсин, дастурхондан қут-барака аримасин.

Суратқашлар А. Караваев,  
И. Хўжаев (ЎЗТАГ)



Олам жаҳонни тўладириб турга,  
Наврўзжон, бу йилги келишим бошқа.  
ҲИҚМАТ БАХШИ



Самарқандда Наврўз сайли.

# „Lison uhi-kalir“

Малик ОРИПОВ,

филология фанлари доктори



Лисон ут-тайр» буюк шоир умрининг сўнгги йилларида 1499 йили ёзилган фалсафий-ахлоқий мазмундаги дostonдир. Бу асар форс шоири Фаридудин Атторнинг «Мантик ут-тайр»ига жавоб тарзида туркий тилда битилган. Унда Алишер Навоий ўзининг ижодий йўли ва ҳаёт тажрибасини яқунлаш асосида гоъвий изланишларини ва атроф-муҳитдаги воқеаларга муносабатини ифодалайди.

Гоъвий мазмунига кўра «Лисон ут-тайр» мажозий дostonдир: у икки йўналишда. Ташқи жиҳатдан — зоҳиран Навоий Шарқда кенг тарқалган қушлар тили ривоятдан фойдаланиб, қушларнинг ўз подшоҳи Симуургни излаб қилган сафарини ва шу жараёнда уларнинг кечирган саргузаштларини, сермашаққат йўлини тасвирлайди. Лекин ўзининг яширин, ички, ботиний мазмунига кўра асарда инсон руҳининг Илк манба, Илк ибтидо-худога кўчирилиши, у билан қўшилик жараёни ифодаланади. Ботинийлик тасаввуф таълимоти билан боғлиқ. Тасаввуфда инсоннинг маънавий такомилликка эришиши унинг ўз нафсини дунёвий эҳтирослардан, ахлоқий иллатлардан тозалаш йўли билан амалга оширилиши тасаввур қилинади. Бу сўфийлик, дарвинлик йўли сулук деб аталади. Кўпинча тариқатларда сулук тўрт манзил (бекат, босқич)дан таркиб топади: шарият, риёват (баъзан тариқат ҳам дейилади), маърифат ва ҳақиқат. Одатда кўпчилик солиқлар (сулук йўлидагилар) биринчи ёки иккинчи манзилга эришадилар. Учинчи манзил — маърифатга эришганлар орифлар (худони таниганлар, донолар) Устод унвоига муяссар бўлиб, муршидлар ёки пирлар ҳисобланадилар. Ҳақиқат манзилига етган солиқлар худо билан мулоқотда бўлувчилар — восиллар деб аталади. Солиқнинг маънавий камолатга етиш йўли (сулук) «Лисон ут-тайр»да қушларнинг машаққатли ва жуда кўп азобларга дуч келган гаройиб сафарига рамзий ифодаланади. Ф. Аттор руҳининг илохий манбага етиш жараёнини етти манзилга ажратади. Алишер Навоий ҳам қушларнинг Симуург васлига етишини етти водий (манзил) таърифида изоҳлайди.

Дostonнинг мажозий характери ундаги қушлар тижсолларининг шартли, рамзийлигини белгилайди. Масалан, Симуург худонинг рамзий тисоли, Худ-Худ сулук йўлидаги муридларга, солиқларга раҳнамолик қилувчи муршиддир. Чаманзорда тўпланиб бир-бирлари билан ўрин, мартаба таллашиб жанжал қилган қушлар тўдаси — маърифат ва ҳақиқатдан узок, ҳар хил иллатларга мойил жоҳил ва нодон кишиларнинг рамзий тисолларидир. Қушларнинг ҳар бири инсон шахсига хос муайян бир иллатнинг ифодасидир: қузгун — очкўзлик ва шафқатсизлик рамзи, бургут — такабурлик ва манманлик, товус — мақтанчоқлик ва ҳасадгўйлик, булбул — назокат ва нафосат рамзидир. Худ-

Худ қушлар билан суҳбатларида мана шу иллатлардан қутулиш учун улар Симуургни излаб сафарга чиқишларини тушунтиради. Сафарнинг ниятида ўттизта қуш Худ-Худ раҳнамолигига охириги манзил — факру фано водийсига етиб келади, лекин у ерда ҳеч қандай Симуург йўқ экан: «си мурғ» форсча «ўттиз қуш» демакдир. Бундан шундай хулоса чиқдики, худо ҳар бир инсоннинг дилидадир, уни билиш учун одам ўзини ўзи англаб етмоғи лозим: худшунос — худшунос, яъни ўзини таниган Яратувчини танийди, дейилади.

Асарнинг ички мазмуни ва ташқи шакли ҳақида Навоий ёзади:

*Онглоким сўз ўзга, маъни ўзгадур,  
Маъни онгмас шогил йлким сўзгадур.  
Бўйла маъниким манга бўлди, аён,  
Айладим қушлар тили бирла баён.*

Дostonнинг ички маъноси инсон руҳининг покляниши, унинг Илк манбага қўшилишини ифодалашдан иборатдир. Унга «Фоний» тахаллус билан имзо чекилиши ҳам шоирнинг ўз устози Аттор билан маънавий яқинлигининг ифодасидир. Бу ҳақда Навоий шундай дейди:

*Туркий услуб эрди ҳам бу дoston,  
Топқудек эрди Навоийдин нишон.*

*Бу рақамда Фоний айларга лаҳаб,  
Мастамаъ бўлгонга айтурман сабаб.*

*Ким бу дафтар назмидин қулли мурод,  
Чунки муржасъ майли эрдио маод.*

*Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
Фоний ондин топти назмим ихтимом.*

«Лисон ут-тайр» дostonи ўзининг гоъвий маъносига кўра мусулмон Шарқда кенг тақалган таълимот — ваҳдат ул-вужудга асосланади. Ваҳдат ул-вужуд борлиқнинг, атрофдаги дунёнинг бирлиги ҳақидаги фалсафий таълимотдир. Унга кўра, мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ҳақ таолонинг ягона вужудидан иборат, деб тушунтирилади. Худонинг зот сифатлари аҳад, аввал, абад, азал гойибот оламига мансубдир, лекин у шаҳодат оламида (моддий дунёда) ўзининг зоҳир сифатлари — жамоат, жалол, камол орқали турли шайъа ва ҳодисаларда кўришиб туради (жилваланади). Демак, моддий дунё ўзининг моҳиятига, зотиға кўра ягона ибтидо руҳдан иборатдир. Худди мавж (тўлқин), хубоб (қўпик), гирлоб, катра ва жало (шудринг, шабнам)ларнинг манбаи фақат сувдан таркиб топгани каби худо ҳам барча нарсаларнинг илк манбаи сифатида денгизга қиёс қилинади. Биз идрок этиб турган дунё, ундаги хилма-хил ҳодисалар ҳақиқий борлиқ (вужуд) эмас, балки унинг жилвасидир, яъни моддий борлиқ ҳақиқий вужуднинг ойнадаги ифодаси, деб фарз қилинади.

Шундай тасаввурлар асосида илоҳиёт билан коинот ўртасида муайян бир боғланиш, алоқадорлик мавжудлиги эътироф этилади, улар ўртасида уйғунлик, мутаносиблик мавжудлиги тўғрисида гоъй илгари сурилади. Шарқ мутафаккирлари Фөробий, Ибн

Сино, Беруний ва уларнинг издошлари, жумладан мутасаввифлар ҳам, моддий дунёнинг ҳақиқий моҳияти (зоти) ягонадир, у ҳам бўлса худодан (Биринчи сабабдан, Аввалдан, Биринчи моҳиятдан) иборатдир, деб қараганлар. Коинот илоҳиётнинг намоеъ бўлиши, кўриниши учун бир кўзга (миръот) дир, дейдилар. Муҳиддин Ибн Арабий Андалусий (XIII аср) мавжуд дунё — ҳақиқатнинг ўзидир, унинг атрофдаги борлиқда турли ҳодисаларда ифодаланиши, унда ҳам фазо, ҳам вақтда намоеъ бўлишидир, деб шарҳлайди. Борлиқ руҳий олам (ақлий кулл)дан аста-секин мумкинот оламининг тажалиёт жараёнида пайдо бўлишининг натижасидир. Рухий олам ёки ботиний оламдан зоҳир оламга ўтиш жараёни олти босқич (таназзулат-и ситта) орқали намоеъ бўлади. Инсон руҳи худони билиш (маърифат) йўлида зоҳир оламдан мутлақ ҳақиқатга олти босқич (манзил) орқали кўтарилади. Тасавуфнинг айрим оқимларида, юқорида қайд қилинганидек, бу жараён тўрт манзилни ичига олади. Аттор таълимотида таназзулат етти манзилдан иборат. «Лисон ут-тайр» дostonида инсон руҳининг Ҳақиқат (Симуург)га кўтарилишида етти водийдан ўтиши тасвирланади.

Ваҳдат ул-вужуд таълимоти кўпгина диний ақидаларни, ижтимоий ва ахлоқий қарашларни қайта идрок этиш, уларга бошқача ёндашиш имконини туғдиради ва хурфирлиқка йўл очиб беради. Хусусан, ўрта аср фалсафий шеъринида ваҳдат ул-вужуд назарияси ишқ мавзусида ўзининг хар тамонлама ифодасини топди.

оирнинг фикрича, коинот мутлақ, абадий гўзаллиқни билиш ойнасидир, унинг жило-сийдир. Илоҳ тажалиётга коинотнинг барча ҳуснлари билан безалгандир. Чунончи, инсон бу гўзалликка мафтун бўлган ошқидир, ишқ эса инсон кўнглининг ўчмас машъалидир. Мана шу гўзаллик ичида бунёдга келган инсон ўз Яратувчисини фақат ҳусн-нигор шаклидагина тасаввур этади. Бу гўзалликнинг барча зоҳир сифатлари табиат шайъаларида жилваланади. У инсонни мафтун этиб ҳаяжонлантиради ва дунёдаги ҳамма нарсаларда Бирликни сезиб, Мутлақни идрок қилиш имконини беради. Инсон учун бу гўзалликнинг ўзи ҳам ишқ, ҳам ёрди. Бу хилдаги фикрларни «Хамса» дostonларида, Навоийнинг лирикасида учратганимиз мумкин. «Лисон ут-тайр» дostonида Худ-Худ қушларнинг Симуург (худо) тўғрисида берган саволига жавобан унинг намоеъ бўлиши қуйидагича тасвирланади:

*Истади ҳуснига ошқидиқи фои,  
Кўзгу пайдо қилди андоқим қуёи.*

*Токи онда қилвае ноз айлағай,  
Ҳуснига ошқилик огоз айлағай.*

*Бўлди у кўзгу кўнгул, эй оқли дил,  
Ким ҳақ анда жилва айлар муттасил.*

*Ул қилибон жилваи ҳусн ошкор,  
Сен кўнгул бирла анга ойнадор!*

# g o s i t o n i k x ä k k i g ä



Навойнинг илоҳиёт ва коинот ҳақидаги мулоҳазаларида худо илк манба сифатида Бирлик (аҳадиёт)дан иборатдир. Бошқа мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси (кўплик) эса унинг зоҳир сифатлари ёки жиоси деб тасаввур қилинади. Бу ҳақда шоир қуйидагича фикр қилади:

*Бирлик ойинида зотибир онинг,  
Лек мунгдин кўп сифотибир онинг.*

*Ул сифат офок оро шое бўллуб,  
Барча онинг зотига рожеъ бўллуб.*

Баҳдат ул-вужудга асосланган ҳолда Навоий худони соф бир ижодкорлик, ҳамма нарсаларнинг илк манбаи, мулқаб ибтидо, сўнгсиз ва чексиз абадийлик, деб тасаввур қилади. Унинг ташқи кўриниши — коинотдир. Бу икки олам — олами ғайб (олами ботин) ва олами шаҳодат (олами зоҳир) ўртасида муайян боғланиш ва уйғунлик мавжуддир. Илоҳиёт коинот устида ҳукмронлик қилувчи бир сирли ғайритабиий кучдан ундаги барча инкишоф (ривожланиш) ва яратилишнинг бир ички қонуниятига айланади. Моҳият жиҳатдан илоҳиёт, коинот ва инсоннинг бир бутунлиги гоёси илгари сурилади. «Лисон ут-тайр» достонининг ички маъноси мана шу гоёни ифодалашдан иборатдир. Сафар жараёнида қушлар Худ-Худга шариатнинг у ёки бу ақидаларига доир саволлар беришади. Унинг жавобларида бу саволлар эркин фикрлик руҳида талқин этилиб, диний ақидалар муҳим ахлоқий маъно касб этади. Достонда муҳим ахлоқий, фалсафий ва диний масалалар ташқи жиҳатдан қизиқарли ҳикоятлар, латифалар, мажозий тимсол ва ривоятлар орқали баён этилади. Масалан, қушлардан бири шундай савол беради: «Лаънати Иблис мени доимо васвасга солиб, ноуж ё хаёлларни кўнглумга келтиради, ундан қутилиш чораси нимда?» Худ-Худ айтдики, Иблис ғайритабиий куч эмас, балки ўз нафсинг ва хулқингдаги иллатларнинг ифодасидир, чунки сенинг кўнглинг (қалбинг) кибру гурур ва нуқсонларга тўлиб-тошган, уларни кўрган шайтоннинг ўзи ҳам кўрқиб, чўлбиебонга қочган бўлур эди. Иблис — бу инсоннинг нафс балосига учраганлигидир, ундан қутилиш йўли нафсни тийишдир.

*Қайси ишдинким етар нафсингга ком,  
Топар ондин қомини шайтон мудом.*

*Нафс ҳукми бирлаким қилсанг зар иш  
Иржаюр ул қомдин шайтонга тиш.*

Демак, инсон аввало ўзидаги иллатларни бартараф қилиши керак. Бунинг учун ундан жоҳилликдан маърифатга, ёмонликдан яхшиликка ўтиш талаб қилинади. Достонда қушлар худони билиш мумкинми ёки мумкин эмасми, худо билан инсон ўртасидаги нисбатлик, денгиз билан қатра ўртасидаги боғланиш қандай қонунга асосланади, деган саволларни берадилар. Худ-Худ ўз жавобида Симург (худо)нинг хикматида ҳеч ким воқиф бўлмайди, уни билишга инсон ақли етмайди, дейди:

*Нақиш рангидин хирад огоҳ йўқ,  
Гофил эрқонга хирад икроҳ йўқ.*

*Ким хирад идрокидин афзундур ул,  
Мундин идрокига топмас ақл йўқ.*

Тасаввуфда Оллоҳнинг исмлари бўлмиш жамол, жалол, камол истилоҳлари ваҳдат вужуд руҳида худонинг табиат шайъаларида намоён бўлиш сифатлари (зоҳир сифатлари) деб шарҳланади. Масалан, Жамолулоҳ (Оллоҳ жамоли, нигорининг кўриниши) истилоҳи Қуръонда худо жамолнинг жаннатда зухур этилишининг ифодаси. Тасаввуфда бу тушунча зоҳир исмининг тажалиси, яъни худонинг зоҳир сифатларининг дунёро нарсаларда кўринишидир. Чунотчи, тасаввуфда диний ақидалар кўпинча ахлоқий-фалсафий маъноларда талқин этилади. Одатдаги диний эътиқодга кўра, тоат-ибодат биринчи ўринга қўйилади, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг тақводорлиги билан белгиланади. Тасаввуф эса диннинг маънавий-ахлоқий томонларини биринчи ўринга қўяркан, инсоннинг қиёфаси унинг ахлоқий поклиги ва яхши қилмишлари билан ўлчанади, деган фикрни илгари суради. Шу хусусда мутасаввиқлар, жумладан Алишер Навоий ҳам, риёкор, мунофиқ шайхларни танқид қиладилар ва уларнинг сохта тақводорлигини фош этадилар. Мазкур гоё асосида тасаввуфнинг худони билиш, унинг моҳиятини англаш ҳамда васлига етиш тўғрисида муҳим ақида — инсон худого шахсий муҳаббатни орқали эришиши мумкин, деган қараш шаклланади. Бу гоёни ифодалаш учун тасаввуф шеъринида махсус истилоҳлар силсиласи ишлаб чиқилган. Масалан, май, майфуруш, ринд, ёр, бут, санам, муғба-ча, париваш, соқий, бўлбул ва гул, парнона ва чироқ, томчининг денгизга интилиши сингари иборалар ва ўхшатишлар инсоннинг, аниқроғи солиқ, суфий, дарвишнинг мулқаб гўзалликка, илоҳий қамолатга етиш ораумидларнинг рамзий ифодасидир. Томчининг денгизга интилиши, унга қўшилиш ордаси «Лисон ут-тайр» достонидида қушларнинг афсонавий Симургни қидириш сафарига рамзий-мажозий тарзда ифодаланган. Аммо инсон худо васлига ўзининг амалий харақатлари, ахлоқий софлиги, билими билан етишиши мумкин. Бу — анча машаққатли иш эканлиги, унга эришиш учун кўп азовуқубатларни бошдан кечиршига тўғри келиши қайд қилинади:

*Лек мундоқ шохга васл осон эмас,  
Истамай кўп саъй ила имкон эмас.*

*Йўлида етса талабдин минг тоаб,  
Ҳам анга етмас киши қилмай талаб.*

Мутасаввиқлар худони ақл (хирад) билан, мантиқий мулоҳазалар билан исбот этиш мумкин эмас, лекин унинг мавжудлигини инсон ўз атрофидаги ҳодисаларни кузатиш, мушоҳада қилиш орқали сезиши, идрок этиши мумкин, деб қарайдилар. Чунки худо атрофидаги барча нарсаларда зухур этаркан, у инсоннинг қалбида ҳам ўз аксини топади. Демак, инсон уни ўз қалбидан қидириши мумкин: худо ҳар кимнинг қалбидадир.

Лекин уни топиш, сезиш инсондан ризват (қалби тозалаш) маърифат ва ҳақиқат сарни интилиши талаб қилади. Бу ҳақда «Қушларнинг фано хусулидан бақо васлига етгони» бобида шундай дейилади:

*Бордур инсон зотига онча шараф,  
Ким ёмон ахлоқи этса бартараф.*

*Ўз вужудинга тафаккур айлағил,  
Ҳарне истарсен ўзунгдин истағил.*

Кўринадикки, сайру ризват худони танишнинг маърифат йўли бўлиб, тасаввуфда бу йўл илм билан ахлоқий софлик ва маънавий етуқликнинг узвий бирлигидан иборатдир. Бу йўлнинг охириги манзили — ҳақиқатга етган киши ориф, яъни худонинг моҳиятини англаган, уни таниган маърифатли қомил инсон ҳисобланади. Ориф учун барча динлар баробардир: у яхши ва ёмон, қуфр ва имон, дайр ва Каъбани бир-бирларидан фарқ этмайди. Бу ҳақда «Лисон ут-тайр» достонининг маърифат водийси васфида батафсил фикр юртилади. Бунда таърифланишича, маърифат йўлида ҳақ (худо)ни билишнинг юз туман минг кўйи-кўйи бордир. Ҳар бир қимса ўз йўлидан муфтаҳир (яъни гурурланади, фахрланади, қаноатланади) ўз йўлини айлаб мунхасирдир (ўзига хос йўлида қатъий боради) дейилади. Шунинг учун маърифат водийсида Мусо (пайғамбар) ўз муқолиби (душмани) Фиръавнга рохрав (хамроҳ), Маҳди (Исо пайғамбар) билан Дажол битта мазҳабда, гарчи биринчиси пайғамбар, иккинчиси эшак бўлса ҳам. У ерда яхшининг ёмон билан, мўъмин ва солиқнинг кофир билан бирга бўлиши одат тусидадир, чунки уларнинг йўлларида ихтилоф бўлса ҳам, лекин мақсадлари битта — ҳақ (худо)ни билишдир.

Бу хил гоёвий йўналишдан эркин фикрликнинг муҳим ақидаси — барча динларнинг моҳият жиҳатдан тенглиги тўғрисидаги қараш келиб чиқади: ҳамма динлар ташқи кўринишдагина бир-бирларидан фарқланадилар, лекин уларнинг ҳаммаси битта мақсад — худого олиб келувчи турли йўллар, холос. Бу ҳақда достонда шундай дейилади:

*Мунда солиқка тафовут бўлди фои,  
Анга мехроби мунга бут бўлди фои.*

*Бўлди ўз ирфони ҳар қимга сифат,  
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.*

Демак, маърифат йўлида ҳар кимнинг эришган билими ўзига сифатдир. Бу йўлдагилар ўртасида тафовут бўлса ҳам, лекин ҳаммасининг мақсади бирдир, деган гоё Ҳиндистонда кўрларнинг фил билан учрашуви ҳақидаги гўзал ҳикоятда ўзининг бадий ифодасини топган. Унда ҳикоя қили-

(Давоми 13 бетда)



**X**

аттотлик қадим шарқ санъатининг беҳад камол топган турларидан бири ҳисобланади. Урта Осиё хаттотлик санъатининг эса бой тарихи бор.

XIV—XV асрларда ўлкамиз китобатчилигининг равнақи беқийёс бўлди. Бу даврларда умуман дунёда китоб чоп этадиган босма-хоналар йўқ эди. Шунинг учун ҳам, айниқса Шарқда хаттотлик санъатига қизиқиш ҳамда хаттотларга эҳтиёж низоҳатда катта бўлган. Адабиёт ва илм аҳли яратган бебаҳо асарлар котиблар меҳнатининг шарофати билан бизгача етиб келди. Бу қўлёзма асарлар ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослиги учун тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, бундай қўлёзма асарлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда, илм-фан ривож топган деярли ҳамма шаҳарларда машҳур хаттотлар томонидан кўп нусхада китобат қилинган. Асосан, Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Хива, Балх, Машҳад, Қўқон ва бошқа жуда кўп илм-фан ва маданият ўчоқларида кўчирилган. Булар хозирда чет эл қўлёзма фондларида, чунончи, Лондон, Истамбул, Теҳрон, Оксфорд, Кембриж, Берлин, Париж, Мюнхен, Нью-Йорк, Рим, Дублин, Кобул каби шаҳарларда, шунингдек, мамлакатимиздаги Москва, Тошкент, Боку, Олма-ота, Ленинград, Душанбе ва бошқа шаҳарларнинг кутубхоналарида сақланаётир.

Қадим Шарқ қўлёзмалари орасида Мир Алишер Навоий асарлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Навоий ижодини ўрганиш, асарларини оққа кўчириш унинг ўз замонасидаёқ бошланган. Унинг асарлари ўзи яшаб турган юрдагина эмас, балки бир қанча хорижий мамлакатларда ҳам дастхат сифатида кенг тарқалган эди. Жумладан, шоир «Хамса» устида ишлаганда унинг ёзиб тугатилган қисмини пешма-пеш машҳур хаттот Абдуҷамил котиб оққа кўчирганди. Шоир ўзининг йирик таъкираси «Мажолисуннафоис» асарида хаттотлик санъатига юқори баҳо бериб, уни пухта эгаллаган Султон Али Машҳадий, Мавлоно Соёмий, Мавлоно Сайфий, Мавлоно Шер Али, Шайхзода Пуруний, Мавлоно Войсий, Мавлоно Котибий ва Абдуҷамил котиб Ҳиротий каби машҳур котибларни фахр билан тилга олади. Шуниси диққатга сазоворки, бизгача етиб келган Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг жуда кўпчилиги қадимий илм-фан масканлари Бухоро ва Шаҳрисабзда китобат қилинган. Қавомиддин Муниров ва Абдулла Носиров каби шарқшунослар тартиб берган «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги» (Тошкент, 1970)даги рўйхат ана шундан далолат беради.

XIV—XIX асрлар Бухорода санъатнинг барча турлари кенг ривож топган давр бўлди. Бу ерда хаттотлик санъатининг мак-

# Навоий Хаттотлари

таби вужудга келди. Пирмуҳаммад Сўфи Бухорий (XV аср), Мираз Бухорий (XV аср), Султон Муҳаммад Бухорий (XV аср), Абдураҳмон Варқий Муншӣ (XV аср), Мирали Ҳиравий (XVI аср), Саид Абдулло Бухорий (XVI аср), хаттотлик назарияси тўғрисида китоб ёзган олим ва хаттот Дарвиш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий (XVI аср), Мавлоно Иноятилло котиб (XVII аср), Мирза Абдураҳмон (XVIII аср), Фозил Девона (XIX аср), маърифатпарвар адиб ва олим Аҳмад Дониш ва бошқалар Мовароуннаҳрнинг машҳур хушхат хаттотлари сифатида Бухорода қалам сурдилар.

Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида Алишер Навоий асарларининг 500 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланаётир. Шундан 120 нусха бухоролик машҳур хаттотлар дастхатига мансуб. Жумладан, «Хазойин ул маоний» асарининг қирққа яқин нусхаси, «Хамса»нинг йигирма етти нусхаси Бухорода кўчирилган. Булардан ташқари, «Хамса»даги «Ҳайрат ул-аброр» дostonи 1838—1839 йилларда Саййид Нафас томонидан кўчирилган. «Лайли ва Мажнун» дostonи 1829—1830 йили Муҳаммад Ражаб ибн Абдували томонидан, «Сабъаи сайёр» дostonи Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммад Шариф томонидан XIX асрда Бухорода алоҳида китобат қилинган.

Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида ёзган «Лисон ут-тайр» асарининг ўндан ортиқ нусхаси Бухорода китоб ҳолига келтирилган. У «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Вақфия», «Тарихи мудуки Ажам», «Арбаин», «Рисолаи муаммо» каби асарлари кўплаб нусхада кўчирилган.

Алишер Навоийнинг шўролар даврида нашр этилган асарлари, уларнинг илмий-танқидий матнлари мазкур қўлёзма нусхалар

асосида амалга ошириб келинмоқда. Масалан, навоийшунослар олим Иззат Султон Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асари танқидий матнини тузишда бешта қўлёзма нусхадан фойдаланган. Танқидий матнга бу қўлёзмаларнинг тўрттаси асос қилиб олинган. Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 3902-инвентар рақами билан сақланаётган нусха эса таянч қилиб олинган. Бу нусха Оллоқули ибн мулло Даргоҳқули томонидан 1801—1802 йилларда Бухорода кўчирилгандир.

Кеш номи билан машҳур бўлган Шаҳрисабзда наққошлик ва хаттотлик санъати қадим аъёналарга эга. Бу шаҳарда ноёб истеъдодли санъаткорлар яшаб ижод этганлар. Биргина XIX асрда яшаган Юнусхўжа котиб Кензий, Муқимжон Мирза Ибодулла, Мулла Шералибек Шаҳрисабзий Яхёхўжа ибн Юнусхўжа котиб, Ермуҳаммад Қори Шаҳрисабзий, Абулқаюм котиб, Муҳаммад Юнусхўжа ўғли Бобохўжа Шаҳрисабзий, Тўрахўжа ибн

Собирхўжа Кеший, Муҳаммад Обиджон ибн Носиржон Шаҳрисабзий каби машҳур хаттотлар Алишер Навоийнинг ўнлаб асарларини китобат этганлар. Шаҳрисабзда Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Тарихи мудуки Ажам» каби асарлари хушхат дастхат билан оққа кўчирилган. Ҳозир Беруний номи Шарқшунослик институтида Навоийнинг Шаҳрисабзда кўчирилган ўттизга яқин ноёб нусхалари сақланмоқда. Масалан, 1874—1875 йилларда мулло Муҳаммад Шералибек Шаҳрисабзий томонидан шоирнинг «Хазойин ул-маоний» асари настаълиқ хатида қора тушда кўчирилган. «Хамса» эса 1833—1834 йилларда Абулқаюм котиб ва Муҳаммад Юнусхўжа ибн Бобохўжа Шаҳрисабзий томонидан оққа кўчирилган. Бу нусха Алишер Навоий «Хамса»сининг XIX асрда кўчирилган нусхаларидан анча тўлиқ ва мукамаллиги билан ажралиб туради. «Лисон ут-тайр» 1823—1824 йилларда Ермуҳаммад қори Шаҳрисабзий томонидан нас-



Ҳирот. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг қabri.

таълиқ хатида қора сиёҳда кўчирилган.

Шахрисабзда хаттотлик санъати анъаналари бизнинг қуларимизгача давом этиб келмоқда. Шўролар замонида улар турли таъқирлар оқибатида ноёб истеъодларини тўла намоён этолмаган бўлсалар-да, хаттотлик мактабини яширин равишда давом эттирганлар.

Файзулла махсум Хўжаев (Равнақий), Мулла Абдуҷалил Абдуҷамил ўғли, Абдусаломхон Абдулҳак ўғли, Мулла Умар қотиб, Абдулла қори Гулшаний, Қори Пўлатхон, Мулла Шоймардонқул қотиб, Қори Асад, Мулла Ҳофизхон, Мулла Насриддин Саҳҳоб, Абдусаттор махсум ва бошқалар хаттотлик мактабини давом эттириб, Алишер Навоийнинг ҳикоят, ғазал ва дostonларидан эски ўзбек ёзувининг насх, настиълик, хати шикаста, таълиқ, риқоз, товқеъ, сулс каби хат турларида ёзиб, фарзандлари ва дўст-биродарларига мерос қолдирдилар. Улар махфий тарзда шогирдлар ҳам тайёрладилар. Файзулла махсум Равнақийнинг ўттизга яқин шогирдлари бор эди. У кишининг шогирдларидан Норбобо Саттор ўғли, Парда Халифа, собиқ Шахрисабз меъмори бўлиб ишлаган Қодиров ва бошқалар ҳозир ҳам бу ерда истиқомат қилиб, турли хат услубларда қалам сурмоқдалар. Хаттот Файзулла махсум Равнақийнинг шогирдларидан бири, хусниҳат соҳиби, хатнинг мураккаб турларини ўзлаштириб олган Сайфиддин Рафиддиновдир. У ҳозирги пайтда хаттотлик санъати ва XIV—XV асрлар адабий мероси бўйича илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Ешлиқдан хат ва хаттотлик сирларини меҳр қўйиб ўзлаштирган Пўлат қори ва Файзулла махсум каби билимдон хаттотларнинг таълимини олган мулла Жалалиддин Маллахон ўғли ҳозирда Шахрисабздаги Ҳазрати Имом масжидида имом ноибдир. У эндиликда хаттотлик санъати, қироат илми ва қуръони карим таълимоти билимдонларидан бири сифатида танилди. У ҳозир халқимиз унуттиш даражасига бориб қолган эски ўзбек ёзуви сирларини, қадимий қўлёзмаларини, эскича хат ёзиш услубларини ёшларга ўргатишдек шарафли вазифа билан машғулдир. Шунингдек, мулла Жалалиддин Қулхўжа Аҳмад Ясавий «Ҳикматлар»и, Рабғўзийнинг «Қиссаи Рабғўзий», «Ўғузнома» каби кам ўрганилган туркий асарларни ҳамда Отойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур асарларини дастхат нусхаларда ўқишда ёшларга ҳомийлик қилмоқда.

Хуллас, Шарқнинг буюк шоири Алишер Навоий асарларининг жаҳоний шуҳратида бухоролик ва шахрисабзлик адабиёт муҳлислари — машҳур хаттотларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу қўлёзмалар ўқувчига ранг-баранг маълумотлар бериш билан бирга Навоий асарларини мукамал ўрганишда ижобий рол ўйнаб келмоқда. Аслида Алишер Навоий хаттотлари маҳорати алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,  
филология фанлари номзоди

## ОҚ ҚАНОТ

Уйимизда катта эди,  
Болаликнинг бозори.  
Оқ қанот сен асов эдинг,  
Менчи, жуда безори.

Эсингдами, ўйнар эдик,  
Чарчаш нима билмасдик.  
Капалагу қушлар тинар,  
Бизлар сира тинмасдик.

Мана бугун улғайибсан,  
От бўлибсан, келишган.  
Учар бўлсанг қанот сенга  
Олтин ёду темир тан.

Кел ўпайин, оппоқ отим,  
Кел ўпайин, Оқ қанот,  
Манглайига муҳаббатим  
Мухр бўлган хоназот.

Тақдир мени сендан олис  
Шаҳарларга йўллади.  
Омадми ё ўша жилдиз  
Китобларми қўллади.

Ана, бизни чорлапти  
Кураш, пойга, матонат,  
Она юртинг оқ тузини  
Оқлашимиз жуда шарт.

Билки, кураш бўлган жойда  
Сўзсиз рақиб бўлади.  
Рақибларинг ғирром келса,  
Ваъзан таъқиб бўлади.

Шунда менинг юрагимда,  
Қон гуширар серғуғён.  
Сенинг эса туёнгиндан  
Ўт чакнаши бегумон.

## Бахтиёрлик

Кўзларимиз бир кўзгуда жуфтлашди,  
Бошимизда айланди-ей, бир чироқ.  
Бахт уйини чимилдикдан асашди,  
Деворлари юз хил рангда, минг қуроқ.  
Шўх янгалар айтди қувноқ ўланлар,  
— Пилигидан айлансин,— деб,— чирогои.  
Ният қилди тўқсон ёшли моmolар,  
— Қуроғига қурашсин,— деб — қуроғи.  
Кейин биз қурошдик, қурошавердик,  
Кўрпа қуроқ бўлди, кўрпача қуроқ.  
Кун ошдик, ой ошдик, йил ошавердик,  
Тоқ бўлдик, жуфт бўлдик ва ундан кўпроқ.  
Кўзларимиз бир кўзгуда жуфтлашди.

## Тош кулба

(Нурол бобо хотирасига)

Ёлғиз ўғли отланди жангга,  
Шаҳид кетди, қайтиб келмади.  
Бир хўрсиниб қўйди, тош кулба,  
Унга ҳеч ким парво қилмади.

Кулбанинг пойига тўқилди,  
Қон бўлиб онанинг кўз ёши.  
Жон бўлиб шифига отилди  
Отанинг энг сўнги бардоши.

Кун бўйи кулбага суяниб,  
Йўқладик отани, ўғилни.  
Тош кулба кўксига инграниб,  
Жойлади иккинчи қабрни.

Сўнг, учинчи қабр, учинчи,  
Келиб, кетиб турди одамлар.  
Ҳеч ким ўйламади кулбани  
Ва тамом узилди қадамлар.



Абусайд НУР

## Тоғларда баҳор

Намуш ҳаво, чексиз маъво,  
Будут парча, парчадир.  
Замин узра қуёш бобо  
Заррин нури санчадир.  
Шивирлайди сокин анҳор  
Шивирлаши ширива.  
Чўққиларда кизгалдоқлар  
Ўпишар бир-бирини.  
Гилам солиб учшар гоҳ,  
Гоҳ аргумчоқ — турналар.  
Панжаларин бир-бир очиб,  
Бойчечаклар турларна.  
Какликларнинг «какир»лаши,  
Тўлдиради дарани.  
Тошлар тинмай олиб қочар  
Чилвирсоч шаршарани.  
Янгиликдир гиёҳ, куртақ.  
Қирлар юзи алвондир.  
Янгиликлар оламидан  
Бир ақида қолгандир.  
— Янгилик, — дер, — барра  
ялпиз,  
— Яхшилик, — дер, — моmolар.  
— Омонлик, — дер, —  
қурмағаймиз  
Емонлик, — дер моmolар.

## Илҳом

Тўлғониб, қийналиб, баъзида  
Кўзимга келмайди уйқулар.  
Қаламим чопади, қоғозга —  
Қўйла бошлайди туйғулар.  
Ғижимлаб ташлайман қоғозни,  
Езаман юз марта ўчириб,  
Тинчийман битган шеър —  
қуёшни,  
Уфқ — оқ варақча кўчириб.

\* \* \*

Кўзларингга ёлғон бекинди  
Содда дилинг қайга чекинди  
Яширолмай айёрлигини.  
Кўз гуноҳкор, кўз гуноҳкор.

Чопарларинг — сўзларинг чопди,  
Мен соддани қийналмай топди.  
Ёлғонингни яширди, ёпди.  
Сўз гуноҳкор, сўз гуноҳкор.

Ёлғон, — дейман, жонимни  
қийнаб,  
Ёлғон, — дейман, хилватда  
ийглаб,  
Ёлғон!.. дейман, ненидир илғаб  
Ким гуноҳкор, ким гуноҳкор?

Майли, сен ҳам энди йиғлаб ол,  
Тинмас жонинг, тиглаб, тиглаб  
ол,  
Гуноҳингни ўзинг илғаб ол!  
Мен гуноҳкор, сен гуноҳкор.





Нортухта ҚИЛИЧЕВ

бўлса керак. Еми телевизор томоша қилаётгандир... Қизиқ, хотинининг кўнгли сезаётганмикан-а? Сезмас-э! Сезса... даҳшат-ку!

«Дилхирож» тобора авжи пардада янграб, алланечук фитнакор оҳангларга хонани фарқ қилмоқда. Малика эса сочлари белига, бўкса-сига, оёқларига чулганган кўйи, тўлана-тўлана, минг бир мақому минг бир жилва билан рақс тушмоқда эди. Бир маҳал, Назокат карашма билан Фазлиддиннинг кифтига бош қўйиб, негадир пиқ этиб кулди. Унинг ногаҳоний ҳиринглаши нечундир Диёрбекка таҳқиромуз таъсир қилди. Кейин... ҳаммаси бир зумда руй берди: кўнглидаги муҳкам ўкинч ўрнини бирдан қаҳру ғазаб забт этаркан, Диёрбек эрта бугундан баттар, индин янаям баттарроқ бўлари муқаррарлигини ўйлар-ўйламас, ўртадаги палов тўла чинни товоқни даст кўтарди-ю, мастанавор ўқираиб, девордаги чўгдек гиламга урди. Фазлиддин шартта Диёрбекка ташланди ва абжирлик билан бўйинни қайтариб, остига босмоқчи бўлди. Диёрбек зарб билан унинг қорнига калла урди. У қоптоқдек отилиб кетиб, тошойнага урилди. Тошойна тарақлаб ағдарилиб, чил-чил синди. Шу аснода нима учундир Малика чиқариб



азрати Довуд пайғамбар алай-ҳиссалом ўшал кундан бери хо-муш бўлиб қолган эди. Ахийри чидаёлмай, фалон кўчадаги чинорли ҳовли кимникилигини ўнг қўл вазиридан сориштирди. — Ул чинорли ҳовли Мўмин отлиғ темирчиникидур, ҳазра-тим, — деди вазир.

Кейин, кўп ва хўп истиҳоладан сўнг, Довуд пайғамбар ошиғу беқарор бўлиб қолганлигини иззор этиб, маслаҳат сўради:

— Айтинг, вазири азам, бул дарддин тезроқ қутиллоқнинг чораси борму?

— Чораси осондур, ҳазратим! — деди вазир қўл қовуштириб. — Ижозатингиз билан Мўмин темирчини мунда олдирасан?

Бир зумда Мўмин темирчи саройга келтирилди. Мухтасар буромаддан сўнг, Довуд пайғамбар мудоаога кўчиб:

— Мамлакатимизга ёв қўшин тортиб келмакда, — деди. — Илғор навкарларимизга биз сени лашкарбоши этиб тайинламакни лозим топдук.



азрати Довуд пайғамбар алай-ҳиссалом тонгги ибодатини тугатиб, илтижо қилди: ў, Тангрим, манга шундай бир нимарса бергилки, ҳам оғир бўлсин, ҳам енгил? То абад ёниб яшай!

Кейин, Довуд пайғамбар ҳовлига чиқиб кўрсаки, супада оппоқ бир кабутар турибди. Тангрим тилагимни бажо айлабдир, дея Довуд пайғамбар суюниб, кабутарни кўлига олмоқчи бўлди, лекин жонивор пар этиб учиб, икки-уч қадам нарига кўнди. Довуд пайғамбар илдам бориб, тагин кабутар сари энгашди. Кабутар тутқич бермай, ҳавога кўтарилиб, том лабига кўнди.

Нарвон тайёр турган эди, шартта Довуд пайғамбар томга чиқиб, чаққон кабутарга яқинлашди. Кабутар йўрғалаб нариги томга ўтди. Кутди... Сўнг яна қўшни тарафга йўрғалади.

Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Ниҳоят, бир маҳал, баланд чинор ўсган бир ҳовли сари учиб, кабутар кўздан ғойиб бўлди.

Довуд пайғамбар саранжом-саришта ҳовли томон тикиларкан, беихтиёр юрак-бағрига ўт туташгандек, аста кўксини чангаллади: чинор остида бир париваш, тонгги шафқ нурларига чўмилиб, соч ювмоқда эди.

1

Рангин чироқлар ёғдусидан хона нурафшон. Хонада икки жувону икки йигит. Уртада тўкин дастурхон. Биллур қадахлар жармирлайди. Ҳамма сархуш. Магнитафонда «Дилхирож» кўйи янграяпти. Нозу истиғно билан Малика эшилиб-буралиб рақс тушмоқда. Унинг рақсини томоша қиларкан, негадир Диёрбек кўнглида ғашлик ҳиссини туя бошлади. Ишдан сўнг салқин ҳовуз бўйида ҳамкасаба ошналар билан қилинадиган гуруннга бормагани учун афсусланаётгандек бўлди. Бормоқчи эди-ю, лекин ишдан қайтаётиб, жўраси Фазлиддин билан учрашиши керак эди. Учрашгач, дабдурустдан жўраси кўнглига ғулу солди: хўп десанг, зўр бир жойга борамиз ҳозир. Маишат!..

Мана, аввал оқшомдан бери шаробхўрлик қилиб ўтиришибди. Фазлиддин, сархушиданми ёки аллабир илинжлар хаёлиданми, жуда хушвақт. Диёрбек эса... Диёрбек ҳеч анча-мунча яйраса бўларди. Ҳалиям қам эмас... Аммо, симириб-симириб ичгани сайин, дам болалари, дам хотини кўзига қўринаётгандек бўлаяпти... Шу тобда, аниқ биладики, болалари дарс тайёрлашаётир. Хотини-чи?.. Хотин болаларнинг кийим-кечанини ямаб-қураб ўтирган



### ҲИКОЯ

юборди. Диёрбек кескин ўгирилиб, гилам устида ялтираётган болтаначи кўрди... Болтаначадан сал нарироқда Назокат, кўзлари қонга тўлиб, ғазабноқ вишиллаб турарди. Малика эса, қорачиқларида сўниб бораётган бир таҳлика билан тек қотган эди.

Диёрбек индамай, билагидан маҳкам тутиб, Маликани даҳлиш томон судради. Кўчага чиқибди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ҳаммаёқ жимжит. Юлдузлар... сийрак, хира. Ҳаво аёзроқ эди. Малика жунжикиб:

— Қаёққа элтмоқчисиз мени? — деди.

— Борганда биласиз.

— Бормайман... Малика силтаниб, қўлини тортди. — Билагимни эзвордингиз-ку, қанақа одамсиз ўзи!

— Кечирасиз... Юринг.

— Кетаверинг... Ношукур экансиз, ўтиришни расво қилдингиз.

— Эй, жиғимга тегма лекин!..

— Мени биринчи марта кўришингиз-ку, менга бундай гапиргани нима ҳақингиз бор?

— Бор... бор, ҳақим бор! Ут, олдинга туш!

Малика ҳануз унинг палов тўла товоқни дабдуруст деворга ургани боисини тушунолмаётганди; бинобарин, ҳеч қутилмаганда савалаб қолиши эҳтимолидан ҳам хавфсирамоқда эди, ночор бўйсунди... Кимсасиз, катта йўлга тушиб, шаҳар томон бир оз юрганларидан сўнг, секин Малика ариқча бўйига ўта бошлади.

— Ҳа, қаёққа?

— Қанақа бир тушунмайдиган одамсиз-а!..

Диёрбек узрнамо тўнгиллаб, нари кетди.

1980 йил, сентябр.

Сен, менга кимдир ҳақида сўйлаясан, мен уни танимайман, аммо англашимча, у — ўзим бўлсам керак.

Матье БЕНЕЗЕ

— Улуғ ҳазратимнинг истак-хоҳишлари биз умматлари учун амру фармондур, — деб Мўмин темирчи тахт поинга тиз чўқди. — Ва лекин улуғ ҳазратим бир қошқ қонимдан кечсалар, мен арзимин айтсам?

— Сўйланг!

— Улуғ ҳазратим, хотуним ёлғиз. Магар мен жангга жўнар бўлсам, ул муштипарнинг ҳоли не кечур?

— Ҳеч боқиси йўқдур, — деди Довуд пайғамбар. — Заифангиз ҳарамда канизаклар билан бирга бўлғай!..

Ночор-ноилож Мўмин темирчи хотинини ҳарамда қолдиргач, хийла тайёргарлиғу тадорикдан сўнг, қирғинбарот жангга отланди.

2

Кўрғазмага қўйилган қатор расмларни кўпчилик томоша қилишмоқда. Кенг-мўл кўрғазмаҳона томошабинлар билан гавжум. Лекин ҳаммаёқ сув қўйгандек жимжит. Аҳён-аҳён пичир-шивир овозлар эшитилиб қолади.

Таниш бир расм рўпарасида Диёрбек тўхтади: «Келинчак» — Ийгитбек чизган. Бу расм энг аввал Ийгитбекнинг ижодхонасида, кейинроқ эса бир неча журналларда кўрган эди. Яхши. Чиндан-да зўр!.. Ниҳоятда ўзбекона. Бу гўзал асарга тикилиб, узлуксиз хаёли суршиш мумкин: дуркун бир келинчак юзтубан етибди. Майда ўрилган қирққоқил сочи елкалари узра ёйилиб, қўйичи сари ўрмалаган... Девордаги миҳга тўн, дастор осиглиқ турибди.

сал нариқордаги тоқчада эса сяхтиён муқовали китоблар куринади. Дастуру ноёб китобларга ўзгача бир маъно юқлаб, келинчакни эзилли-эзилиб йиғлаётган гумон қилиш мумкин. Аммо, яна ўша дастуру китобларга хайрихоҳ бир назар билан боқиб, навжувон келинчакни бениҳоя саодатманд тахмин қилса ҳам бўлади.

Малика секин яқинлашиб, Диёрбекнинг қўлидан ушлади, расмга нигоҳи қадалиб, беихтиёр:

— Вуй-й!— деди.

— Яхшими?— деб сўради аста Диёрбек.— Яхши-а?

— Жудаям!— деди Малика.— «Хасрат» деб қўйса, янаям зўр бўларди.

— Нега?— деди Диёрбек.— Нима учун «Хасрат» бўлиши керак?

— Кўрмаяпсизми, бечора келинчакни алам, армон эзиб қўйган-ку?!

— Бекор гап!— деди Диёрбек, қўлини тортиб.— Бордию келинчак ҳузурланиб хаёл сураётган бўлса-чи? Еки... тушки роҳат-фароғатдан сўнг, келинчак мазза қилиб мудраётган бўлса-чи?

— Йўк... йўк!— деди Малика.— Қаранг, келинчак бутунлай тақчи оламдан узилган-ку! Диёрбек кулимсираб:

— Ҳар қанча соққан билан така сут бермайди,— деди.

Малика ҳам кулимсиради:

— Таканинг сут бермаслиги аниқ,— деди.— Лекин... гапингизга тушунолмадим мен.

— Демокчиманки, фойда кетидан қувиб, аёлларимизни бозорга солмаслигимиз керак. Менимча, ҳар қандай келинчакнинг бахти— ҳовлида— ташқарида эмас. Аёлнинг асосий вазифаси— бола туғиш, бақадри имкон эрининг хизматини қилиш. Аёлни трактор ўриндиғига ўтказиш, дастгоҳ муратига боғлаб қўйиш— эксплуататорлик, осмонга учуриш— зўравонлик.

— Бегим, сиз... феодал экансиз-ку!

— Мен феодал эмасман, бугунги жамиятнинг сабабларини мендан эмас, жамиятдан излаш керак,— деди Диёрбек.— Ана энди тасаввур қилинг: манави расмдаги келинчак ҳамдемай ширин-шакор фарзандларнинг онаси бўлади. Рўзгор бадастур. Эр содиқ... Келинчак учун шуларнинг ўзи катта бахт эмасми?

— Келинчакнинг эри хиёнат қилмаслигини сиз қаердан биласиз?

— Бошига дастор қўйдирадиган художўй банда хотинига хиёнат қилолмайди, қиёматда юзи қаро бўлишдан қўрқади... Хиёнатни бизга чиқарган, чунки биз коммунизмга етолмаслигимизни биламиз, дўзахга ишонмаймиз,— деди Диёрбек, сўнг кулимсираб сўради.— Мана, сиз, ўзингиз айтмоқчи, ташқи оламга боғлиб қолганингизнинг аламини тортмаяпсизми?

Малика дув қизариб, индаёлмай яна расмга тикилди. Диёрбек эса шу тобора унга айтолмаётган, лекин ниҳоятда айтгани келаётган аччиқ ҳақиқатни дилида қайд этди: ўттизга қираяпсиз, хоним. Эр йўқ, бола йўқ... Боз яна не аламки, олий маълумотингиз билан ижара-хоналарда эғзиб юрибсиз. Ҳовлидан кечиб эришган бахтингиз шуми, энди, хоним? Бахт деб билган бадбахтлингиз бола-чақа, ҳовли-ҳарам ўрнини босоладими, хоним?!

Малика яна Диёрбекнинг қўлидан ушлаб, кўзига сузилиб боқди:

— Юринг, кетамиз.

Кўчага чиқишди. Осмонда гулханрангбулутлар, ерда заъфарон барғихазонлар бетиним суринаяпти. Ҳаво салқин. Ялангликларда кўкинтир-оқиш, тонги сийрак туман янглиғ бир... парда кўзга илгандай. Ҳаво... бўғиқ. Одамлар... ҳорин. Одамлар... лоқайд. Машиналар зувиллаб елмоқда. Асабларни зор қақшатиб, муюлишларда трамвайлар нолавор чийиллайди. Шовқин... Ҳаммаёқ шовқинга тўла.

Улар жимгина боришади. Трамвай эшигида осилиб кетаётган ўрта ёшлардаги бир йўловчини кўриб, Диёрбек беихтиёр нохуш манзарани тасаввур этаркан, одамнинг хўрлиги келади, деб ўйлади: бандаси бунчалар ожиз, бунчалар мўрт. Ногоҳ трамвай таққа тўхтади, илкис йўловчи учиб, машина остига тушса ёки

боши ёрилиб, миясининг қатиги чиқиб кетса!.. Кейин, биз уимизни юпатамиз: фалокат, қўрғилик... Йўқ, уяммас-буяммас, шўрликнинг пешонасига битилгани шу экан, деб. Қизик, агар ўша — трамвай эшигига осилиб кетаётган одам дунёга келмаган бўлса, бири кам дунё янаям камтиқроқ бўлиб қолармиди?.. Мен... Узим-чи?

Туйқус қишлоғи ёдига тушди. Шу баробарида хотини, болалари кўз ўнгидан асов тортиб ўтаётгандек туюлиб, оташин энтикди.

Нималарни ўйлаясиз?— деди Малика хаёлчан юзланиб.— Билсак буладими?

— Ҳозир бориб, «Уголок»да товаки ейишимизни ўйлаяпман,— деди Диёрбек.— Кейин...

— ...меникига борамиз-а?— деди Малика.— Бабушкам бугун қизиникига кетган бўлиши керак.

— Бабушкангизнинг уйда бор-йўқлигининг аҳамияти камроқ... Давоси битта «Чашма».

— Борамизми?

— Йўқ,— деди Диёрбек.— Домлам билан маслаҳатлашиладиган ишлар бор. Эрта менинг ижарахонамга ўзингиз борасиз. Майлими?

— Қай маҳал?

— Пешинга яқин. Мен ўчоққа ўтин қалаяман. Сиз палов пиширасиз. Бирга паловхўрлик қиламиз.

Йўлни кесиб, хиёбонга ўтишди. Кеч кузакнинг увада этаги хиёбонда ҳасратпадалик билан суриномқда эди.

1980 йил, ноябр.



азрати Довуд пайғамбар алайҳиссалом давлатдорлик юмушларидан андек халос кезларида ҳарам айвоида беқарор кезиб, Мўмин темирчи хотинининг хусни жамолига бот-бот суқланиб боқар ва ҳар гал чандон илҳақ бўлиб, бегокат юрак ҳовучлар эди.

Кўп кунлардан сўнг Доруссалтанатга хабар етдики, тенгсиз жангу жадал чоғи Мўмин темирчининг танаси ёв дастидан мазаллат тупроғига беланиб, руҳи равони бақо оламига равона бўлибдур.

Бу хабарни эшитгач, Довуд пайғамбар янаям беороми, янаям беқарор бўлиб қолди.

Ахир, тағин бир қанча вақт ўтгач, Довуд пайғамбар ҳарам бекаси орқали марҳумнинг бевасига шўрши савдони баён этиб, суюкли маликаликка ризолигини сўратди.

Келинчак бечора, эрининг жувонмарг бўлганлигини эшитиб, хунбизирон йиғлади. Узок йиғлади. Аламу армон азоби хиёл таскин топгандан сўнг, ҳарам бекасига арзу ҳол айлаб, шахид кетган эрининг ёди хотири ҳақи қирқ кун қаро кийиб, мотам тутмоққа руҳсат беришларини тилади.

Начора, бевазонининг кўнглини обод айламоқ — Маккаи муқаррама, Мадаинаи мунавварани зиёрат қилмоқдан афзарроқ эмис.

3

Диёрбек томоғи қуруқшак уйғонди. Боши лўқиллаб оғримоқда эди. Тирсагига тираниб, хонтахта устидаги очиқ шишани олди. Сув ичаётиб, ёни-верига кўз югуртирди: шаҳардан келган меҳмонларнинг қарийб ҳаммаси шу ерда — Фазлиддин билан Назокат бир кўрпа остида, Рустам, Замира, Шодия эса битта кўрпа остида, — ҳамма пишиллаб, ухлаяпти. Малика... йўқ. Бошқа хонада ухлаётган бўлса керак.

Диёрбек пайпоғини ечиб, тўшак остига қўйгач, кўрпани кифтига тортиди. Яна шамдек қоғиб ухламоқчи бўлди, лекин... уйқу лоқайи шекилли. Бели жизиллаб оғриётганини сездди. Қайшини бўшатди. Кейин, негадир бўзранг бир ғашлик тобора кўнглини чулғанган қўйи, Маликанинг қисматини ўйлаб, шифтга маҳзун тикилди: бовқини бахт ёрлақармикан-а?!

Тун... Алламаҳал. Хона нимёруғ — даҳлизда қизариб ёнаётган чироқнинг нури хира тушиб турибди.

Қайдадир бир ит ҳурди. Оғилхонада сигир пишиқдири. Бир маҳал, ошхонада нимадир даранглади, шу баробарида нохуш тўнғиллаёт-

ган аёл овози эшитилди. Кейин, кимдир бир оёв супадан шип-шип юриб ўтди. Салдан сўнг оқиб товуши даҳлизда қулоққа чалинди. Эшик очилди эди. Малика, хонага кириб, эшикни ёпди. Охиста юриб, Диёрбекнинг ёнига ўтди. Палтонини ечиб, аста қўйишга кирди...

— Малика?!

— Жим бўлинг!— деди Малика шивирлаб.— Уйғокнингиз?.. Онам ҳовлида юриптила. Тортинг қўлингизни!..

Диёрбек бир муддат тек ётди. Кейин беихтиёр:

— Малика, бахтиёрмисиз?— деб сўради.— Мен?.. Менми?!

Малика жим бўлиб қолди: уҳ-х, жоҳил!.. Топиб сўраган пайтини-чи?!. Бахтлиман деса...

Туйқус ёдига «Бахт» расми тушди — курғазмаҳонада кўрган эди: тоғ ёнбағри. Тонг отмоқда. Кўкка буй қўзган бир жуфт терак остига чодир тикилган. Чодирдаги тўшак устида чордона қуриб, навжувон бир она дўмбоққина боласини эмизаяпти. Навқирон ота эса чойшабага ўраниб ухламоқда. Чодирдан пастдаги ям-яшил пахтазор ҳам, кўм-кўк осмон ҳам — ҳаммаёқ ойдин тонг рангига бўялган. Ниҳодоғина тунқўйлак кийган соғлом онанинг бору борлиғидан бахтиёрлик ифодалари бўртиб кўрнанади.

Кўрғазмаҳонага қачон борган эди?.. Умр ҳам тезоёб сувдек оқиб ўтиб бораётди.

Беихтиёр Малика ҳазин энтикди: не десин ахир? Бахтлиман деса. эр йўқ, бола йўқ, бинобарин ҳамон ҳовлио ҳарам ҳам насиб қилган эмас. Шунча ёшга кириб эришгани — ёлғизгина олий маълумоти. Аммо, мана, олий маълумотнинг ҳам қадри бир пул экан — хануз бошпана беришгани йўқ. Тобора пайсалга солишади. Вақтида дипломни қўлтиққа қисиб, қишлоққа қайтишдан қўрққан — хотин қўйганми, хотини ўлганми бир ҳеббимга узатиб юборишларидан ваҳимага тушган эди... Ахир, жувонмарг бўлгур Раҳим, бераҳм Раҳим алдаб-судлаб бадному бадбахт қилиб қўйган эдидал Энди уни ҳам, ўша кунларини ҳам эслагиси келмайди... Агар, диплом қўлига теккач, қишлоққа қайтса, колхозда ишлаб юраверарди. Кейин, ахирги бирор бевасига узатишса... Икки ёрти бир бутун... Кемтиқкина бахт... Йўқ... Худо асрасин!.. Аммо, мана, синглиси бинояни қилди: оти ўчгур ўқинининг баҳридан кечди-ю, шартта тўйга рози бўлди. Бозроқ тўй тарқади. Эртадан янги хонадон, янгича турмуш. Ҳозир анани хонада, шамлар ёғдусидан нурафшон чимилдиқда келин-куёв иккиси шодон шивирлашиб суҳбат қуришмоқда. Куёв... тракторчи, бурноғи йули мактабни битирган экан. Ҳа, синглиси жуда тўғри қилди. Эртадан пешонасига яхшими-ёмонми боғли-чарвоқли бир ҳовли битади. Кейин, бири-биридан ширин-шакор фарзандлар туғилади. Насиб қилса, синглиси бахтли бўлади, албатта бахтли бўлади. Лекин ўзи... ўзи-чи?!

Йўқ, бадбахтсан, Малика, бадбахтсан, деб ўйламоқда эди Диёрбек: эрта бир кун омади келганда ҳам, барибир нимадир кўксини кемираверади.

Ҳамон орада сўнгсиздек туюлаётган дилтанг бир сукунат ҳукмрон эди.

Диёрбек секин Маликанинг кифтидан қучиб: — Кечиринг... — деди.

Афсус, индамаса бўлар экан. Гапирмаслиги кераклигини кейин англади. Аммо, начора. — Бунчаим тошюркаксиз-а!..

Малика палъотсини олиб, хонадан кичик кетди.

Диёрбек алламаҳалгача ухлаёлмай, тўзгин ўйлар исканжасида ўртаниб ётди.

1981 йил, март.

Ниҳоят, муҳлат туғди.

Келинчак эғнидаги мотам либосига қўшиб, юрағидаги андишоҳа ҳаё тўғусини ҳам суғуриб ташлади.

Ҳарам бекаси асасая дабада билан ташриф буюриб, келинчакдан:

— Улуғ ҳазратининг тақлифларига розимисан?— деб сўради.

— Розимен, — деди келинчак. — Аммо-лекин бир шартим боз: ҳазратим мендан кўра-

жак илк ўғлини тахт вориси деб мамлакатга жар солдирмоқлари керак!

Бу ажабтовур рисолигу қойилмақом шартни эшитиб, Довуд пайғамбар яна бир қарра кўнгида келинчакка тан берди. Ва шоду мамнун амр этди:

— Мамлакатга қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берилсин!

Аммо, ҳазрат ҳам, келинчак ҳам келажакда ўзларини нималар қутаётганлигини ҳали билмас эдилар.

4

Еғоч хиди, бўёқ иси гупуриб анқийтган яланғоч ҳайҳотдек хоналарда Малика дилгир кезиб, тор даҳлиздан кенг-мўл айвонга ўтди. Диёрбек хушхоллик билан газни ёқиб, чой кўймоқда эди. Малика унга аллатовур, ўйчан нигоҳ ташлади, индамади... Ланг очиқ деразадан тешараққа хомуш тикилди: кўп қаватли бинолар... дарахтлар... оппоқ булутлар... Бинолар оралиғидаги ялангликларда сароб... Сароб жирилди... Рўпарадаги бино қаршида тўхтаган икки машинадан хандон-хушон одамлар кўч-кўрон туширишяпти.

Беихтиёр Малика ғамгин энтикди: одамлар нақадар бахтиёр-а!.. Қачон ўзи бундоқ бир бошпаналик бўларкин?... Кунларнинг бирида уй учун ёзилган васиқани олаётди, ногаҳоний севиңидан кўққис юраги ёрилиб кетар-ов!

— Малика... залга кирамиз.

Олдинма-кейин юриб, залга ўтишди. Пайрахапарини пол ялтирайди. Хонанинг у ер-бу ерда китоблар қалалиб ётибди. Уртада иккита кўрпача тўшалган. Диёрбек дастурхон ёзди:

— Ҳозир чой ичамиз, — деди. Дастурхонга иккита нон, баркашда узум қўйди. — Келганингиз яхши бўлди, Малика. Биргаллашиб деразаларни артамыз.

— Майли, — деди Малика. Сўнг сўради. — Диёр ака, бу беш хона уйни қачон, қандай қилиб жиҳозлайсиз?

— Чораси топилиди, — деди Диёрбек. — Фазлиддиннинг ошанси бор экан базада, арзимас чой пули олиб, ҳаммасини тўғрилаб берадиган бўлди. Асосан зални жиҳозласам бўлгани. Қолгани бир гап бўлар.

Яна Маликанинг кўкс куйишди: ҳатто... ҳатто Назоқат ҳам тинчиб кетди — Фазлиддиндек йигитга эга бўлди, пешонасига бошпана битди. Унингдек аёлга тагин нима керак?... Бас-да! Лекин... ўзи-чи, ўзи қачон эришаркан бундай рўшноликка?..

Диёрбек чой дамлаб келди. Чой қуйиб узатди.

— Ҳа, нега бунча машқингиз паст, хоним? Малика пешонасига тошиб чиқаётган тер резаларини артаркан, маъюсроқ кулимсираб:

— Билмасам... — деди.

Унинг хомушланаётгани боисини Диёрбек англагандек эди, лекин, иложсизлигини билдириб қўймоқчидек, яқин келажакдаги режалари тўғрисида атай сўйлаётди:

— Шу бир-бир ярим ой ичда уйнинг кам-кўстини, шикаст-рехтини тузатаман, — деди. — Ана ундан сўнг...

Беихтиёр Малика сассиз-садосиз бир ялинч билан жавдиради: айтманг, Диёр акажон, айтманг? Шафқат қилинг, Диёр акажон?

— ...август охирида болаларимни кўчириб келаман.

Бирдан қўли қалқиб, Малика пиллани тушириб юборавэди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. Кейин, дабдуруст юзтубан тушганча, юмюк йиғлай бошлади.

— Ҳа, Малика, сизга нима бўлди? — Диёрбек қаққон ўтиб, унинг сочларини силаркан, юпатишга уринди. — Йиғламанг, Малика... Маликажон? Бас, йиғламанг, ўзингиз тушунасиз-ку, ахир!?

Малика баттар эзгили йиғлайверди: майли, пешонасига бадбахтлик битилган экан, ночора, кучи кўзёш тўқмоқдан бўлак нимага ҳам етарди. Йиғлайди-да?..

Диёрбек бояги гапни айтмаслиги лозимлигини биларди. Аммо, барибир эртаими-индинми айтиши зарурлигини ҳам англади эди. Энди шу тобада уни қандай юпатарин билолмай, гангиб қолди.

Ҳийла фурсатдан сўнг Малика ғамгин ўриндан туриб, ғувсали бир овозда, гўё видолашаётгандек:

— Кетаман, — деди. — Қузатиб чиқманг.

— Малика?... Маликажон?!.

— Тўсманг йўлимни, — деди Малика четланиб. — Хайр!..

Эшикни ёпаётганда эшик нолавор ғирчирлаб ёпилди.

1981 йил, июн.



на орадан ойлар ўтди. Кенжа маликанинг кўзи ёриди: аммо, не тонгики, дум-думлақ бир... нарса дунёга келган эди — на боши бор, на оёғи! Бу таажжубот тўғрисида хабар етгач, ҳазрати Довуд алайҳиссалом даҳшатга тушиб, тахти олийда ўтирган кўйи, кўкка қараб нола қилди: э, қодир ламязал, бу не кароматингдур?! Ҳаял замон ўтмай, Аршу аълодан ваҳий келди: ўзинг, хотунинг, ўнг қўл вазиринг зимистон бор хужрага кириб, дилингидаги ниятингизни рост сўйласангиз, ул нимарса асл шаклу шамоилини олмай!

Онт ичиб, фақат чин гапирмоққа имон келтиришгач, уччаласи қоп-қоронғи бир хонага киришди.

Шарта кўра, олдин Довуд пайғамбар сўз бошлади:

Мабодо хузуримга икки арзғўй ташир буюрсаю, алардин бири менга — мамлакат эгасига атаб ҳечқурса битта олма келтирган, эрса, совғасиз арзғўйдан кўра совғалисин арзу додини хўброқ тинглаб, тилагини тезроқ амалга оширадурмен. Ва ният этадурменки, ҳар бир арзғўй хузуримга қуруқ қўл била қирмай, лоақал битта олма келтурса!

Хиёл тарадуддан сўнг кенжа малика изҳори дилини ошкор этиб:

— Кундошларим шу қадар кўпдирки, адолат жиҳатидан ҳазратим била дийдорлашадургон эрсам, арағ уч йилда бир маротаба менга навбат етадур, — деди. — Бинобарин, истагим булдирки, адолат жиҳатидан ҳазратим била бир кечада барча кундошларининг қазоси етсаю, ёлғиз ўзим марҳаматли ҳазратимнинг суюлиқ маликаси бўлиб қолсам.

Кейин, ўнг қўл вазир узарнамо оҳангда бундай деди:

— Улғу ҳазратим тезроқ раҳмати олийга етсалару, мен тезроқ тахтга ўлтурсам!..

Унг қўл вазир сўзини тугатар-туғатмас, бирдан қоп-қоронғи хонани мунаввар қилгудек бўлиб чақалоннинг қувончбахш йиғиси янгради. Суюна-уюна Довуд пайғамбар ўғли қулоғига азон айтдириб, отини Сулаймон қўйдирди. Ва илк ваъдага биноан, Сулаймон тахт вориси, деб мамлакатга жар солдирди.

5

Диёрбек машинани тўхтатди. Малика шартта хуш-хуррам ичкари кириб:

— Ассалом! — деди.

— Салом, — деди Диёрбек тагин машинани юргизавтиб. — Яхшимсиз?

— Сиз бу ёққа бир қаранг, бегим!..

Малика, нозу карашмали табассум билан тишларни кўрсади: чўғдек лобуллайди.

— О, зўр-ку! — деди Диёрбек.

— Яраштимми ахир?

— Жуда!..

— Ҳозир қўйдириб чиқаялман.

— Қойилман сизга!..

Айни кезде Диёрбек муруват ҳисси билан кўнглидан кечирмоқда эди: бечора!.. Ҳар хил ёнартошли тақинчоқлар тилла тишлар билан ўзини овутириб юради. Билмайдикки, зару зевар... алдамчи, умр — бевафо. Эрта бир кун... Даҳшат!

— Ёнимда яна эллик сўмча пулим қолди, — деди Малика. — Ҳайданг «Зарафшон»га. Юваниз!

— Йўқ, — деди Диёрбек. — «Зарафшон»га бормаймиз.

— Бўпти, меникага борамиз. Узим сизга товаки қовуриб бераман. Борамизми?.. Узингиз

гиз обрган «Белый аист»дан биттаси турибди.

— Машинадаман-ку!

Хиёл жимликдан сўнг Малика:

— Менга қаранг, бегим, сал хафароқмисиз? — деди.

— Сал эмас, анча!.. — деди Диёрбек. — Ишхонада қисқартириш бошланди. Туппа-тузук ходимлар ҳам рўйхатга тушиб кетишди.

— Ух-х, биздаям! — деди Малика. — Риқзи қийилган аёлларнинг кўпи эрси, кўпчилиги ёш. Ҳаммаси мотамда... Билмадим, бечоралар энди нима қилишади... Яхшиямки, елиб-югуриб бир хоналик бўлсаям, квартира оловолган! Агар навбатим бу йилга сурилса, меням рўйхатга тиркак қўйишармида... Айтмоқчи, Диёр ака, ўзингиз рўйхатга тушмаганмисиз ишқилиб?

— Ҳозирча йўқ. Кейинчалик... билмадим. Ҳозир аниқ бир гап айтиш қийин.

Диёрбек секин машинани ғизиллатиб бораркан, рўйхатга тушган ошанларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказиб, дилтанг хўрсинди: ёмон бўлди бадбахтларга. Энди дурустроқ бир иш топгунча... Агар ўзи қисқарувчилар рўйхатига тушиб қолса!.. Нима қиларди — қишлоққа қайтиб қолхозда ишлармиди ёки шаҳарда қолиб, завода қирармиди? Очликдан ўлмасдики, лекин... Ҳатто тасаввур қилиш маҳол-а!

— Ҳайронман, — деди Малика уф тортиб. — Қаёққа қараб кетаялғизми?

Диёрбек фалати кулиб:

— Муттаҳамлар бизни алдашибди, — деди алам билан. — Умрбўйи алданиб яшабмиз-а!

— Чин кўнглингидагини айтинг-чи, Диёр ака, сиз қайта қуришга ишонасизми?

Бир муддат ўйчан жимликдан сўнг:

— Афсуски, юқорида пошжомизнинг ёлғизлиги билиниб қоляпти-да! — деди Диёрбек. — Энди эртаю кеч тавалло қилишимиз керакки, пошжомизнинг умрини узоқ қилсин. Агар шу кунларда лўп этиб эски гвардиячилар орасида Сталинга ўшхаган битта мустабидроғи чиқиб қолса, тамом — қайта қуришини ҳам, қайта қуриш тарафдорларини ҳам куни битади.

— Нега? — деди Малика таажжубланиб. — Нима учун бундай ишонч билан айтаялғизми бу гапни?

— Агар жумҳурият мисолида оладиган бўлсак, сабаби жуда оддий: биринчидан, пахтадан кўпи билан уч миллиондан ортиқ етиштириш ўзбек учун, қолаверса, бутун Осиё учун турган битгани кулфат эканлигини бугун ҳаммамиз билиб турибмиз. Тўғрими?

— Тўғри, — деди Малика.

— Иккинчидан, яқин келажакда ўзбек тили жумҳурият Давлат тили деб эълон қилиниши керакми?

— Албатта-да!

— Балли!.. Кейин, имло масаласи... халқларни бир-бири билан қорширтворишини тўхтатиш билан боғлиқ муаммолар... Хуллас, амалга оширилиши шарт бўлган кўпгина ишлар эски гвардиячи арбобларга ёқмайди албатта. Чунки вақти замонида уларнинг кўпчилиги шу хил номаяқул ишларнинг тепасида туришган. Шунинг учун қайта қуришни зўраки қисқарттиришлардан эмас, аввало энг юқоридан то қуйи табақлагача бўлган эски гвардиячи амалдорларни янгилашдан бошлаш керак эди. Энди... Барибир қайтиш йўқ, лекин. Тўғрими?

Малика индамади. Тагин орага жимлик чўкди. Аллақачон, ҳар гал уршагиларида бўладиган қаби, Диёрбекнинг кўнглини тушуңисиз бир ғашлик чулғаб олган эди. Кўксига алланечук бир оғрик аралаш ҳорғинлик билан ғашлики ҳис эта бошлади.

Овоқ куй хибзон ёнидан ўтиб бормоқда эдилар.

Ҳозироқ уйга элтиб туширса, малол келиши мумкинлигини ўйлаб, Диёрбек рулни чапага бурди. Машина тор, салқин кўча оралида. Хибзон оҳиста шовуллаш, хибзонга туташ анҳор бўйидан эса диллаш шабада эсмоқда эди. Малика ҳайронсираб:

— Вай, қаёққа келиб қолдик, бегим! — деди.

Диёрбек шавқсиз кулимсираб:

— Чўчима, жигарим, — деди. — Бу ерда на гурбат, на офат...

Бугун тилла тили қўйдиргани учун, аллабир тасодиқ туфайли қисқарувчилар рўйхатига ту-

шиб қолмагани учун ва ниҳоят беги ёнида эканлиги учун Малика хушнуд эди, шодон пайроғи қўшиларкан, қиқирлаб кулди:

— Бунда бор ҳарорат, муҳаббат...  
Тарвақайлаб ўсган кўк терак соясида Диёрбек машинани тўхтади. Сўнг ўриндик суянигини орқага қиялатиб, хаёлчан ясланди. Ва бору борлиқни тамомила унутганда, кўкка тикилди: осмон... тиниқ, булутлар... Шафқатанг булутлар қон сарчаган муз парчаларига ўхшайди, гўё улар чексиз уммон бағрида секин оқиб кетаяпти— қаёққа?.. Нима учун?.. Дарахтларнинг тепа шохларида тилларанг шуъла жилдиранади. Аҳён-аҳёнда заъфарон барглари ҳасратчан шитирлаб тўкилмоқда— нега?.. Нима учун?.. Ҳаммаёқ оёйишта. Бироқ, оёйишталикнинг омонатлиги юракка оғриқ солиб, яққол билиниб турибди. Таваба, ҳамма... ҳамма нарса омонат-а!.. Қизиқ, нима учун бу ёққа келди ўзи? Манави дилороми аслида офатижон эмасми— ким ўзи у? Уни яхши кўрадими ёки ачинадими у унга?.. Бу бедаво дардисар қачонгача давом этаркин-а? Ахир, барибир бир кун эмас бир кун хайрлашиш керак-ку!.. Малика аста сочини силаб:

— Диёр ака?— деди.  
— Ҳм?— деди Диёрбек.  
— Едингиздами?  
— Нима ёдимдами?  
— Уша кеча ёмон кўрққанман.  
— Қайси кеча?  
— Биринчи учрашган кечамиз...  
— Нима учун?  
— Ушанда Назокат сизни болта билан чопиб ташламоқчи бўлган эди.

Эслади: ногоҳ Маликанинг ўша кездеги таҳликали бир чинкириги туйуқ кулоғига урилгандек бўлди; ушанда беҳатиёр Назокатнинг қўлидан тўшиб кетган болтача шу тобда ҳам кўзига ялтираб кўринаётгандек туюлди. Ва негадир Диёрбек кўзларини чирт юмди:

— Қанча йиллар орадан сувдек оқиб ўтди,— деди.— Ҳозир... ёдимда йўқ.  
— Мен ушанда Назокатнинг қўлидан болтачани уриб, кўрққанмандан қичқириб юборган эдим.

— Афсус!..  
— Ҳа, нега афсусланаёяпти?  
— Бекор қилган экансиз.  
— Вой, жонингиздан тўйганмисиз?  
— Одамзод у дунёга кўнгил мулкидан бўлак ҳеч вақо олиб кетолмайди. Бу гапни мен болалигимда эшитганман. Ана шу гапга ишонгим келади,— деди Диёрбек бош иргаб.— Билсангиз, кўнгилида армон юки, пушаймон юки, алам юки шу қадар кўпайгани, баъзан бўғилиб кетганимдан ҳатто нафас ҳам олгим келмай қолади.

— Гапирманг-э, бегим. Бунча!..  
— Рост... Билсангиз, сиз ҳам менинг тирик пушаймонимсиз.

— Бекоргиналарни айтибсиз,— деди Малика унинг кулоғидан чўзиб.— Билиб қўйинг, қиёматда изингиздан соядек эргашиб юраман.

Диёрбек кулимсираб:  
— Ана шу-да!..— деди.— Агар ўшанда дод солиб Назокатнинг қўлидан болтани уриб тўширмаганингизда, анча енгил юк билан кетардимид.

Малика навозишли қўл силтаб:

— Қўйинг бунақа ёқимсиз гапларингизни,—

(Боши 7-бетда)

нишича, кунлардан бирида кўрларнинг олдига фил олиб келинади. Умрида ҳеч қачон филнинг нима эканлигини билмаган ва ундан хабар топмаган кўрлар филни кўзлари билан ушлаб, ўз тасавурларини айтиб берадилар. Улардан бири филнинг оёғини ушлаб, бу сутун (устун ёғоч) экан, деди; филнинг қорнини ушлаган дедиким, бу Бесутун (Фарход тоғи); филнинг хартумини ушлагани «ажадҳо авлодидан экан», деб хитоб қилди; филнинг тишларига кўли теккан кўрга икки сўнғак аён бўлди; яна бири филнинг думини ушлаб, «бир афъи (катта захарли илон) ослмишдур магар», деб хулоса қилди; филнинг бошига кўли теккан кўр «бир киёнинг тумшуги» (тоғнинг чўққиси) экан, деб шарҳлади; ва ниҳоят

деди.— Яхши, сиз менга айтинг-чи, нима учун ўшанда ўртадаги палов тўла товоқни олиб деворга урган эдингиз?

Уша маҳал юрагида мавж урган ногаҳоний галаён боисини Диёрбек рўй-рост айтмай... айтолмай:

— Сизни яхши кўриб қолишдан кўрқиб шундай қилган эдим,— деди.

Малика тагин унинг сочини силди. Диёрбек хушҳол жилмайиб кўйди.

1986 йил, октябр.



на орадан кўп йиллар шамолдек елиб ўтди.

Ғолиб, узок умр қисқа поёнига етди— ёшини яшаб, беармон давру даврон сурган пайғамбари замон ҳазрати Довуд алайҳиссалом келган муҳаққак фурсати етиб келганлигини аңглаб, Азроилдан яна андак сабр айланиши ўтиниб сўради.

— Не учун?— деди Азроил.— Хўш, пайсалга солмоқнинг боиси недур?

— Бир замонлар Мўмин отлиғи бир муслимининг хотинига ошиқ бўлиб, анинг ўзини қирғинбарот жангга йўллагон эрдим. Жангда шаҳид бўлгонидин сўнгра, бевасини никоҳимга олгон эрдим,— деди Довуд пайғамбар ҳасрат қилиб. Энди ижозатинг билан ул жаннатмаконинг қабуру пойида тиз чўкиб, гуноҳимни тилайин, токи, даргоҳи олийга поку беғуноқ боргаймен.

Хиёл сукутдан сўнг:  
— Маъкул,— деди Азроил.— Вале, унутмаёйсенким хили вақт тизғидир, кўп бандалар жон таслим қилломай, ажал илкида ўртаниб ётибдурлар. Бинобарин, тез мунда қайтгайсен! Пайғамбарга икки дунё бир қадам— руҳсат теккач, зумда Довуд пайғамбар ўтмиш жанггоҳдан Мўмин темирчининг қабрини топди. Кўнгилида адосқиз бир андуҳ билан тиз чўқди. Ва, қачонлардир унинг бевасини ўз никоҳига олгани учун, гуноҳидан кечишини юкиниб сўради.

Зориктирмай қабрдан бир садо таралди: розимен.

Довуд пайғамбар ниҳоят елкасидан тоғ каби эзиб ётган ҳам оғиру ҳам енгил юкдан халос бўлгандек суюна-суюна Доруссалтанатга қайтиб, калима ўтирганидан сўнг:

— Марҳамат, Оллоҳ омонатиға хиёнат қилмадим,— деди жон беришга ҳозирлиб;— Ул марҳум Мўмин ҳам гуноҳимдан кечди.  
— Сен не деб гуноҳингдан кечмагини сўрадинг? Жуфти ҳалолиға ошук ўлгонингдин сўнгра ани муқаррар ажал домиға йиборганингни яширмай айтдингму?

Довуд пайғамбар маънос бош чайқаб:  
— Йўқ,— деди.— Ушандай айтмоққа юрак бетлаёлмадим.

Азроил кулиб:  
— Бунақаси кетмайдур,— деди.— Барчасидан огоҳ этиб, андин сўнгра гуноҳингдин кечмагини сўрагайсен. Бор, зинҳор ҳаяллама!

Довуд пайғамбар бекорор елиб, қабр қошига етди, тиз чўқди, мисқину музтарлик билан бари тафсилотни ошкор сўйлагач, тавалло қилди: ў, жаннатмакон Мўмин, гуноҳимни кечиргайсен, умматим?!  
1987 йил, декабр.

филнинг кулоғини ушлаган кўрга «таҳриқ ичра (қимирлаб турувчи) икки еллуғч» аён бўлди.

Кўрларнинг жавобларига кулоқ солиб турган хинд уларнинг фил ҳақидаги тасавурларидан гарчи филдан айрим нишонлар бўлса ҳам, лекин бу тасавурлар кўрликнинг ифодасидир, деб хулоса қиларди:

Ҳар бири ўз биланидин деди сўз,  
Солмогон эрди бири пил узра кўз.

Лек жамъ ўлгонда бу барча сифат,  
Пилга ҳосилдур ул дам маърифат.

Жомили бийнога чун эрди яқин,  
Бетақаллур деди бори сўзи чин.

Барча динларнинг моҳият жиҳатдан бирлиги ва уларнинг тенглиги тўғрисидаги

Қабрдан бўйиқ бир нола отилиб, кўкка тутади: йўқ... йўқ! Иллоҳ, рози эмасмен, рози эмасмен!..

Кейин Довуд пайғамбар ночор-ноилож Азроилга рўпара бўлиб, шарақлатиб пешонасига урган кўйи, хўнграб юборди, кўзларидан шашқатор ёш бетўхтоҳ оқаверди.

Ана шунда тагин Тангридан ваҳий келди: Азроил, сен зоти бобарокот Довуд пайғамбарга ўқтиргилки, тоғла қиёматда гуноҳини тилаб, марҳум бандамизнинг ризолигини олиб бермакка саяи ҳаракат қилиб кўргайбиз.

Буни эшитиб, Довуд пайғамбар алайҳиссалом айтдики: ў, ошғилқ юки бул қадр ёндириб, дағи қиёматда рўсиё қилғусидур!..

Ногоҳ телефон жиринглади.  
Диёрбек дастакни кулоғига яқин элтиб:  
— Саломалайкум,— деди.

— Ассалом,— деди таъниш овоз.— Янги йилнингиз муборак бўлсин, бегим! Бахтимизга минг йиллар омон бўлинг, бегим!..

— Ташаккур,— деди Диёрбек.— Янги йилда сизга Аломишдек зарбадст қубёу Ҳасан-Ҳусан ўғиллар насиб қилсин!

— Ҳай-ҳай, бегим, мингта насия Алпомиш битта ўзингизнинг бошу кўзингизга садқалар бўлсин!.. Келасизми, бегим?...  
Бейхитёр қошлари чимирлиб, Диёрбекнинг кўз ўнгидан жисму жонни жунжиктиргувчи бир манзара кеча бошлади: бурчақда безатиғлиқ арча. Ранго-ранг чироқлар шодаси ўчиб ёнапти. Телевизор... Кўзлари чақноқ нуруний бир арбоб ойна жаҳон орқали барчани— бейхитёр авлодин кириб келаётган Янги йил билан табрикламоқда.

Бахтиёр авлоднинг навқирон бир вақиласи эса, байрамона чироқлар шодаси бетиним ўчиб-ёнаётган кўройдин хонада, телевизор рўпарасида ноумид, мунгайиб ўтирибди. Ҳувиллаган хонада дилхун бир сукунат шарпадек кезаётди.

— Ҳа, нега жим бўлиб қолдингиз, Диёр ака?  
— Бўпти,— деди Диёрбек соатиға нигоҳ ташлаб.— Бораман.

— Ҳозирча!..  
Диёрбек дастакни жойига кўйди. Стол устида сочилиб ётган қоғозлар қаламларни йиғиштирди. Сўнг хаёлчанлик билан ўрнидан турди. Ва, кўксини кучоқлаб, кабинетда у ёқдан-бу ёққа ўйчан юра бошлади: шундай кунда ҳам раҳбарлар мажлис ўтказишмоқчи. Қатнашмасе... бўлмас. Кейин, у ёққа бормасе... ёлғизликдан боёқшининг юраги ёрилиб кетар. Боради. Боргач, бирпас қангомалашгандан сўнг алдаб-авраб қишлоққа кузатиб кўяди. Янги йилни жигаргўшлар даврасида кутганга не етсин!.. Қизиқ байрамларни одамзод ўзини алдаш учун ўйлаб чиққанмикан-а?..

Диёрбек дераза рўпарасида тўхтади. Шом қоронғилига чулғанаётган серқатнов йўлга тикилди: машиналар зувиллаб елаяпти... Одамлар шоқини ўтиб боршаётир... Қор... кепак қор севаламоқда. Яхши— ҳадемай ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканади.

эркин фикрлик гоёси ўрта асрларда фалсафий тафаккур эришган энг аjoyиб ютуқлардан биридир. Бу гоё мусулмон Шарқ мамлакатларида фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Унинг фалсафий-гоёвий манбалари буюк шарқ мутафакқилари Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг ижодий меросидан бошланади.

Буюк шоирнинг тафаккур ва бадий хаёл кучи билан яратилган тимсоллар, юксак гоёлар ва ахлоқий ақидалар дунёси бизнинг давримизда ҳам кишиларни мафтун этиши шубҳасиздир. Бундаги илҳомбахш кучларнинг инсонга бўлган чексиз муҳаббатидандир. Унинг достонлари ўзининг ёрқинлиги ва маънавий мукамиллиги билан кишининг дилини ҳаяжонлантиради.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби,  
профессор

**Х**озирги адабиёт-шунослик илмида шундай фикр мавжудки, унга кўра ўзбек совет танқидчилиги театр танқидчилигидан бошланган. Бу фикрни узил-кесил рад этмаган ҳолда: «Ўзбек совет танқидчилиги Чўлпоннинг мақолалари билан бошланган бўлса ажаб эмас», деган фаразни ўртага ташлашни истардим. Унинг 1920 йилда «Иштирокион» газетасида босилган «Шўро ҳукумати ва саноеъ нафиса» мақоласи шундай фикр юритишга асос бўлади. Эҳтимол, ўша кезларда бу мақоладан аввалроқ эълон қилинган танқидий асарлар ҳам бўлгандир. Шундоқ бўлса-да, ҳам назарий теориялиги, ҳам камровиний кенглиги, ҳам салмоғи, ҳам маҳорати жиҳатидан Чўлпоннинг мақоласи ажралиб туради. Бу мақола ўзбек танқидчилигининг ривожига рол ўйнагани шубҳасиз.

Чўлпон мунаққид сифатида қалам тебратар экан, сира ҳам тор танқидбозлик йўлидан бормади, майда гуруҳлар манфатида хизмат қилмади — аксинча, ундан юзга яқин катта-кичик мақолалар қолган бўлса, буларнинг барчасида ҳаммиша адабиёт ва санъатнинг йирик масалалари, маданий қурилишнинг ўзак муаммолари диққат марказида турганини кўрамиз. Чўлпон ўзининг қизиқиш доирасини фақат адабиёт масалалари билан чеклаб қўйгани йўқ — лозим бўлганда у бошқа соҳаларга доир ҳам мақолалар ёзиб, маданий жараённинг энг долзарб масалалари бўйича жасоратли фикрлар билдирарди.

Масалан, 20-йилларда имло масалалари ва тил муаммолари қизгин муҳокама қилинаётганда у «Кизил байроқ» газетасида «Бизнинг сўзимиз» деган мақола эълон қилди (1921), кейинроқ эса «Тилимизнинг ишлатилиши» деган мақола билан чиқди. Кейинги мақола 1923 йилда «Туркистон» газетасида эълон қилинган бўлиб, унда «Бухоро ахбори» газетасида босилган шеърлар ва мақолалар мисолида тил ривожининг муҳим масалалари қўйилган.

Чўлпон ўзбек театрининг шаклланиши ва ривожини билан боғлиқ масалаларни ҳам дадил кўтариб чиққан. Масалан, 1923 йилда «Туркистон» газетасида «Ўзбек давлат труппасининг репертура ва постановкалари ҳақида» деган мақола эълон қилди. Худди шу йили «Иш бошланди» деган мақоласида эса Чўлпон театрга қандай ёрдам зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритади. Унинг кейинроқ эълон қилинган «Баамчолгу тўдаси», «Эски танбур нотаси» каби мақолалари (1926) шoirнинг мусиқа санъатидан ҳам яхши хабардор эканини ва мусиқа санъатининг ривожланиши ҳақида ҳам чин юракдан қайғурганини кўрсатади.

Театр санъатининг ривожини ҳақида қайғуриш Чўлпон учун шунчаки ўткинчи бир ҳавас эмас эди. У фақат ўзбек театри эмас, бутун совет театридаги жараёнларни синчиклаб кузатиб борган ва бу соҳадаги ҳар бир янгиликдан ўзбек халқини хабардор қилишга уринган. Табиийки, фаолиятининг кўпгина қисмини ўзбек театри билан боғлаган Чўлпон унинг бошқа совет театрларидан ажаралиб қолишини истамас, аксинча, доимий равишда ижодий изланишлар, тажрибалар йўлидан боришни, бу соҳада бошқа миллий театрлар тажрибасига таяниб иш юритишни хошларди. Буни биз Чўлпоннинг «Мейерхольд театри» деган мақоласида аниқ кўрамиз. Унда Чўлпон жаҳонга танилган режиссёр, ҳаётлигида ўзига хос мактаб яратган буюк санъаткор Мейерхольд изланишларини тарғиб қилади, унинг новаторлигини апрофлича таҳлил этади.

Худди шунингдек, 20-йилларнинг ўрталарида матбуот соҳасида баъзи бир салбий ҳодисалар юз бера бошлаганда, баъзи ойномалар фаолиятида айрим нуқсонлар кўрина бошлаганда Чўлпон бу масалада ҳам ўзининг фикрини айтишга жазм қилади. Айтаганида ҳам қатъият билан, изчил тарзда, қайта-қайта таъкидлар билан айтади. Масалан, 1924 йилда ёзилган «Матбуот» деган мақоласида «Муштум» мажалласининг аҳволи ҳақида гап борарди, худди шу йили эълон қилинган «Катта камчилигимиз» ёхуд «Ўша кичик масала» каби мақолаларда эса жумҳуриятда наشر этилаётган ойномалар, уларнинг ишидаги камчиликлар таҳлил қилинган, уларни яхшилаш борасида анча теран фикрлар айтилган.

Ўзи бетакдор истеъдод эгаси бўлган Чўлпон мунаққид сифатида янги ўсиб келаётган ҳар бир истеъдодли одамни қўллаб-қувватлашни, илиқ сўзлар билан уни рағбатлантиришни, бир-икки қўйлакни кўпроқ йиртган тажрибали одам сифатида уларга маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатишни ўзининг бурчи деб биларди. Айниқса, ўзбек аёлларидан етишиб чиққан санъаткорлар Чўлпонга беҳад мумнуният бахш этар ва шoir улар тўғрисида завқларга тўлиб мақолалар ёзарди. Унинг «Турсуной саҳнада» деган мақоласи ёхуд Ҳалима Носировага бағишланган «Ашулага ишқибоз» деган эссеси шулар жумласидандир. Шунингдек, Чўлпон «Гулистон» ойномасининг 1935 йил 8—9-сонларида босилган «Саҳна асарлариغا ошно санъаткор» мақоласида Ҳамза театрининг атоқли артистларидан бири, ўзига хос истеъдод эгаси Лутфулла Назруллаевнинг маҳоратини чуқур таҳлил қилган.

Шу пайтга қадар биз Чўлпоннинг умуммаданий масалаларга, умумсанъат масалаларига бағишланган мақолалари ҳақида маълумот бердик. Булардан ташқари, унинг соф илмий ва адабий-танқидий йўналишдаги асарлари ҳам анчагина. Уларда ҳам Чўл-

поннинг ўткир истеъдоди яққол муҳрланиб қолган, улар бугунга қадар фақат маърифий аҳамиятининга эмас, бадий-эстетик қимматини ҳам сақлаб қолган асарлардир.

Чўлпон адабий-танқидий мақолалар орқали ўзбек китобхонини жаҳон адабиёти билан таништириш вазифасини кўзлаган. Бунда у шарқ адабиётини ҳам, гарб адабиётини ҳам бирдай яхши билишни намойиш этиб, классиклар ижодининг ёрқин томонлари ҳақида, бугунги китобхон учун ардоқли жиҳатлари тўғрисида тўлқинланиб ёзган. Бу борада унинг инқилобдан кейин ёзган илк мақоласи шoir Тавфиқ Фитрат ҳақида бўлди. Тавфиқ Фитрат турк танзимат шеъриятининг асосчиси бўлиб, ажойиб романтик шеърларида маърифатпарварлик ғояларини, инсонпарварлик қарашларини олға сурганди. У, аниқса, эрксеварлик оҳанглари билан пардаларда эҳтирос билан қуйлаган эди. Чўлпон ўша пайтларда кўпгина шарқ мамлакатларида шухрат толган Тавфиқ Фитрат лирикасининг хусусиятларини очади. Чўлпон турк адабиётини, турк шеъриятини жуда чуқур билар ва унга теран бир ҳурмат билан қарар эди. Шунинг учун унинг бошқа намоёндалари ҳақида ҳам илҳом билан мақолалар ёзган эди.

У Озарбойжон классикаларига ҳам қатор мақолалар бағишлаган. Жумладан, 20-йилларнинг бошида «Инқилоб» журналинда Чўлпоннинг «Имом Фузулий» деган мақоласи босилади. Бу — ўзбеклар ўртасида ҳам ғоят машҳур бўлган, шеъриятда Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган, ғазаллари халқ ўртасида хозиргача ардоқланиб келаётган Фузулий ҳақида ўзбек адабиёт-шунослигида ёзилган илк мақолалардан биридир. Худди шунингдек, Чўлпон 20-йилларда яна бошқа бир қатор озар ёзувчилари ҳақида ҳам қимматли мақолалар ёзди. Масалан, озар совет адабиётининг классиги, кейинчалик Сталин зулми туғайли беғунох қурбон бўлган Хусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» ва «Иб-лес» деган ғожеалари ҳақидаги мақола шулар жумласидан.

**Ч**ўлпон шарқ классикалари орасида, аниқса, улуг хинд шoirи ва адиби Рабиндранат Тагорга алоҳида муҳаббат билан қараган ва унинг тўғрисида 1925 йилнинг ўзида «Маориф ва ўқитгувчи» ойномасида «Улуг хинди» (7—8-сон), «Тагор ва тагоршунослик» (11—12-сон) деган иккита мақола эълон қилган.

Чўлпоннинг мунаққид сифатидаги услуби билан танишмоқ учун унинг бир мақоласи ҳақида батафсилроқ тўхтайлик. «Улуг хинди» мақоласи ҳажма қичкина, биринчи қарашда бу мақола қуруқ эҳтироснинг ўзидан иборатдай кўринади. Чўлпон Тагорни шундай мактайдикки, баъзан бу мактов чегарадан чиқиб кетгандай, анчайинки, чучмал тус олгандай кўринади. Чўлпон

## ЧЎЛПОН—МУНАҚҚИД

йўл-йўлакай Тагорни ўзбек классиклари билан ҳам таққослайди ва табиғий, бу таққосдан Тагор фойдасига ишлайдиган хулосалар чиқаради: «Узимнинг йўл-сизлигимдан бир оз сўзлаб ўтайин. Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман — бир хил, бир хил, бир хил!» Уйлайманки, бугун Чўлпоннинг бу хулосаси билан унчалик келдиши бўлмайди — классикларимизнинг ҳар қайсиси ўзига хос кифога, бир-бириникидан фарқ қилувчи услубга эга экани, оламни идрок қилишлари ва олам ҳақидаги қарашлари билан ҳам, эстетик нуқтаи назарлари жиҳатидан ҳам бир-бирларини тақроламасликлари исбот қилинган. Лекин Чўлпон уларни «бир хил, бир хил, бир хил!» деб баҳолаётган экан, бунда шарқ шеъриятига хос баъзи сифатларни назарда тутган бўлиши мумкин.

Мақоланинг давоми янада эътиборли. Унда Чўлпоннинг адабий асарга гоят талабчанлик билан муносабатда бўлганини кўрамиз. У татар, озар ва турк шоирларининг ижоди ҳақидаги қайдларини айтади: «Тўқайдан тортиб Қави Нажмиёгача татар адабиётини, Ходидан тортиб Ҳусайн Жовидга қадар озарбойжон адабиётини (Ҳусайн Жовидни ажратиб олиб қолдим), Номик Камолдан Амир Сайфи (О. Сайфи)га довуз усмонли адабиётини ўқийман: ё ортиқ янгилик, гарблик, ё ортиқча шарқлилик!»

Албатта, Чўлпоннинг бу фикри билан ҳам баҳслашиш мумкин. Бироқ ҳозир мақсад баҳслашиш эмас — мақсад эътиборингизни Чўлпоннинг билим даражаси нечоғлик кенг эканига ва фикрдаги мустақиллигига қаратишдир. Ниҳоят, яна бир фикрни айтиш керак — агар «Улуғ ҳинди» мақоласи шунчаки эҳтиросдан, даҳо санъаткор қаршисида тавозеъ билан хушомад қилишдан нарига ўтмаганида унинг ортиқча қиммати бўлмас эди. Ҳамма гап шундаки, Чўлпон шу кичик мақолада

Тагорнинг ўзи ҳақида ҳам, Тагор баҳонасида умуман адабиёт тўғрисида ҳам жуда теран ва жуда самарали фикр айтган; ўткир нигоҳи билан улуг ҳинд адабининг ижодидаги энг муҳим фазилатни пайқаг олган. Чўлпон Тагорнинг даҳосини шунда кўрадики, у ўз ижодида шарқ адабиётига хос бўлган романтиклик билан гарб адабиётига хос бўлган реализмни бир-бирига чамбарчас боғлай олган, унинг ижоди ўзида шарқ ва гарб руҳини сингдирган ижод. Бинобарин, адабиётнинг йўли ҳам шундай бўлмоғи керак, янги адабиёт Тагор каби гарб ва шарқни бир-бирига туташтирувчи олтин кўприк вазифасини ўтамоғи керак:

«Қўлим қалтираса ҳам, юрагим ўйнаса ҳам, қудратим етмаса ҳам ўша шарқ ва гарб ўртасидаги олтин кўприкни элимга танитмоқчи бўлдим... Мундан ортиқ бир нарса демак, чинакам, қўлимдан келмайду. Менинг қўлимдан келгани — у муборак одамнинг баъзи бир нарсаларини наسر билан русча орқали таржима қилиб бериш бўлади».

Чўлпон ўзбек адабиётининг классиклари ҳақида ҳам бир қатор мақолалар ёзган. Булар ичида, айниқса, «Ўвайсий», «500 йил» деган мақолалари ажралиб туради. «500 йил» мақоласи ҳам Чўлпоннинг бошқа кўпгина мақолалари каби ҳажман жуда кичкина, лекин мазмунан гоят терандир. Мақола Алишер Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, бевосита ўзбек билим ҳайъатига мурожаатдан иборатдир.

Чўлпон Алишер Навоийнинг барча туркий халқлар ўртасида эътибор топган буюк санъаткор эканини таъкидлайди ва бу ўзбек халқи учун гоят фахрли ҳоқ эканини айтади. Чўлпоннинг фикрича, «ўз адибларига 5—6 аерлик бир тарих яратя билган халқлар унча кўп эмасдир», шунинг учун бу қутлуғ санани улуг маданий байрамдек муносиб кутиб олмоқ керак. Чўлпон маданий меросни ардоқлашни рус ва бошқа овру-

по халқларидан ўрганишга даъват қилади. У ёзади: «Ватандошларимиз руслар Пушкнинг ҳар 5 йили учун ҳам катта байрамлар ясайдирлар. Гарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказилади». Шундан кейин Чўлпон Алишер Навоий хотирасини абадийлаштириш ҳақида аниқ тақлифларни ўртага ташлайди. Айтиш керакки, замонлар ўтиб, Чўлпон тақлифларининг ҳаммаси тўла рўёбга чиқди ва чиқмоқда.

Чўлпоннинг адабиётшунос сифатидаги қизиқиш доираси сира ҳам фақат Ўзбекистон ёхуд Шарқ билан чегараланиб қолган эмас — у ўзбек халқининг янги маданиятини дунёдаги бошқа халқлар маданиятидан ажралган ҳолда, ўз қобилигига ўраниб олган ҳолда ривожлантириб бўлмаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун ўз халқини Оврупо адабиётининг ҳам энг мумтоз намуналари билан таништиришга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам у Карло Гоцци ва унинг «Маликаи Турандот»и ҳақида, буюк француз драматурги, классицизм оқимининг асосчиси Мольер тўғрисида мақолалар ёзди. Унинг қамоққа олинмасдан аввал эълон қилинган энг сўнги мақоласи «Катта мактаб эгаси» деб аталади. Бу мақола Горький вафоти муносабати билан ёзилган бўлса-да, шунчаки бир хотира эмас, Горький меросининг бойлиги ҳақидаги ўйларга тўла, унинг тажрибасидан нималарни ўрганиш кераклиги ҳақидаги кузатишлар ва таҳлиллардан иборат эди. Бу мақолада Чўлпон «Кеча ва кундуз» романини ёганида Горькийнинг «Она» романини таржима қилиб тўпланган тажрибаси жуда иш берганини таъкидлайди.

Мунаққид ҳар қанча қамрови кенг, ҳар қанча фикри теран бўлмасин, ҳар қанча жанрлар рангбаранглигига интилмасин, барибир, унинг ижодида тақриз етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Чўлпон фаолиятида ҳам шундай бўлди. Чўлпон 20-йилларда

жуда кўп тақриз ёзган. Бу тақриزلар мунаққид учун адабий жараёнда фаол иштирок этиш воситаси бўлган. У тақриزلар ёрдамида жамоатчилик фикрига ҳам таъсир кўрсатган, унинг дидини тарбиялаган, айти чоқда адабий жараёнда муайян тенденцияларнинг қарор топишига, устивор бўлишига йўл очган. Яна бир хусусият — Чўлпоннинг аксарият тақризлари драматик асарларга бағишланган. Бу тақриزلарда Чўлпон профессионал театр танқидчиси сифатида кўринади — у драматик асар яратилиши тарбиа сирү асрорларини ҳам, уни сахнада мужассамлантиришнинг машаққатларини ҳам яхши билади ва тақриزلарида ҳар гал асарнинг ҳам, спектаклнинг ҳам ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида кишини ишонтирадиган мулоҳазалар юртади.

Чўлпон 20-йилларнинг бошида Фитратнинг «Чин севиш» ва «Абомуслим» драмаларига тақриз ёзди, Ҳулум Зафарийнинг «Ҳалима» музыкали драматини кенг таҳлил қилди. 1922 йилда «Намозбозлар ҳаёти», «Хиёнаткорлар жаъоси», «Эр-хотин», «Аршин-мололан» ҳақида бир йўла битта мақола ёзди. Шунингдек, Чўлпон ўзбек сахнасида кўйилган «Гуноҳ», «Узун кулоқ бобо», «Коваи оҳангар» каби асарларни ҳам диққатидан қочирмади — улар ҳақида тақриزلар ёзиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича баҳолади. Буларнинг бари Чўлпоннинг 20-йилларда адабиётимизнинг энг фаол ва жонқуяр адибларидан бири бўлганини кўрсатади.


Биз бу ўринда Чўлпоннинг барча танқидий меросини батафсил таҳлил қилганимиз йўқ, албатта. Унинг анча-мунча мақолалари, тақриزلари ҳали турли-туман ойнномалар ва рўзномалар саҳифаларида ётипти. Уларни қидириб топиш, тўплаб нашр этиш навбатдаги муҳим вазифаларимиздир, чунки улар бизнинг маънавий бойлигимиз бўлмоғи керак.



СССР Халқ маорифи аълоқчиси Олимжон Халилов ўз уйда тарих кўрғазмаси очганига анча вақт бўлди. Бунда қадимий ўзбек тангаларидан тортиб аёллар зебу-зийнатлари, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа кўплаб ашёлар бор.

Сураткан А. Караван

# Аҳмад Яссавий



Туркистон шаҳридаги Яссавий мақбараси

**А**ҳмад бин Иброҳим бин Маҳмуд бин Ифтихор Яси шаҳрида (ҳозирги Туркистон) руҳоний шайх оиласида дунёга келган. Унинг туғилган йили маълум эмас, вафоти эса баъзи манбаларда 1166 йили деб кўрсатилган.

Аҳмад Яссавий ўзининг «Девони ҳикмат» асарини тузиб қолдирган. Шоир ижодининг йиғиндиси бўлмиш бу асарнинг қадимги нусхалари бизгача етиб келмаган, унинг XVII асрга мансуб нусхаси мавжуд. «Девони ҳикмат»нинг қўлёзма нусхаларидан ташқари босма нусхалари ҳам ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб

чоп этила бошлаган. У Тошкент, Қозон ва Истамбулда бир неча бор нашр этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхаси ҳам, босма нусхалари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларда шеърлар миқдори турлича, бир нусхасида мавжуд бўлган шеърлар иккинчи нусхасида йўқ. Борлари эса матн, тил ва услуб жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикматлар «Девони ҳикмат»нинг 1904 йилги 5-Қозон босмаси асосида тайёрланди.

**Марьям ЭШМУҲАММЕДОВА,**  
ТошДД илмий ходимаси.

## ҲИКМАТ

Ишқ даъвосин манга қилма, ёлғон ошиқ,  
Ошиқ бўлсанг бағринг ичра кўз қони йўқ.  
Муҳаббатни шавқи бирла жон бермаса,  
Зойиё кечар умри анинг, ёлғони йўқ.

Ишқ боғини меҳнат тортиб кўқартмасанг,  
Хорлиқ тортуш шум нафсингни ўлдурмасанг,  
Оллоҳ деюб ичга нури тўлдурмасанг,  
Валлоҳ, биллоҳ, сенда ишқни нишони йўқ.

Ҳақ зикрини мағзи жондин чиқармасанг,  
Уч юз олтиш томурларинг тебратмасанг,  
Тўрт юз қирқ тўрт сўнгаларинг кул қилмасанг,  
Ёлғончидур, Ҳаққа ошиқ бўлғони йўқ.

Нафсдин кечиб қаноатни пеша қилғон,  
Ҳар ким тепса рози бўлуб бўюнсўнғон,  
Яхшиларга хизмат қилиб дуо олғон,  
Андоғ ошиқ, маҳшар қуни армони йўқ.

Роҳат тилаб жон меҳнатин хушлаганлар,  
Саҳарларда жонин қийнаб ишлаганлар,  
Ҳою ҳавас моуманни ташлаганлар,  
Чин ошиқдин ҳаргиз ани ёлғони йўқ.

Ишқ дардини бедардларга айтиб бўлмас,  
Бу йўлларни уқбоси кўп, ўтиб бўлмас.  
Ишқ гавҳарин ҳар номардга сотиб бўлмас,  
Беҳабарлар ишқ қадрини билғони йўқ.

Ишққа туштунг, ўтқа туштунг, куюб ўлдунг,  
Парвонадек жондин кечиб аҳгар бўлдунг.  
Дардга тўлдунг, ғамга сўлдунг, телба бўлдунг,  
Ишқ дардини сўрсанг ҳаргиз дармони йўқ.



Бошинг кетар бу йўлларда ҳозир бўлғил,  
Ишқ йўлида ўлмас бурун зинҳор ўлғил.  
Пир этагин маҳкам тутуб хизмат қилғил,  
Хизмат қилғон ҳаргиз йўлда қолғони йўқ.

Ошиқ эрмас жонинга жон бермаса,  
Дехқон эрмас кетмон чолиб нон бермаса,  
Мунда йиғлаб охиратда жон бермаса,  
Йўлда қолғон бўйи худо олғони йўқ.

Эй беҳабар, ишқ ақлидин баён сўрма,  
Дард истагил, ишқ дардига дармон сўрма,  
Ошиқ бўлсанг зоҳидлардин нишон сўрма,  
Бу йўлларда ошиқ ўлса товоғони йўқ.

Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил,  
Меҳнат тортиб ишқ йўлида содиқ бўлғил.  
Нафси тегиб даргоҳига лойиқ бўлғил,  
Ишқсизларни иймони йўқ, ҳам жони йўқ.

Ишқ савдоси кимга тушса расво бўлур,  
Партав солиб Ҳақ ўзига шайдо қилур.  
Мажнунсифат ақлин олиб Лайло қилур,  
Оллоҳ ҳақи бу сўзларни ёлғони йўқ.

Қул Хожа Аҳмад, жондин кечиб йўлга киргил,  
Андин сўнгра Эранларни йўлин сўргил.  
Оллоҳ дебон Ҳақ йўлида жонинг бергил,  
Бу йўлларда жон бермасанг имкони йўқ.

## ҲИКМАТ

Ишқ сирини баён қилсам ошиқларга,  
Тоқат қилмай бошин олиб кетар, дўстлар.  
Тоғу тошқа бошин уриб беҳуд бўлуб,  
Аҳли аёл хонумондин ўтар, дўстлар.

Ишқ шиддати бошқа тушса ошиқ тилар,  
Беғоналар ташлаб отиб анга кулар.  
Девона деб бошин ёриб, қонга булар,  
Шокир бўлуб ҳамду сано айтар, дўстлар.

Ишқсизларни ҳам жони йўқ, ҳам иймони,  
Расуллуллоҳ сўзин айтдим маъно қони.  
Неча айтсам эшитгувчи, билган қани?  
Беҳабарга айтсам кўнгли қотар, дўстлар.

Ишқ гавҳари тубсиз дарё ичра пинҳон,  
Жондин кечиб гавҳар олғон бўлди жонон.  
Булҳаваслар ошиқмен, деб йўлда қолғон,  
Динларини пучак пулга сотар, дўстлар.

Ўтқа куйдум, жондин тўйдум, ҳайрон бўлдум,  
Бу нечук ўт куймай, ёнмай бирён бўлдум.  
Муҳаббатни отин эшитиб гирён бўлдум,  
Кўзи гирён муродиға етар, дўстлар.

Зор йиғлабон зор инграгил, раҳми келсун,  
Йўл адашсанг раҳми келиб йўлга солсун.  
Омин денглар пири мўғон кўлунг олсун,  
Хизмат қилғон муродиға етар, дўстлар.

«Кулли явмин» битар, деди Ҳақ Мустафо,  
Умнат бўлсанг қулоқ солғил, аҳли вафо.  
Яхшиларни ажрин берур, бадга жазо,  
Қиёмат кун жазоларни тортар, дўстлар.

Фосиқ, фожир ҳаво қилиб ерни босмас,  
Рўза, намоз қазо қилиб мисвоқ осмас,  
Расуллуллоҳ суннатларини кўзга олмас,  
Гуноҳларни кундан-кунга ортар, дўстлар.

Дунёдорлар молин кўруб ҳаво қилур,  
Манманликдин ул даъвои худо қилур.  
Улар вақтда иймонидин жудо қилур,  
Жон берарда ҳасрат билан кетар, дўстлар.


Қамуғ дунё йиққонларни валлоҳ, кўрдум,  
Улар вақтда қалайсан, деб ҳолин сўрдум.  
Шайтон айди: «Иймонига чангал урдум»,  
Жон чиқарда йиғлай-йиғлай кетар, дўстлар.

Қул Хожа Аҳмад, ошиқ бўлсанг жонинг қуйсун,  
Сидқинг бирлан Оллоҳ дегил, Тангри билсун.  
Дуо қилғил, мўмин қулла дунё қуйсун,  
Дунё қуйғон охиратқа етар, дўстлар.



АМИР ТЕМУР СИМОСИ

*Мусаввир Наримон Иброҳимов тасавурида*






*СССР Рассомлар*

*уюшмасининг аъзоси*

*Чўлпон Содиқов*

*ясаган сопол буюмлардан*

*намуналар*





Ғор

*Ёш мусаввир*

*Абдухалил Қурбонов*

*ижодидан*



Азим бахши Хўжа ўғли сиймоси




Она



Кўпқаридан сўнг

Чўл ва ҳаёт.

Сураткаш В. Моисеев



Мамлакатимиз ҳозир иқтисодиёт, ижтимоий ва сийёсий ҳамда миллатлараро инқирозни бошдан кечириётди. Кунлик турмушимиздан пугур кетди. Жамиятда ҳозирги кундан ҳам, келажакдан ҳам ҳавотирлик ортмоқда. Юзага келган танглик кишиларнинг руҳиятига ҳам таъсир қилиб, асаблар ниҳоятда таранг тортилган. Савдо дўконларида кунлик турмуш тарзи учун зарур бўлган нарсалар борган сайн камёблашиб бораётди. Бу фақат ўша маҳсулотларнинг кам ишлаб чиқарилаётганлиги билан боғлиқ бўлмади, балки кейинги йилларда савдодаги сўистеъмолликларнинг авж олаётганлигида ҳамдир. Айниқса озиқ-овқат ва саноат молларининг манфур кимсалар томонидан йўқ қилинаётганлиги ёки яроқсиз ҳолга келтирилаётганлиги аҳоли ўртасида ҳақли норозиликларни келтириб чиқараётди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан келиб чиқадиган муаммоларни баргараф этиш кўп жиҳатдан савдода тартиб ўрнатишга боғлиқдир. Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан барқарор таъминлаш учун уларни сақлаш, ташиш ва сотишда тартиб ўрнатиш юзасидан чоратадбирлар белгиланган фармойиш чиқарди.

Чунки ҳозир савдо пештахталари шип-шийдан бўлсада, матлубот жамиятларига қарашли омборларда зарур моллар қалашиб ётибди. Бу молларнинг «қора туйнук» орқали савдога чиқарилиши эса чайқовчиликни авж олдираётди.

Хуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракатлари натижасида кўпдаб молларни ноқонуний ҳолда омборларда сақлаб туриш ва яшириб қўйиш ҳоллари фож қилинди. Масалан, Чиноз ноҳиясидаги «Наврўз» универма-

гидан, Тошкент, Гулистон, Жиззах, Бекобод шаҳарларидаги савдо омборлари ва магазинларидан мўмай даромад орттириш мақсадида сақлаб қўйилган кўп миқдордаги халқ истеъмоли моллари топилиб, айбдор кишилар жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек ҳозирда одамларнинг нозик асабларида озор бераётган нарса савдо соҳасида ишлаётган баъзи ходимларнинг қўпол муомаласидир. Маълумки, қадим Шарқда савдо аҳли ниҳоятда нозик табиатли, хуш муомалали, сертакаллуф ва ибодли бўлишган. Улар харидорга фақат ўз молини ўтказибгина қолмай, ўз илиқ муомалалари билан унинг кайфиятини кўтариб, дилини шод этганлар. Ҳозирда ҳам Япония, Хитой ва Қурияда савдо соҳасида ишлашга талабдор бўлганлар маҳсус муомала курсини тугатган бўлиши керак.

Бизда савдо соҳасида чуқур илдиз отган таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик натижасида бўлажак савдо ходимининг маънавий ва маданий савиясига эътибор берилмайди. Бунинг жаб-


рини эса кўпроқ харидор тортади. Яқинда Фрунзе ноҳиясидаги савдо марказидаги озиқ-овқат магазини юмуш билан кирган эдим. Баъзи зарур нарсаларни сўраб сотувчиларга муурожаат қилганимда, ўша нарсаларнинг йўқлигидан эмас, сотувчиларнинг қўпол ва нописанд муомаласидан кўнглим ранжиди. Кўпгина савдо ходимлари оддий муомала санъатини ҳам билишмайди. Баъзилари эса давлат савдо дўқониди «ўзини хон, кўланкасини майдон» ҳисоблашиб, ҳар кимга ўз билгиларича муомала қиладилар. Айниқса текин даромад қутуртирган айрим савдо ходимларидан одамлар зада бўлишди. Улар дўқонга келган молни отасидан қолган меросдай истаган нарҳда пуллашади. Озиқ-овқат ва саноат молларининг камёб бўлиб бораётганлиги баъзи савдо ходимларининг тегирмонига сув қуюётди.

Савдо соҳасида гап кетганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Яъни бу тил муаммоси билан боғлиқ. Мана ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига

икки йилдан ошди. Лекин уни ҳаётга жорий этиш ҳамон пайсалга солинаётди. Айниқса савдо соҳасида ўзбек тилининг қўлланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки жумҳуриятнинг асосий аҳолисини маҳаллий қиллавлар ташкил этади. Бу аҳолининг ичидаги қари-қартанг ҳам, ёш-яланг ҳам ҳар кун бўлмаса ҳам кунора савдо соҳасига иши тушиб туради. Лекин уларни ҳамон тил масаласи қўйнаётди. Чунки савдо шохобчаларидаги савдо ходимларининг аксарияти давлат тилини билишмайди. Бу ҳолатни аҳоли кўп муурожаат қиладиган Тошкентдаги Бош ва Марказий универмагларда, «Тошкент» гастрономида яққол кузатиш мумкин. Шаҳсан ўзим Марказий универмагнинг уна-атир моллиги бўлимида харидор билан сотувчи ўзаро тил топиша олмаслик натижасида кўнглим ранжиди. Тил тушунамаслик устича қўпол муомала қўшилса харидорнинг ҳолига воқеа дейверин!

Кейинги пайтда пойтахтимизда бир қанча тижорат дўқонлари фаолият кўрсатаётди. Бу дўқонлардаги молларнинг нархи осмонда эканлиги сир эмас. Лекин шу дўқонларга кириш учун навбатга турганларнинг кети узилмайди. Аммо гап бунда эмас. Харидорларнинг фуқаролик шаънига иснод келтирадиган нарса бу дўқонларга киришни тартиб посбонлари—миршавлар назорат қилишидир. Наҳотки одамлар шунчалик қўрқинчли оломонга айланган бўлишса, Аслида эса авваламбор савдо соҳасида изчил ва мунтазам назорат ўрнатиш керак. Шунингдек бу соҳада ҳар томонлама етук савдо ходими номини оқлашга муносиб кишилар ишламоғи лозим.

Абдураэқ КАРИМ



Самарқанд. Буюк ипак йўли хотираси. Ҳайкалтарош Туркман Эсонов.

Суратқаш Р. Ғофуров (ЎзТАГ)

# Хўжа Аҳрори Вали

Комилхон КАТТАЕВ, тадқиқотчи-тарихчи

**У**

збек халқининг бой ўтмиш тарихи онгли равишда бузиб талқин этилиши мазий ҳақиқатини чигаллаштириб юборди. Узоқ вақт сохта ҳақиқатга суяниб иш кўрдик. Маданият, маърифат ва сиёсатга улкан ҳисса қўшиб, ўзларидан мислсиз мерос қолдирган илм, дин ва сиёсат арбобларининг хотиралари ноҳақ таққирланди. Уларнинг фаолияти бир томонлама ўрганилиб, салбий баҳолалиб келинди. Оқибатда кўпгина юртдошларимизнинг эзгу ишларидан беҳабар қолдик. Демократик ва ошкоралик сабаб, кеч бўлса-да, йўл қўйилган хатолар тўғрилимоқда. Улғур аждодларимизнинг номлари қайта тикланмоқда. Ана шундай ҳолис талқин талаб тақдирлардан бири Хўжа Аҳрор Валидир. Унинг номи айрим тарихий манбаларда билиб-билмай нотўғри баҳолалиб келинди.

Хўжа Носируддин Убайдулло ибни Махмудхўжа — Аҳрори Вали 806 ҳижрий йилнинг рамазон ойида (1404 йил, март ойида) Шош (Тошкент) вилояти Бўстонлик ноҳиясининг Боғистон мавзесида, машҳур Шайх Хованди Тоҳур хонадонидан дунёга келган (баъзи маълумотларга қараганда, Шайх Хованди Тоҳур Стамбулдан Шошга келиб яшаган ва унинг номини ҳозирги Шайхонтоҳур билан ҳам боғлашади.)

Хўжа Убайдулло болалигидан шайхлар хонадонига монанд тарбият кўрди. 1427 йилда Самарқандга келиб, Мавлоно Кутбиддин Садрининг кигиз бозорга жойлашган мадрасасида тахсил кўра бошлади. Лекин мадраса ўқинишдан қониқмай, қўл олиб иршод ҳуқуқини берувчи пир ахтариб юрган Хўжа Убайдулло 1428 йилда Ҳирот шаҳрига бориб, тўрт йил Сайид Қосим Табризийнинг (Қосими Анвори) даргоҳида қўним топди. Ҳиротдаги фаолияти ҳам уни қониқтирмади. Кейинчалик у Чагонён мавзесида яшовчи Мавлоно Якуби Чархий билан танишиб, унга шогирд тушди. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Насоим-ул-муҳаббат» асариде келтирибдурки:

«...Хўжа Убайдулло йигит бўлгондин сўнграким, Хуросон машоихидин ҳазрати Мир Сайид Қосим Анвор хизматларига етибдурлар ва шайх Баҳоуддин Умар мулозаматларига мушарраф бўлбутурлар ва Шайх Зайниддин Хавафийнинг суҳбатига етибдурлар ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно Саъиддин Қошғарий била суҳбат тутубтурлар ва Мовароуннаҳр машоихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозаматларига етибтурлар ва Хўжа Абу Наср суҳбатига етибтурлар ва Мавлоно Низомиддин Хомиш била суҳбат тутубтурлар. Мавлоно Якуби Чархийдин иршодлар ва тарбиятлар топибтурлар».

1432 йилда Шошга (Тошкент) қайтган Хўжа Убайдулло халқ орасида нуфузи ошиб, тоат-ибодат ва дехқончилик билан машғул бўлади. Халқ орасида анча танилгандан сўнг 1450 йилда (Улғубек ва Абдуллагий замонларидан кейин) Самарқандга келиб, ҳукмдор Абдулло мирзонинг (Улғубекнинг қўеви ва жияни) қабулига кирмоқчи бўлади. Хўжа унга шариатни мустаҳкамлаш йўлида ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатмоқчи эди. Лекин Абдулло мирзо Хўжа қашманларининг маслаҳатига кириб, уни дабул қилмайди. Хўжа

Убайдулло чораси Тошкентга қайтиб кетади. Бир ойдан кейин, эса Абу Саид Мирзо (Мироншоҳнинг невараси) Туркистондан келиб, Хўжа Убайдулло билан Тошкент ва Паркентда учрашади. Хўжанинг маслаҳати ва дуолари ёрдамида Самарқандни босиб олади. Сўнгра Хўжа Убайдуллони ҳам расмий равишда Самарқандга тақлиф этади. Самарқанд шайх-ул-исломи Хўжа Мавлоно ибни Исомиддин бошчилигида руҳонийлар Хўжа Убайдулло саройга келганлигидан норози бўлишиб, уни камситишга ҳаракат қиладилар. Лекин Хўжа Убайдулло ўзининг зукколиги билан улардан устун эканлигини намойиш этади. Шундан сўнг Хўжа Аҳрори Вали номини олиб, нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа шарқ мамлакатларида ҳам машҳур манзур бўладилар.

Алишер Навоий ўзининг «Насоим-ул-муҳаббат» асариде ёганидек: «...Ва сўнгралар Ҳазрати Хўжага онча мукнат паст бердики, маълум эмаски машоихдин ҳеч кимга ул даст берибтур ё йўқ, Мовароуннаҳр салотини ўзларини аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми тутарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки бир саридин Рум ва Мисрғача ва бир саридин Хитой ва Ҳиндғача барча мулк ва салотин ўзларин Хўжанинг маҳкуми ва маъмури фармони тутарлар эрди...»

Хўжа Самарқандда диний фаолиятлардан ташқари мамлакатнинг сиёсий ва ҳарбий ишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, 1454 йилда Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур Самарқандга лашкар тортиб келганида Самарқанд подшоиси Абу Саид Мирзо ва сарой аъёнлари кўрқувдан ўзларини йўқотиб, туяларга юкларини ортиб қочини ҳаёл қилганларида, Хўжа Аҳрор шаҳар жиомасини ўз қўлларига олиб, халқни душманларга қарши сафарбар қиладилар; 1463 йилда эса Шоҳруҳияда ўзаро урушгаётган уч подшоини — Мирзо Султон Аҳмад, Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхонни яраштириб, халқ орасида обрўлари яна ҳам ошади.

Ҳазрати Хўжа Аҳрори Вали 895 ҳижрий (1490) йилнинг ражаб ойида шанбага ўтар кечаси Қамангарондаги ўз боғларида вафот этадилар. Фахриддин Али Ас-Сафининг «Рашоҳоти айнул ҳаёт» ҳаёт қашмаларидан томчилар) китобида Ҳазрати Хўжанинг вафот тарихи-қасидани қуйидагича келтирилган: «895 йил, ойнинг охириги кун, шанба оқшомида Пайғамбарнинг элчиси вафот этди: Дунё ва дин Хўжаеи Убайдулло абадий айш шаробининг ажал жомидан ичди; унинг кўнглининг қароргоҳи Худого энг яқинлик даражасигача этди».

Хўжа Аҳрорнинг ўзлари ҳам, хулқу аворларни ҳам жуда ухшурат ва гўзал бўлган. Тарихчи Абу Тоҳир хўжа ибни Абу Саид Самарқандийнинг ёзишига қараганда: «Хўжа Аҳрорнинг ўзига жалб қилувчи оҳанрабо си шу даражада кучли эдики, унинг ширинсухан суҳбатлари умрбод эсда қоларди».

Хўжа Аҳрор одамларни ром қилувчи нутқ ва ривоятларга: илми фикх ва рубоийларга; Қуръон тафсири ва ҳадисларга шу даражада бой бўлганки, ўша даврдаги олим ва тарихчилар мадрасани хатм қилмаган Хўжанинг шунчалик илмдорлигини кўриб: «Хў-

донинг унга берган инояти», деб билганлар.

Хўжа Аҳрорнинг ҳаёт йўлларини ва фазилатларини баён қилувчи кўпгина тарихий асарлар орасида энг биринчилар қаторида ёзилган «Масмуат» (Эшитилган) асари (муаллифи Хўжанинг кўёвлари ва издошлари — Мир Абдуллавали Нишопурийдир) XV аср охириларида ёзилган бўлиб, Хўжа Аҳрорнинг юриш-туришлари, фазилатлари, ул кишининг сўфийлик дунёқарашлари ҳақида сўз боради. Китобда Муҳаммад Пайғамбару чор-ёрлардан тортиб Хўжа Аҳрори Вали яшаган давргача етиб келган тасавуф силсиласи сулукларининг энг улғур намояндлари ҳамда Хўжанинг замондошлари бўлган темурийлар сулоласи билан муносабатлари баён қилинган.

Хўжа Аҳрор вафотидан кейин ул кишининг ўрнига жойиниши — ўринбосар бўлиб қолган Мавлоно Муҳаммад Қози Муҳаммад ибни Бурхониддин пирининг васиятига амал қилиб, унинг тарихини ўзининг «Силсилат-ул орифин ва таъкират ул-содиқин» (Доналар занжири ва Сидиқийлар хотираси) деган асариде баён қилган. Бу мукамал ёзилган асарда Хўжа Аҳрорнинг наслу-насаби, келиб чиқиши, ёшлиги ва фазилатлари ёзилган. Хўжанинг қабр тошидаги сўзлар ҳам бунга тасдиқлайди. Яъни қабр тошида ул кишининг фазилатларидан сўнг ёзилганки: «...Олимликда у (Пайғамбарнинг) ноибидур ва келиб чиқишда авлоди даражасига бориб, шайхлик йўлида (Пайғамбар билан) силсиланинг олтин занжирилар ила бирлашгандир; ота-бобо томонидан наслу-насаби Сиддиқга (Абу Бақри Сиддиқ — 1 халифа) бориб етадур; она томонидан эса Умарга (Умар ибн Ҳатоб — 2 халифа)га бориб етадур; (ундан ташқари) она томонидан баъзи сайидларга бориб етадур»... Фахриддин Али Ас-Сафининг «Рашоҳот айнул ҳаёт» (Ҳаёт қашмаларидан томчилар) асари 1504 йилда, Хўжа Аҳрор вафот этганларидан кейин ёзилган бўлиб, муаллиф Хўжанинг шахсан ўзлари билан бир неча маротаба суҳбат қуриб, кўп гапларни Хўжанинг ўзларидан эшитиб ёзиб олган. Бу китобда Хўжадан ташқари ул кишининг устозлари ва шогирдлари ҳақида жуда мукамал ахборот берилган.

Хўжа Аҳрорнинг таржимаи қолидан ташқари ул кишига тегишли мол-мулклар, дўсту душманлари ҳақида эса Хўжанинг издошларидан бири — Мавлоно Шайх ўзининг «Маноқиб» (Фазилатлар) китобида айтиб ўтди. Бундан ташқари Хўжа Аҳрори Вали ҳақида Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар ҳам асарлар ёзишган. Муаллифлар ўз асарларида Хўжанинг жуда катта нуфузи ҳақида; туганмас мол-мулки бўлса-да, жуда ҳам дарवेशона ҳаёт кечириниши ва камбағал-парварлигини; унга қарашли мулклар ва подшоҳлар ҳадясини ўзига олмай одамларга, мадрасаларга сарфлаб, ўзига эса томоркасида етиштирган мева-сабзавотлардан танавул қилишини ёзишган. Чунки сулуки Нақшбандиянинг бир рукин (руки — устун, таянч) шундан иборатки, четдан келган нарса ни эмай, лўқмини халол-поқ тутиб, ҳақга етиштирдур. Бундай фаилатлар ўша вақтлардаги пир умуридларга хос бўлган.

Вақномалардан бизга маълумки, Хўжа

Ахрор мадрасалар ва масжид ул-жомеларга катта-катта маблағлар ўтказганлар. Ваҳоланки, мадрасаларда, совет тарихшунослигида айtilганидек, ҳамма вақт ҳам хурофот илмлари ўргатилмай, балки илми ҳайъат (астрономия) хандаса (геометрия), риёзиёт (математика), ал-жабр (алгебра), тиббиёт (медицина), илми фикх (хуқуқшунослик), мантиқ (логика) ва аруз каби аниқ ва ижтимоий фанлар ҳам ўргатилган. Шарқнинг буюк олимлари Ал-Беруний, Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Ибн Кетини, Улугбек, Жомий ва Навоий каби алломалар ҳам ўз вақтида шундай мадрасаларда илм олишган. Демак, Хўжа Ахрор Вали ўзбек ва тожик қомуларида айtilганидек, маърифат душмани бўлмай, балки унинг равнаки учун бор маблағини аямаган ва уни ривожлантиришда хизмат қилган буюк инсондир. Самарқанд ҳокими Аҳмад Хожибек ибни Султон Малик Қошғари 860 (1455) йилда Хўжа Ахрор маблағига Сўзангарон дарвозасига олиб боровчи кўчада икки қаватли мадраса қурдиртирган. Хўжанинг боғи жойлашган Камангарон мавзесидagi Хўжага қарашли ерлар шу мадраса фойдасига вақфа айлан-тирилган эди. Ундан ташқари Хўжанинг маблағига «Масжиди Атторон» қурилган. XVI аср бошларида ушбу масжидга машхур адиб Васифий имомлик қилган. Хўжа Ахрорнинг «Шайхзода» дарвозаси ёнбошида жуда катта ҳовлиса бўлса-да, уни бошқаларга фойдаланишга бериб, ўзи доим Хўжа Говшир мавзесига яшаган. Мовароуннахр тақдирини подшо саройида эмас, балки Хўжа Ахрорнинг турар жойи Хўжа Говшир мавзесига ҳал қилинган. Бу ерда Хўжа Ахрор Нақшбандия сулуқи тарафдорларига хонақоҳ қуриб беради ва 895 (1490) йилда Камангарондаги боғида вафот этгандан сўнг, уни шу хонақоҳда дафн этишади. Хўжанинг қабрлари ёнида ўғиллари ва шоғирдлари ҳам кўмилган. Афғон шаҳзодаларидан бири Сардор Исҳоқхоннинг ҳам қабри шу хонақоҳ сатҳидадир. Бухоро хонлигининг энг нуфузли амалдори Нодир Девонбеги XVII асрда Хўжа Ахрорнинг даҳма-мозорлари ёнида мадраса қурдирган (1892 йилнинг декабрида Хўжа Ахрор мақбарасининг бош гумбази бузилиб, ағдарилиб тушган) Хўжа Ахрор Мовароуннахрнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жуда катта таъсир кўрсатгандир. Масалан, 1460—1461 йилларда унинг илтимосига кўра, Абу Саид Мирзо халқни жуда огир «тамга» солигидан озод қилган.

Ақсарият теурийлар Хўжа Ахрорга ва у вафот этгач, унинг фарзандларига иродатлари бор бўлиб, уни пир билишар эди. Хўжанинг вафотидан кейин 10 йил ўтгач, 1500 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандни босиб олиб, Ўрта Осиёда шайбонийлар давлатини тузгандан сўнг Хўжа Ахрорнинг фарзанди Хўжа Яҳё ва унинг икки ўғли Хўжа Муҳаммад Зикриё ва Хўжа Абдул Вақога Хуросон орқали хажга боришга рўхсат беради. Шайбонийхоннинг Қамбарбий ва Кўпайбий деган икки бекалари Хўжа Кордзан деган мавзеда Хўжа Яҳё ва унинг икки ўғлини шаҳид қилишади (Хўжа Кордзан, яъни хўжаларга пичоқ урилган жой дегани). Шайбонийхон айб ўзида эмаслигини исбот қилиш учун айбдор икки бекини қатл қилдиради.

**С**овет тарихшунослигида Хўжа Ахрор ва Улугбек мирзо масалаларида жуда кўп чалқашликларга йўл қўйилган. Ўнлаб йиллар давомида бу икки буюк зотларни бирини иккинчисига қарши қўйиб келганлар.

Аввало шунга айтиш керакки, Хўжа Ахрор ва Мирзо Улугбек учрашмаганлар! Хўжа Ахрор халққа танилгандан кейин, Самарқандга биринчи марта 1450 йилда келади (1427 — йилда Самарқандга келгани ҳисобга олинмайди, Чунки у вақтда у ёш йигитча бўлиб, ҳеч ким уни танимаган). Яъни, Улугбек ва унинг ўғли Абдулатиф мирзолар шаҳид бўлишгандан кейин, ҳокимият

Улугбекнинг қўёви ва жиъни бўлган Абдулло Мирзо қўлига ўтган вақтда келади. Лекин Абдулло Мирзо ўша вақтда ҳам Хўжани ҳатто қабул қилмайди. Демак, Хўжа Ахрор ўша — 1450 йилда ҳам подшоларга маслаҳат ва фатво бериб, таъсиру-таъзиқ ўтказиш даражасида машхур бўлмаган. Ўша вақтда Самарқанд шайх-ул-исломи Хўжа Мавлоно ибни Исомиддин бошчилигидаги руҳониятнинг қўли баланд келиб, Хўжа Ахрорни Тошкентга қайтиб кетишга мажбур этганлар.

Улугбек ва Абдулатиф низоларини авж олдириган шахс ҳақиқатдан ҳам тарихда бўлган. Лекин, ҳозирги давримизгача тарихчиларимиз томонидан бу шахс — Хўжа Ахрор деб нотўғри талкин қилиниб келинган бўлиб, аслида бу шахснинг номи — Мавлоно Низомиддин Хомушдир! Менимча, ўз вақтида Хўжа Ахрорни Улугбекнинг шаҳид бўлиш тарихига тикиштирган тарихчилар эски қўлёзмаларнинг «Хўжа Ахрор» деган бобини ўқиб, «Мавлоно Низомиддин Хомуш» деган бобини умуман ўқимай, ҳар сафар ташлаб кетишган бўлсалар керак. Ваҳоланки, эски қўлёзмаларда, масалан, Ас-Сафийнинг «Рашоҳоти айн ул-ҳаёт» асарига Улугбекнинг шаҳид бўлишига Мавлоно Низомиддин Хомуш сабабчидир, деб ёзилган. Улугбек мирзо ва Мавлоно Низомиддин ўрталаридаги адоват на диний ва на илмий бўлиб, фақатгина шахсий хусуматдан бошқа нарса эмасдир. Ўша вақтдаги Самарқанд шайх-ул-исломи Хўжа Мавлоно Исомиддин бўлиб, у Мавлоно Низомиддинни Улугбекка ёмонлаб, унинг устидан кўп игволар ёдирган (Кейинчалик Хўжа Мавлоно Исомиддиннинг ўғли — Мавлоно Бурхониддин ҳам отаси ўрнига Самарқанд шайх-ул-исломи бўлгандан сўнг Хўжа Ахрор устидан кўп игволар қилиб турган). Мавлоно Низомиддин Хомушини Богмайдонга чақиртириб, сўроқ қилиб камситган. Шундан кейин, бу икки зот ораларида адоват пайдо бўлган. «Рашоҳоти айн-ул-ҳаёт» да айtilганки: «Баъъ аз ин беодоби ба Мирзо Улугбек шикаст ва ташвиши бисёр расида ва дар он зуди писари вай Абдулатиф Мирзо омаду вайро бикўшт». Маъниси: «Улугбекнинг (Мавлоно Низомиддин Хомушини) беодобларча камситишларидан кейин Мирзо Улугбекка кўп ташвиш ва шикастлар етказилди ва тез фурсатда ўғли Абдулатиф мирзо келиб, уни (Улугбекни қатл эттирди)» Рашоҳот... 112-бет).

«Рашоҳот» китобидаги бу сўзларни муаллиф Хўжа Ахрорнинг ўзларида эшитиб, китобга қайд қилгани ҳам диққатга совибор.

дир. Мавлоно Низомиддин Хомуш замонасининг обрўли зотларидан бўлиб, кейинчалик Хўжа Ахрор у билан бир неча бор суҳбат қургани, Хўжа уни жуда хурмат қилгани ҳақида бошқа муаллифлар қатори Алишер Навоий ўзининг «Насойим-ул-муҳаббат» (Муҳаббатнинг ёқимли шабадалари) асарида ёзган.

Хўжа Ахрор ва Улугбек муаммоларини энг биринчилар қатори бузиб талкин қилган киши академик Бартольд бўлиб, унинг таъкидлашича: «Ўн бешинчи аср Ўрта Осиё учун икки дунёқарашнинг кураш замони бўлди. Бу дунёқарашлардан бирининг намояндаси Теурунинг невараси — Улугбек бўлиб, ўтмишда Теурунинг пойтахти — Самарқандда ҳукмронлик қилди. Иккинчи дунёқарашнинг намояндаси Нақшбандийлар бошлиғи Хўжа Ахрор бўлиб, Улугбек ўлимидан сўнг икки йил ўтгач, ўзининг диний обрўсини оғли солиб, сиёсий ҳокимиятнинг ўз қўлига олди ва Теурунинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди» («Улугбек расадхонаси», Уз.ССР ФА Тарих ва археологик институти, 5-том. Тошкент 1952 йил).

Шу ерда эътиборингизни Бартольднинг охириги жумласига, яъни «Хўжа Ахрор... Теурунинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди», деб таъкидлашига тортаман. Биринчидан, Хўжа Ахрорнинг Самарқанддаги ўнган фаолияти даврида фақатгина иккита подшоҳ — Абу Саид Мирзо (ҳукмронлиги 1451—1469 йиллар) ва унинг ўғли Аҳмад Мирзо (ҳукмронлиги 1469—1494) ҳукмронлик қилишган ва иккинчидан, бу иккала подшо Мирношхоннинг неваралари бўлиб, уларнинг (сохта эмас) ҳақиқий теурийларданлигига шубҳа йўқдир.

Бартольднинг ана шунақа фикрлари совет ва ўзбек олимлари, ёзувчилари томонидан яна ҳам «айлантирилиб» давом эттирилди. Жумладан, Қори Ниёзий ўзининг «Улугбек ва унинг астрономик мактаби» асарига (Т. Н. Ниёзий. Танланган асарлар — Избранное сочинение. VI том, 329-бет), Мақсуд Шайхзода ўзининг «Мирзо Улугбек» драматикасида ва кейинги даврлардаги олим ва адиблар ҳам шунақа хато фикрларга асосланиб, Хўжа Ахрорни Улугбекнинг ўлимига айбдор қилиб кўрсатишган.

Ҳаэрат Хўжа Ахрор Валидек беозор, маърифатпарвар ва халқпарвар буюк инсонни жоҳил одамга айлантириб, Улугбек Мирзонинг шаҳид бўлишида ноҳақ айблаш жуда катта хатодир. Бу тарихимизнинг мукаммал ўрганилмаганлиги оқибатидир.



— Ёмон куллар яхши бўлар, ёмон одам яхши бўлмас, Эш-  
матвой. —  
— Ҳа, жир битган олибсотар тутамас экан, турмуш яхши  
бўлмайди, Тошматвой.  
— Сураатташ Р. Нурибоев



**Б**у аёл билан биринчи марта 1989 йилнинг дастлабки ойларида учрашган эдим. Кўзлари чакнаб, бамисоли нур сочиб турарди, унинг нигоҳларига ҳар қандай одам узоқроқ тикилиб туришга чўириди. Даврадагиларга мурожаат қилиб айтаётган гаплари, нима десам экан, афсонавийроқ эди:

— Юртимизга янги хил кўшлар учиб келишяпти, — дейрди у ўша ўтли нигоҳларини узоқ-узоқларга қадаганча. Гўё у ўша — учиб келаётган кўшларни бемалол кўриб тургандек эди. — Улар бебаҳо кўшлар. Юртимизга эзгулик тилайдилар... Улар бузилган, айрон бўлган тоғлар бағридан учиб келмоқдалар... У кўшларнинг аждодлари қачонлардир бизнинг юртимизда яшаганга ўхшайди. Ҳа, тўғри, шунинг учун улар бу юртини яхши кўриб учиб келмоқдалар...

Сезаясизми, баайни эртақлардаги сеҳрли кампирларнинг сўзларини эслатади бу гаплар.

Гулчехра Саматова худди ўша учрашувда, бир маҳал, кўзларини юмиб, изтироб билан сўзлади: — Одамларимиз кўп азоб чекадилар... Э, худо, бу инсонлар биров-бировига мунчаям бераҳма! Ваҳшийлик-ку бу!.. Даҳшат!.. Кўп одам ҳалок бўлади...

Уша учрашувдан кейин, орадан қанча вақт ўтганини билмайман, таҳририят топшириғи билан жанубий вилоятларга бордим. Топшириқни бажариб — қишлоқ оралаб юрар эканман, аллақандай нотаъни қўшнинг сайраши қўлгомига чалинди. Қандайдир мунси, ўйга толдирувчи овозда узоқ-узоқ сайрарди. Қишлоқ кишиларидан сўрадим:

— Нима сайраяпти? Қанақа қуш бу ўзи?

— Қумри, — дея жавоб беришди қишлоқ кишилари. — Яқинда учиб келишди, илгари йўқ эди булар. Овозини қаранг, ёқимли-а?

— Ёқимли бўлганда қандоқ! Эшитиб тўймайди одам.

— Айти-ангори қанақа экан? — деб сўрайман ўша одамдан. — Қўрганмисиз?

— Ҳа, қўрганман, — дейди суҳбатдошим, — мусичадан каттароқ, кўкиртирма-ей. Каптарга ҳам ўхшаб кетади-ю, сал бошқароқ.

Анча ҳурқақроқ экан улар. Улкан тоғларга кўниб олиб сайрашгани-сайрашган...

Бейхтиёр қачондир эшитганим кўшиқдаги сатрлар ёдимга тушди.

**Булбул айтар:**  
гулдир менинг ошёним  
**Қумри айтар:**  
тоза ҳаво маконим...

Ва, ўша лаҳзаларда Гулчехра Саматованинг: «Юртимизга янги хил кўшлар учиб келмоқдалар», деган гапини эсладим. Аммо, афсуски... сал кейинроқ унинг яна бир гапи — даҳшатга тушиб, кўзини юмиб олганича айтганлари — ваҳшийлик, даҳшат, ўлим... ҳам юз берди... яъни, Ушдаги, Ушданга хунрезликлар содир бўлди.

Гулчехра Саматованинг рўёбга чиққан шу иккита гапи ҳақида ўйлаб ҳайратга тушаман... Нима бу ўзи? Башоратми? Билгирликми? Фолбилликми? Юз берадиган воқеани қандай қилиб олдиндан кўриш мумкин?

Бу саволларга жавоб беришдан аввал Карманадаги Арабсарой қишлоғига бир ров бориб келайлик. Маълумки, Гулчехра Саматова худди шу қишлоқда туғилиб ўсган. Сўнгра, ўрта мактабни тамомлашдан бир неча йил аввал, етимлик туфайли Тошкентга, холасиникига келиб қолган. Ҳам ўқиган, ҳам ўз номини ўзи топиб ейиши учун уриниб, сураткашликни ўрганган. Рўзномалардан бирида сураткашмухбир бўлиб ишлаган. Сиртдан ўқиб, дорилфунунни битирган. Бироқ, ўзининг айтишича, қаерга борса, нима иш қилса, руҳлар унга ҳамроҳ бўлганлар. Руҳларнинг кўмаги ва ундови билан бора-бора сураткашликни тарқ этишга мажбур бўлган. Ва ўша руҳлар ёрдамида одамларнинг тақдирдан, жамият ҳаётида юз берадиган катта-кичик воқеа-ҳодисалардан сўзлайдиган даражага етган.

Гулчехра Саматова ўзи туғилиб ўсган Арабсарой қишлоғига 80-йилларнинг ўрталарида борди. Унинг башоратчилигини, билгирлигини эшитган ҳамқишлоқлардан бир неча киши Гулчехра кўнган ховлига бирин-кетин ташриф буурдилар. Саматова ўзининг руҳлари ёрдамида кўз олдида намоён бўлган манзараларни айтаверди:

— Сиз биринчи марта аллақанақа ўтлар ичида ухлаб қолгансиз, касалингиз дастлаб шундан бошланган, — деди эрининг суёвида келган бемор хотинга. — Уша заҳарли ўтлар сизга ёмон таъсир қилган. Касаллигингизнинг иккинчи сабаби: сиз сўғабётганингизда парилар салгина дазиллашган ўтганлар — иккала ченагингиздан орқага тортганлар. Тўғрими?... Шунда қўрқансиз... яна бир гап: ўтирадиган ўйларингизнинг шифти қисирлаб турар экан...

Гап шу жойга келганда бемор аёлни эри бейхтиёр:

— Қисирлайверишидан безор бўлиб бошқа хонага кўчиб ўтдик, — деди.

— Ҳа, ана қўрдингизми? — деди Гулчехра Саматова. — Қисирлашнинг сабаби: тахмонингизда битта ойна бор, жуда кўҳна. Ундан ташқари, тахмондаги дорда жуда эскириб кетган тумор осиглиқ турибди. Туморнинг ёзилганига жуда кўп йиллар бўлган. Уни ёзиб берган одам гўрида чирқираб ётибди... Туморни ҳам, ойнани

ҳам олиб чиқиб, сувга ташлайсизлар. Ана шунда уйингизнинг шифти қисирламайдиган бўлади. Касалингиз аста-секин тузалади...

Эр-хотин чиқиб кетишгандан кейин бошқа бир аёл уларнинг ўрнига келиб ўтирди.

— Эрингиз анчадан бери касал экан-а, тўғрими? — деди Саматова дабдурустдан ўша аёлга. — Шифокорлар тузатадиган касал экан, эссизгина, вақтида қаратмабсизлар-да. Вақтни ўтказиб юборибсизлар, энди фойдаси йўқ. Тақдирга тан беришдан бошқа илжингиз йўқ, опажон...

Аёл пиқиллаб йўғлаганича чиқиб кетди.

— Жиянимга фол очиб кўйсангиз, — деди учинчи аёл.

— Жиянингиз аёл киши экан, — деди башоратчи. — Ёшгина жувон, ўзи оппоққина, сочлари узун. Эскичадан касал бўлган — дуо едилган. Қаратинглар, тузалиб кетади. Лекин... жиянингиз тузалиб кетади-ю, оиласида бошқа бир фалокат рўй беради. Жиянингизнинг эри — куёвингиз формада кўринаяпти — ё ҳарбий киши, ё милиционер. Уша киши автомобил ҳалокатига учрайди...

Эртасига Гулчехра Саматовани Кармана тумани милициясига чақирдилар. Уни қамалмоқчи бўладилар, ўзларича сўроққа тутадилар — давр шунақа эди-да унда, табибларга, дуохонларга, билгирларга, фолбилларга қарши кўр-кўрона кураш олиб борилавериларди... Қисқаси, «жикноятчи» Гулчехра Саматовани дўк билан сўроқ қилишга ҳезлиниб келаётган милиция бошлиғи тўсатдан юрак санчиғи учрайди... уни тинч қўядилар. Эҳтимол бу ишда ҳам Саматовага руҳлар ёрдам бергандир?

Биз Гулчехра Саматовадан билгирлиги-башоратчилигининг сабаби нимадалигини сўраймиз.

— Ҳамиша руҳлар орасида яшайман. Улар жуда тоза руҳлар. Инсонларга ҳаммиса яхшилик истайдилар, — дея сўзлай бошлайди башоратчи. — Фақат одамлар улар ҳақида ёмон гаплар ўйламасинлар, ёмонлик соғинмасинлар. Чунки улар бизга меҳрибон. Яна айтаман: улар билан бўлар-бўлмас ҳазиллашиш, уларнинг қаҳрини келтириш мумкин эмас. Уларда куч кўп. Худо кўрсатмасин, улар қаҳрга минсалар, ҳар қанақа шайтонни йўналтириб юборишлари, қаергадир, кимгадир ғорат келтиришлари мумкин. Раҳм-шафқат қилсалар ҳар қанақа балонинг олдини олишлари мумкин. Мана, масалан, Ироқ атрофидаги гапларни олинг (суҳбатимиз уруш очилади деб эълон қилинган кундан олти кун аввал, яъни 8 январда келтирилган эди). Руҳлар чинакаммига киришсалар, икки томонни ҳам инсофга келтира олсалар уруш бўлмайди. Манманлик, шаккоклик, зўравонликни кўрсатиш голиб келаверса, мудҳишят юзага келади.

— Сизга одамларнинг тақдири, бундан кейин юз берадиган воқеалар қандай аён бўлади?

— Мен ҳузуримга келган бирор кишининг бахти, тақдирини билишни истасам, кўзимни юмиб, руҳларимга илтижо қиламан. Шунда менинг кўз олдимда истаганим намоён бўлади. Баъзи воқеалар аниқ кўриниб туради, баъзилари рамзийроқ кўриниш беради... Яқинда, уйда ҳеч ким йўқ эди,

кўзимни юмиб, шундай бир манзарани кўрдим: чуқур ва кенг қудуқ ичида ўн-ўн беш нафар ўзбеклар юқорига чиқишга уриниб ётишибди. Ҳар қанча уринишса ҳам чиқишнинг ҳеч иложини топишолмайдди. Бунинг нималиги ўзимга ҳам номаълум эдию барибир воқеа даҳшатли эди. Кўзимни очиб, дуо ўқидим, худон таолодан, руҳлардан сўрадимки, ўрадагилар ким бўлсалар ҳам, қаерда бўлсалар ҳам, эсон-омон қутулсинлар... Дуою илтижодан сўнг яна кўзимни юмдим. Ҳалиги ўра яна кўз олдида намоён бўлди. Бу гал ҳалиги одамлар ўрадан қийинчиликсиз, осонгина чиқиб борардилар. Бир неча кундан кейин пахта бўйича ноҳақ қамалган чироқчилик дехқонларнинг озод этилганларини овознигордан эшитдим...

— Руҳлар сизга қай тарзда кўринадилар? Кўринадиларми ёки воқеаларни шивирлаб сўзлайдиларми?

— Ҳали айтганимдек кўзимни юмиб, илтижо қилганимда ёнимда пайдо бўладилар. Улар учун эшик ёки деразанинг очиқ бўлиши ҳам шарт эмас. Панжарали деразадан ҳам кириб келишаверадилар. Нуроний чоллар, кампирлар, содда, самимий қизлар сиймосида кўринадилар: ҳар вақтда ҳар хил. Имо-ишора билан гапирдилар, бундай иш қилгин, бундай дегин, маъносида, насихат ҳам берадилар. Аммо, менга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб юрадиган бир кампир бор: мунис, меҳрибон, оддий камзулда юради, ҳамиша менга қараб туради, лекин гапирмайди. Эсимни таниб-танимасимдан бери билман. Хафа бўлган пайтларимда ҳамиша атрофимда парвона... Уч-тўрт ёшларимда челақ билан сувга чиқиб, тешилган муз тагига тушиб кетганман. Атрофда ҳеч ким бўлмаган. Ушанда биринчи марта кўрувдим шу кампирни — мени қутқариб қолган эди. Шундан бери доимо менга қайғудош. Менга туққан онамдек азиз у киши.

— Булғориядаги башоратчи аёл Вангага нисбатан муносабатингиз қалай?

— Муносабат яхши. Унга тан бериш керак, гаплари тўғри. Лекин ўзи билан учрашганим йўқ. Бир гал уни тушимда кўрдим. Бир-биримизга рўпара ўтирдик, аммо гаплашмадик. Уша кунларда тўрт-кўллик ҳамкасабам Гулзира Эшимбетова ҳам Ванга иккаламизни тушида кўрибди. Иккаламиз ёнма-ён ўтирган эмишимиз-ку аммо гаплашмас эмишимиз. «Сенда ҳам, Вангада ҳам қандайдир нурланиш бор», деб айтди Гулзира...



Гулчехра Саматова ўз сўзининг охирида Амриқо қитъасида келажакда юз бериши мумкин бўлган бир табиий офат ҳақида сўзлади. Кўпчилики ҳаяжонга солмаслик учун қаерда ва нима юз беришини ҳозирча айтмай қўя қолдик.

Башоратчи деймизми, билгир деймизми, ҳар қалай, Гулчехра Саматова ҳақида ўйлаганда: «Ванга сингари бутун дунёга номи чиққан башоратчилар бизнинг заминимизда ҳам пайдо бўлиши мумкин эмасмикин?» деган гап кўнгилдан кечади. Нима бўлгандаям ҳар қандай одамимизнинг қадрига етишимиз керак-да. Ана шунда руҳлар бизга яна ҳам меҳр-оқибатли бўлиб қоладилар.

Оқилжон ҲУСАН



Номозхонлик.



Бухоро. Мир Араб мадрасасининг имоми Салоҳиддин Шарифхон ўғли (ўнгда) ва кироат илми мударрисси Мўминжон Абдуллажон ўғли аҳли толиблар даврасида.

Суратқаш Р. Нурибобов

**К**ейинги йилларда баъзи бировлар иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришнинг машғум йўли «Бола туғишни камайтириш» режасини ишлаб чиқармоқчи бўлдилар. Бу режа замирида ётган мақсаддан кўра риёлироқ ва қабоҳатлироқ нарсас бўлмас керак. «Оилани режалаштириш» ғоясини Урта Осиёда илгари суриб, унга эришишни ўйлаган кишилар Фарғона, Уш, Наманган, Паркент фожиясини ташкил этган, халқимизга тухмат қилганлардан ҳам мунофиқдордирлар. Чунки, бу режани тузаётганлар ҳали туғилмаган халқимиз наслини туғилмасдан турибқоқ дунёга келтирмасликни ўйладилар. Ушбу машғум мақсад Урта Осиёда яшаётган ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз халқларининг ўсишини тўхтатишга қаратилган. Равшан қилиб айтганда, бу халқларнинг сони мунофиқона йўллар билан камайитириш истагига юзага келган.

Биринчидан, «кам фарзандлик» Урта Осиё халқлари табиғатга ёт нарсас. Иккинчидан, бу Урта Осиёда яшаётган ўзбек, тожик, қирғиз, туркман халқларининг муаммоси эмас. Чунки бу халқлар бошқа халқлар сингарини унчалик кўпайиб кетган ҳам эмас. Мамлакатимиздаги туғилиш суръатлари даражасини кўрсатиб тузилган жадваллар эса нисбийдир. Масалан, бу жадвалларга кўра, туғилиш Убекистон ёки Туркменистонда Иттифоқимизнинг Оврупо қисмидаги жумҳуриятлардагидан юқори бўлиши мумкин. Бироқ, бошқа жуда кўп мустақил мамлакатлардагидан паст ёки уларга тенг даражададир. Учинчидан, Урта Осиё жумҳуриятларида туғилишнинг юқорилиги унинг табиий иқлим шароитига ҳам боғлиқдир. Тўртинчидан, «туғилишни режалаштириш» бизга эмас, балки биринчи навбатда аҳолиси бениҳоя кўпайиб кетган мамлакатларга зарурдир. Негаки қадимий бой маданият ва узок ривожланиш тарихига эга бўлган ўзбек халқи ҳозир атиги 14 миллион киши атрофида. Бошқа халқларни қўшиб ҳисоблаганда жумҳуриятимиз аҳолиси 20 миллиондан ортиқ. Худудимиз майдони 447000 квадрат-километрдир.

Энди сиз мана бу тафовутларни қаранг. Вьетнам худудининг майдони 332000 квадрат-километр, аҳолиси эса 56 миллион киши. Италия худудининг майдони 301200 квадрат-километр, аҳолиси — 57 миллион киши. Англия худудининг майдони 244100 квадрат-километр, аҳолиси — 56 миллион 200 минг киши. Япония худудининг майдони 372500 квадрат-километр, аҳолиси — 120 миллион киши.

Ахир дунёдаги мамлакатларнинг ер майдони ва аҳолиси шундай нисбатда турганда Ўзбекистоннинг ҳозирги аҳолисини кўп деб бўлади? Ўзбекларда туғилиш суръати юқори, деб бўлади? Бу сиёсий найранг-бозлик, қаллоблик, муттахамлик эмасми? Ахир туркий халқлар тарихда юқорида тилга олинган мамлакатларини қайси биридан кам бўлган эди? Еки қайси биридан кучсиз саналган эди?

Урта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi, мустамлака қилиб асоратга ташлашини уни шу аҳволга солиб қўйди. Бизнинг жумҳуриятимиз Улуғ Октябр инкилобига қадар эллик йил мобайнида мустамлакачилар зулми остида эзилди, маданият ёдгорликлари йўқ қилинди, таланди. Аҳолиси эса киргин қилинди. Оғир қўллик меҳнат билан қадди буклиди ва ўсиши пасайиб кетди. Инкилобдан кейин яна етмиш йилдан ортиқ вақт ўзтибди, ҳамон аҳволни ўнглаб ололмаямиз.

Нима учун? Чунки Чор мустамлакачилари ўзларининг империалистик мақсадларини кўзлаб юртимизни хомашё базасига айлантирган эдилар. Шунинг учун сув текин пахтани қўлга киритиш мақсадида пахта-

# СЕРФАРЗАНДЛИК ГУНОҲМИ?

зорлар кенгайтирилаверди. Боғлар, яйловлар, йўқ қилинди. Пахта якказироатчилиги юзага келди. Совет ҳокимияти йилларида — Сталин ҳукмронлик қилган 31 йил давомида пахта якказироатчилиги янада кучайди. Айниқса, турғунлик йилларида — 1964—1984 йилларда бу ҳолат дахшатида тус олди. Хутор системасини тугатиш тўғрисидаги қарор асосида жумҳуриятимиздаги минглаб қишлоқлар йўқ қилинди. Уларнинг ўрнига ҳам пахта экилди. Натижада аҳоли бир парча ерга зор бўлди. Уй-жой танқислиги кучайди. Одамлар минг уқубат билан, 3,5—4 сотих ер майдони олардилар. Бу аҳолининг ўсишини сунъий равишда сустлаштирди. Ойларлар бир томондан турар-жой танқислигидан сиқилган бўлсалар, иккинчи томондан уларни озик-овқат етишмовчилиги заифлаштира бошладилар. Гўшт, сут ва мева сингари инсон учун зарур неъматлар етишмовчилиги бошланди. Уларнинг нархи кўтариллиб кетди.

Оқибатда бир тарафдан яшаш учун етарли шароит бўлмагани, иккинчи тарафдан озик-овқат танқислиги туфайли аҳоли орасида турли касаллиқлар кўпая бошладилар. Бунда пахта етиштириш учун қўлланилган заҳарли моддалар янада ҳалокатлироқ таъсир кўрсатди. Болалар ўлими кўпайди. Оналар камкувват бўла бошладилар. Учинчи тарафдан уларни даладаги режага солинмаган оғир меҳнат ҳаддан зиёд толиқтириб қўйди. Бу нуқсонлар эндиликда қайта куриш сиёсати туфайлигина бартараф этилмоқда.

Айримлар эса оналарнинг касалланганини ҳам, болалар ўлимини ҳам, қўйинг-чи, барча ижтимоий муаммоларни кўп туғиш билан боғлаб сафсата сотадилар. Ута беақлик ва калтафаҳмлиқ билан донолик қилмоқчи бўладилар. Ҳамма гап борлик ва тўқлик. Масалан, ўнта ва ундан кўп фарзанд кўриб, соғ-саломат дуркун яшаётган мўътабар онахонларимиз жуда кўп. Улар фарзанд тарбиясини ҳам жуда ўрнига қўйишади. Бу мушфиқ аёлларнинг кўпчилиги хатто ишлайдилар ҳам. Аслида уларни ўз уйларида тарбиячи қилиб расмийлаштирса ҳам бўлаверади. Кўпчилик серфарзанд оилалар ҳаётини кузатиш шунки кўрсатмоқдаки, бундай оилادا вояга етганлар софдил ва меҳнаткаш одам бўладилар.

Ҳамама гап шундаки, уларга давлат томонидан етарли шароитлар яратиб берилса бас. Серфарзанд оилалар кўпроқ имтиёз олишлари шарт ва зарур. Бу ҳар тарафлама қонунийдир. Жумҳуриятимизда бу соҳада ижобий ишлар қилинаётганлиги айниқса таҳсинга сазовор бўлаётир. Афсуски, узок йиллар мобайнида жумҳурият аҳолисининг ўсишини ҳисобга олиб, етарли шароитлар яратилмади. Турар-жойлар, боғчалар, шифохоналар қуришдан кўра кўпроқ қандай қилиб пахтани кўпайтириш ҳақида ўйланди. Оналарнинг камқонлиги, болалар ўлими ва касали кўплиги гўшт, сут мева сингари неъматларни кам истеъмол қилиш билан боғлиқ эди.

Агар жумҳурият далаларида зарур даражада озук ақинлари экилса, пахта имконият даражасида қолдирилса, гўшт деганининг килосини бир йилда 2 сўмга тушириш мумкин эмасми? Ҳозир киши пайтларида килосини 4-5 сўмдан сотилаётган мева яна 30-40 тийинга тушмасми? Албатта шундай бўларди. Лекин ўзбек халқининг ўлиб тириляётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шунинг учун ўз ватанимизда ўз еримизни, ўз меҳнатимизга, ўз пахтаимизга ҳақимизни тила олмоқдамиз. Пахта ва пиланинг харид нархи оширилмапти. Бундай аҳволда катта миқдордаги маблағ талаб қиладиган ижтимоий масалаларни ҳали-бери ҳал этиш қийин.

Аслида аҳолишунослик (демография) фанидан ижтимоий муаммоларни ҳал этишда самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун ҳалол ва холис бўлиш керак. Бу фан орқали аҳолининг ўсишини ўрғаниб, олдиндан келгусида қанча турар-жой биноси, неча ўринли мактаб ва болалар боғчалари, тиббиёт муассасаларини қуришни билиш мумкин. Шундай тарзда ёндошилгангагина юзага келган муаммоларни тўғри ҳал этиш режаси юзага келади.

Серфарзандликнинг нимаси ёмон? Айниқса «оилани режалаштириш» сиёсатининг тишга теккан эгй нозик жойи шундаки, биз серфарзанд оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ўрнига, туғишни камайитрайлик, деб шармандалик қилдик. Яхшиямки жумҳуриятимизнинг янги раҳбарлари бундай сафсатаболикка чек қўйдилар. Улар қуруқ гапдан кўра амалий ишни афзал билдилар. Вугунги кунга келиб кўп болали оилаларга ва аёлларга эътибор кескин ўзгарди.

Ўзбекистон ССЖ президентининг фармонига биноан ўтган йили 1-5 синфларнинг ўқувчиларига бепул нонушта уюштириш учун 64,4 миллион сўм, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомилалар аёлларга озик-овқат ва дори-дармон бериш учун 36,6 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, аҳолининг даромадлари кам табақалари ижтимоий жиҳатдан муҳофиза қилинишини таъминлаш учун 1990 йил маҳаллий бюджет ҳисобидан 142 миллион сўм сарфланди. Бу тадбирлар оз бўлса-да кўп болалик оилаларга кўмак бўлди.

Агар халқимиз янада тўқроқ ва фаровонроқ яшаганда эди, оналар ва болаларнинг касали ва ўлими ҳақида гап ҳам бўлмас эди. Бу «оилани режалаштириш» деган раиалона мақсадга баҳона ҳам бўлмасди. Яна бир гапга тегадиган нарсас бор. Бу ўзбек оилаларининг ички ишига ташқаридан бошқаларнинг, бошқа халқ вакилларининг беҳаёлик билан арашлаганидир. Нечта туғиш, қанча фарзанд қўриш оналарнинг ўз хоҳиши. Ҳар бир оиланинг ички ишидир.


Абдулла ЖАЛИЛ

Наманган

Хаёт  
болалар  
билан  
ширин

Сураткаш

Р. Нурибоев



# СУВАЙДО



амол хазон-резгиларни у кўчадан бу кўчгага ҳайдаб юрипти. Бегим кунни бўлишига қарамай одамларнинг қораси кўринмайди. Қорамтир булут қоплаган ҳаводаги тундлик кишилар қалбига ҳам кўчган, ҳеч ким бир-бири билан очилиб-сочилиб гаплашмайди. Иложи борича биров-бировдан ўзини олиб қочади. Ҳали бу маҳалладан, ҳали у маҳалладан баъзиларни «халқ душмани» деб ҳибсга олиб туришибди. Одамлар ваҳима ичида қолишган. Ҳамма ёлғиз яратганнинг ўзидан нажот кутади. Болаларнинг қарогиди кўрқув жовдираб туради.

...Бу сафар қора шарпа Форобий ва «Учқун» номли мактабларда директор бўлиб ишлаган, 1937 йилдаёқ Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган жугрофия муаллими Илҳом Одиллий хонадонини танилади... Тунда кириб келган кишилар аввал уй ичини роса тинтишиди. Тергашди, кейин... муаллимнинг қўлларини банд этиб олиб кетишди. Муштина рафиқаси, бир этак фарзандлари доду фарёд деб қолаверибди. Кутушдан, суриштиришдан бирон-бир фойда бўлмади. Биров бировдан нима бўлапти, нега Илҳом домлани қамашибди, деб сўрашга кўрқарди. Жабрдийдалардан хабар оладиган одам йўқ. Ҳамма ҳам ўзининг тинчи бузилишидан хавотирда. Яқдил бўлиб курашишга, бош кўтаришга журғат йўқ... Фалокат ана шундай қилиб битта-битта, секин-секин кўп хонадонларни зор қақшатарди.

Хўш, Илҳом Одиллий ким эди? Қандай эзгу ишлар қилган эди? Қўйида шулар ҳақда ҳикоя қиламиз.

1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган Илҳом ғишт заводидида оддий ишчи бўлиб ишлайдиган Одил аканинг тўнгич фарзанди эди. У дастлаб эски усул мактабига ўқишга борди. Мактабда беш йил таҳсил олгач Хўжааҳрор мадрасасида сабоқни давом эттирди.

Илҳом мадрасада тўққиз йил астойдил ўқиди. Қуввайи ҳафизаси таниқлашди. Оқ-қорани таниди. Билими ошди. Дастлаб, 1912 йили Тошкентдаги рус-тузем мактабидида ўзбек тилидан сабоқ берди. Ишлаш жараёнида Илҳом Одиллий билимини, қобилиятини тинмай оширарди, тинмай ўқи-ўрганарди.

1917 йили Форобий номли янги усулдаги мактаб очилгач, Илҳом Одиллийни директор қилиб тайинлашди. Мактабда ўқитиш, ўқитиш ишлари яхши борарди. Ўқувчиларни илмли, ҳунарли қилиш ягона мақсад эди. Ҳатто муқовачилик, кулолчилик, этикдўзлик, дурадгорлик ва тикувчилик курслари очилди мактаб қошида. Ўғил ва қиз болалар алоҳида гуруҳларга бўлиб ўқитиларди.

Ундан кейин 1924 йилда «Учқун» мактабига директор бўлиб ўтган Илҳом Одиллий айнан шу усулда ёшларга илм беришни йўлга қўйди. Эл орасида обрўси ошди. Маҳаллаларда саводсизликни тугатиш курслари ташкил этиб, кўпгина катта ёшли кишиларни, хотин-қизларни мактабларга чорлади. Илҳом Одиллийнинг ўзи шу мактабда жугрофия фанидан дарс берди. У ўзига жуда талабчан бўлиб, бошқаларни ҳам шундай бўлишга чорлар эди.

Домла ўз ўқувчиларининг хулқ-атворини, характерини ўқишнинг биринчи кўнидан оққозатарди. Дарсни ўзлаштириши, юриш-туриши, уй шароити билан қизиқарди. Уйларига борарди, ота-оналари билан суҳбатлашарди. У киши шу даражада ўз ишига муҳаббат қўйган эдики, ўз ўқувчиларининг «қолоқ» бўлиб қолишига йўл қўймастди.

Илҳом Одиллий ҳалол, покиза, оқ кўнгул инсонпарвар киши эди. Домланинг кўпгина шогирдлари ҳамон давраларда устоз ҳақида илиқ хотираларини ҳикоя қилиб беришади. Айни пайтда улардан академиклар, ёзувчилар, турли хил бошқа соҳаларнинг билимдонлари етишиб чиққанлар.

Илҳом Одиллийни, шунча фазилатлари, эзгу ишлари бўлишига қарамай, «халқ душмани» сифатида нега ҳибсга олиниди экан, дерези. Айтишларича, 1937 йил ағлочи муаллимлар иштирокида Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг ўша пайтдаги раҳбарлари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан учрашиб суҳбатлашади. Шу сабабли ҳам уни, ҳеч қандай гуноҳсизлигига қарамай, қилмаган гуноҳлари учун қамайдилар. Илҳом Одиллий оғир қийноқлардан кейин, ўз юртидан олисда Домбов — Волга қурилишида 1942 йили вафот этгади. Оила аъзолари унинг ўлимини 1957 йилда гуноҳсиз деб батамом оқланганидан кейин эшитдилар.

Илҳом Одиллий домланинг тўққиз нафар фарзанди бор эди. Афсуски баъзи фарзандлари ота дийдорига тўймай ҳайвондан кўз юмибди. Ҳаётлари эса не-не азов-қубатларни бошидан ўтказиб улғайишди. «Халқ душманининг фарзанди», деган лағнати тажани елкаларидан соқит қилишганга қадар қийналишди. Бахтли ва қувончли кунларни ҳам кўришди. Лекин бир кам дунё деганларидек, Ота дийдори қўймаган қолгани уларнинг ҳар бирининг қалбиди қора доғ — Сувайдо бўлиб қолаверди.

Сиддиқ АСКАРОВ,  
доцент, халқ маорифи ағлочиси,  
меҳнат ветерани.



Ҳамроқул РИЗО



## Хогира

(1925 йилда Ўзбекистон Ер комиссари, кейинчалик Тожикистон ССЖ Олий Совети Президиумининг раиси, 1938 йилда Сталин шахсининг қурбони бўлган хўжандлик Абдурахим Ҳожибоевга бағишланади).

Қимирлагач Сталиннинг кўксидаги илони,  
Хибса олинди шунда Хўжанднинг чин ўғлони.  
Балки, шунда титраган унинг қўли-оёғи,  
Она бағрини эзди фарзандининг сўроғи:  
«Отам қани, онажон, наҳот, у қайтмас энди?  
Хўжанд лолаларини эртақда айтмас энди?»  
Жавоб ўрнига она кўзларига олди ёш,  
Шу кун тоғдан қўлади минг йиллаб тек турган тош.  
Шу кун она кўксиде аччиқ аламлар қотди,  
Кечагина тирик эр кўзини тупроқ ёпди.  
Шу кун йиғлаб куйланди Рўдакий ғазаллари,  
Шу кун қаро кийдилар Хўжанднинг гўзаллари.  
Шунда яшагани у кутлуғ орзуни кўзлаб,  
Шунда яшаган у Жомийдан ҳикмат сўзлаб.  
Сирдарёнинг бўйида боққан эди ойларга,  
Термулмоқни севарди баҳор келгач сойларга.  
Заҳарли ўқ отилди юлдузалар чиққан тунга,  
Шайтонга дарс берувчи Сталин айбдор бунга.  
Сталин хиёнати уни ғамга чўқтирди,  
Кўзларидан ёш эмас, қора қонни тўқтирди.  
Қулоқ соломмай қолди яқинлари додига,  
Эътибор ҳам қилмади конвойлар фарёдига.  
Айтинг, инсоннинг бағри шунчалик тош бўлурми?  
Гуноҳкорлар соғ юриб, гуноҳсизлар ўлурми?  
Уша кунни йиғлади Хўжанд кирада шамол,  
Фарзандлар этагини тирнаб, бўзлади хаёл.  
Умр йўлдошин эса ўпкаси ларсиллади,  
Тош аро қолган каби суяғи қарсиллади.  
Йиллар ўтди ва лекин Хўжанд уни йўқлайсан,  
Сталинни отгани милтигингни ўқлайсан,  
Лекин уни отолмай жигаринг сирқирайди,  
Бу кун Хўжанд боғида ўриқлар ялтирайди.

## Чавандоз

## Сўзлайин

Дилда меҳр бўлиб қолган  
Изларингдан сўзлайин,  
Бир маҳал севдим деган  
Сўзларингдан сўзлайин.  
Муҳаббат саҳросида  
Офтоб бўлиб, чўғ бўлиб,—  
Жисми жоним куйдирган  
Еаларингдан сўзлайин.  
Ранги-рўйим заъфарон —  
Ҳазонга айлантирган  
Шафқат нелигин билмас  
Кўзларингдан сўзлайин.  
Юрагим тўридаги  
Ведаво ул ярамни  
Қайтадан яра этган  
Ўзларингдан сўзлайин.  
Муҳаббат уммонида  
Оқ патлари ёқутдай —  
Кўзимни қамаштирган  
Ҳозларингдан сўзлайин.  
Қаронғу кечаларда  
Қолдирмайин фироқда  
Нурли тонга чорлаган  
Созларингдан сўзлайин.

Олмалининг сойида  
Бошланди бир кўпқари.  
Кўпқарини кўрай деб,  
Келди одамлар бари.  
Муқим чапдаст чавандоз,  
Ўт тўлган кўзларига.  
Бургутга айланар у  
Қон тепса юзларига.  
Отин солди даврага  
Елларида ёнди ўт.  
Ҳамла қилди улоққа  
Эгар устидан йигит.  
Олиб кетди улоқни  
Маррага елдай учиб.  
Гўё сарғиш бир олов  
Кетарди шухрат кучиб.  
Шунда Муқимнинг оти  
Бирдан чўккалаб қолди.  
Уятдан Муқим отнинг —  
Бўзига пичоқ солди.  
Аламдан титраб лаби  
От жон берди ўша зум.  
Курашда қоқилмоқни  
Еқтирмас эди Муқим.

## Ёлғиз аёл

Бир йигитни севганди, ичди-ю сувга чўқди,  
Иккинчиси — геолог, бир кунни тоғдан учди.  
Елчимади севгига, қаро бўлди қисмати,  
Болишини куйдирди тунда дилин ҳасрати.  
Ёлғиз ишлар. Ҳисобчи. Чўтни қоқиб толади,  
Бир кун уни, албатта, кимдир севиб қолади.  
Бугун эса ёлғизлик тугиб турар қўлини,  
«Ёлғизман», деб айтган сўз куйдиради тилини.  
Хонадонда эркаксиз ўтган умрлар бекор,  
Изласанг-у топмасанг, тинмас юрагинг бемор.  
Ёлғизлик сочларига маҳкам бойланиб олган,  
Кам гапу ўйчанликка бу ҳол айланиб қолган.  
Хонага ёлғиз кириб, хонадан чиқар ёлғиз,  
Бу ҳаракат билинмай бағрига санчар бигиз.  
Шу боисми, кўзида ҳалқа ёшлар тизилгай,  
Кинога борса йўлда мунчоқлари узилгай.  
Зоминда ётган тошлар ёлғиз аёл бошлари,  
Булоқлардан оққан сув ёлғиз аёл ёшлари.  
Унинг айтган қўшиғи дил эзгучи бир дарддир,  
Ким тушунса қайғусин ўша дунёда марддир.  
Ўғли бор аёлларга ҳанас билан қарар у,  
«Нега мен ундай эмас?» деб ўзидан сўрар у.  
Лекин бу саволига жавоб тополмас бирдан,  
Маюс тортар, нороза ўтаётган тақдирдан.  
Кўнгли доим синикдир гарчи тан бўлса ҳам соғ,  
Ёлғиз аёл яраси ой юзида турган доғ.  
Қўрғошиндай оғирдир ёлғизликнинг кунлари,  
Кунлар майли, зуандир ёлғиз аёл тунлари.  
Туриб кетмас оёққа умидсиз бўлса бемор,  
Кўзингга ранг бахш этиб қайта келади баҳор.  
Шу боисдан қалбингни тарк айламасин умид,  
Бир кун кирар хонангга сен йиллаб кутган йигит,  
Ёлғизлик изтироби чекинади ўша он,  
Учиб кетар қўшлардай дилиннга чўккан армон.

## Аббоснинг ўғли ҳақидаги ўйлари

Мен ўғлим ҳақида узоқ ўйлайман,  
Уйлаб туманларга тўлади ичим.  
Қоним ҳурматини эътиқод билан  
Оқлай деб яшарми менинг ҳам ўғлим?!  
Қувонч беражогин биларми заҳмат,  
Рақиблар юзига боқармикан тик?!  
Бугун кўчаларда у йўқотлар вақт,  
Кайфу сафолардан қидириб шодлик.  
Мен вақтнинг баридан тутиш пайида,  
У-чи, азоб чекар вақт ўтказолмай.  
Эшиги кулфланган клуб олдида  
Вақтим ўтсин дея турар эринмай.  
Сигара тутуни оқиб қалбига  
Кўзига кўчади заҳарли излар.  
У чеккан сигара менинг наздимда  
Тутаётган умр, қоврилган ҳислар.  
Эртага дўслари билан у, хайҳот,  
Овлоқда ароққа узатади қўл.  
Муруват эшигин ёпади ҳаёт,  
Ахир, ароқ — сўнги жарлик томон йўл.  
Ҳиссиз яшамоқлик даҳшат нақада,  
Азоблар ичида ингранар танам.  
Зарра кўз ёш тўкмай турар бундайлар.  
Ҳатто ўз онасин мотамида ҳам.

## Сендан бир сурат қолган

(Номаълум жангчи  
онасининг айтганлари)

Сочим оқдир ситамгар бошда,  
Рангларини ғам-ҳасрат олган.  
Афрон кетдинг ўн саккиз ёшда,  
Ўғлим, сендан бир сурат қолган.  
Мен суратга йиғлаб боқаман,  
Дард селида тинмай оқаман,  
Ўзни ўтда минг бор ёқаман,  
Ўғлим, сендан бир сурат қолган.  
Сени ўғлим дер эди баҳор,  
Сени ёрим дер эди Дилдор,  
Бу орзулар бўлдилар бекор,  
Ўғлим, сендан бир сурат қолган.  
Бирор хабар сендан келмади,  
Қайдалигинг онанг билмади,  
Набиралар менда бўлмади,  
Ўғлим, сендан бир сурат қолган.  
Кўзларимга санчилиб тикан,  
Бу дунёдан бир кун ўтаман,  
Суратингни олиб кетаман,  
Ўғлим, сендан бир сурат қолган.

Гулистон



Шифокор М. Аҳмедова ўз тасарруфидаги хонадонларда тез-тез бўлиб туради.



**Ё**п-ёруғ олам, ғам ва шодликларга ўралган ҳаёл. Юз йил, минг йил яшасанг ҳам тираб турган қўлларнинг ширин ҳаётнинг оппоқ бағрини чангаллаб туравери...  
 Ҳаёллар оғушида келаётган Муҳаббат опа гўдакларнинг «инга» — «инга»сидан ҳушёр тортиди. Негадир шу лаҳза уларнинг йиғиси унга олис ўтмишни эс-латди...

Саратон эди. Муҳаббат ковушига тўлиб қолган тупроқни тўқаркан, имиллаб судралаётган офтобга қаради. Шу пайт қайдандир шу атрофдаги эгатлар орасидан аёл кишининг интрагани эшитилди. У қуюқ гўзалар оралаб овоз келган томонга талпинди. Оғриқнинг зўридан ўрнидан туролмай қолган жувонни кўрди. Аёلнинг аламли кўз ёшлари юзигада чанг ва губорлар билан қорини қоп-қора сочлари гўзапояларга илашиб қолган эди.  
 — Уйга чоп, Муҳаббатжон, уйга...— дея олди аёл. Қизча ўз-ўзидан йиғлагиси келиб катта кўча бўйлаб чопар, унинг бўғизига бир сўзгина нола қилиб борарди: «Катта бўлсам албатта дустир бўламан...»

Ҳа, бунақа ноҳуш манзаралар мурғак тасаввурга шу қадар таъсир кўрсатган эдики, у бу муҳиш воқеани, яъни ўша қишлоқ аёлининг пахта даласида ой-куни яқинлигига қарамай, қўлига кетмон олиб, эгатда кўзи ёриб қолганлигини хануз-хануз унут-толмайди. Муҳаббат ўша пайтларда ўн уч ёшларда эди. Қулар ўтаверди... Урта мактабни таъомлаб етуклик гувоҳномасини қўлга олгач, тўрт нафар дугонаси билан бирга ёрдам сўраб, мактаб директори Иброҳим Раҳимовнинг хузурига кирди. Дугоналар-

даги қатъиятни сезган Иброҳим ака уларнинг ҳужжатларини Қарши тиббиёт ўқув юртига топширишга ёрдамлашди.

Муҳаббат учун дастлабки кунларда шахарга кўниқиш қийин бўлди. Хонадан чиқмай тиббиётга оид бир қанча китобларни ўқиди. Синовлардан муваффақият билан ўтди. Талабалик ҳафсаласи, мутоала қилишлар, янги дугоналар давраси, устозлар ўғити, илк бор беморлар билан юзмаюз келиш — тиббиёт олами уларни бир қадар улғайтди, ҳаётга ўргатди. Билимлари, тажрибалари ошаверди. У илк бор Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидаги янги очилган чўл жамоа хўжалигига йўланма олди. Тўғри, унинг яна бир орауси Ташкент Давлат Тиббиёт олийгоҳида таҳсил олиш эди. Лекин у орауси орзулигича қолиб кетди. Ҳаёт, иш, турмуш ташвишлари уни ўз гирдобидан кўйиб юбормасди. Изиллаб турган бу чўл бағрида қанча азоблар кўрса ҳам оналар дардига малҳам, гўдаклар умрига фатво берди. Илк марта қафтларида чинқириб турган гўдак кўзларига термулди. Унга узок умр тилаб, бахтга ташна қўлларга тутқазиди. Чинқирган одам ичида кезганда у ўзини бахтиёр ҳис этарди.

Муҳаббат опа Гагарин ноҳиясида ўн йил катта доя бўлиб ишлади. Вилмаган нарсаларини ўрганди. Унга устозлари Марям Ортиқбоева, Умида Норбоева, Зухра Алиқберова, Ражаб Ҳимматовалар яқиндан ёрдам бердилар, ўз навбатида опа ҳам бир қатор шоғирлар тарбиялади. Эл саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилиб келаётган Муҳаббат опа муносиб хизматлари учун «Шавкатли меҳнати учун» нишони, бир қанча мақтов ёрликлари билан тақдирланди. Юрт қалбида кўқарди, эл назарига тушди.

Аслида эса инсон увнони ёки мансаби билан эмас, меҳр-оқибати, инсонийлиги билан улуг.

Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан Муҳаббат опа янги — Нишон ноҳиясига ишга келди. Чўл шароити оғир, касалхона узок, тез ёрдамга муҳтож бўлинган пайтларда етиб келиш учун машиналар йўқ эди. Шундай шароитда опа қишлоқ меҳнатқашлари орасида бўлиб, ўтмишнинг бой тажрибаларига суянган ҳолда, ҳомилалар аёлларга йўл-йўриқ кўрсатди. Бу билан гўдакларнинг соғ-саломат туғилишига замин яратди. Чақалоқларни ҳар хил юқумли касалликлардан асраш учун уймамай юриб, тозалик таомилларини ўргатди. Атроф-муҳитнинг заҳарланиши оқибатида касалланган оналарга даволаниш учун йўлланмалар олишга ёрдам берарди.

Бемор одам меҳрга, бир оғиз ширин сўзга ташна бўлади. Унга меҳр кўрсатиш бўм-бўш томчиларга қон қуйиш билан баробардир. Меҳр кўргазмиш ўз меҳнатларини беминнат яратиш, бемору хасталарнинг кўнглини кўтариш тўғрисида Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ҳам шундай жумла мавжуд:

«Беморни кўргани борганида унинг пешонасига қўлни қўйиб хол-аҳвол сўраш барқамол зиёрат ҳисобланади. Қўл бериб кўришиб саломлашни мукаммал бўлади... Шунингдек бобомиз Алишер Навоий ҳам «Табии мулоим сўзлаи ва бемор кўнглини кўтаргувчи, андишали ва хушфелъ бўлиши керак»лигини баён этади. Шундай экан, инсонлар орасидаги меҳр-шафқат дунёларини хўрламаслигимиз, пайғамбарларимиз, боболаримиз қилган насиҳатлар йўлидан бориб, келажак авлодни соғлом ҳаётга олиб чиқиш шу кунимизнинг, эртанимизнинг оқибати — ёруғдир!

Муҳаббат опага савол беришга қийналдим. Чунки унинг ҳорғин чеҳраси ҳамма саволларимга жавоб бераётгандек эди.

— Опа, мана, қишлоқ аҳоли қандай эканлиги маълум, яқинда

қарор чиқди — кам қонли, кам қувватли оналарни гўшт, сут билан таъминлаш, 7 ёшгача бўлган гўдакларга дорихоналардан бепул дорилар бериш, умуман қишлоқ аҳолиси аҳволини яхшилаш кераклиги ҳақида. Бу борда бирор бир ўзгариш бўлаётганими?

Опа чуқур тин олади.  
 — Мана кўриб турибсиз, аввалам бор, касалхона қишлоқдан 40-50 чақирим узоқликда жойлашган, энг оғир, ҳомилалар аёллар учун «тез ёрдам кўрсатиш» машиналари йўқ. Баъзан ёрдамга муҳтож аёлларни совуқ хоналарда даволашга тўғри келади. Иситтич ускуналари ишламайди. Газлаштириш тўғрисида гаплар бўлайти-ю, аммо берилган ваъдалар «тез кунда бахтинг очилади», — деган лўли қизнинг фолига ўхшаб кетаяпти. Беморлар учун зарур дармон дориларини-ку излаб оворайи сарсонмиз...

Ҳозирги кунда Муҳаббат опа Қашқадарё вилоятининг Косон ноҳиясидаги 52-давлат хўжалигидаги қишлоқ врачлик амбулаториясида мудир бўлиб ишлаб келмоқда. У киши шифокоргина эмас, меҳрибон она ҳамдир.

Ўз касбига меҳр қўйиб, ардоқлаб келаётган Муҳаббат опа хоҳарим тун, хоҳ сахар бўлсин, қуну тун тебранаётган бешиклар ёнида; гўё онадек парвона — толиққан, бир дунё меҳр илнжида оналарнинг мурғак қалбларига ёруғлик бахш этмоқда...

Ҳа, бемор вужуднинг яна бир шифокори — нафис баҳор ҳиди уфурмоқда. Қушчалар чуғури... хушбўй гуллар... Бу ям-яшил борлик ичида инсон ўз руҳида поклик, энгиллик сезади.

Тонлардан жананглаб қувонч йиғилари тўкилиб орзиққан қалбингга ширин лаҳзалар инъом этади. Қуёш ёғдуларига талпиниб, бир дунё болалар чопди. Бу янги авлоднинг соғлом, гўзал ҳаёти, аёллик нафосати билан йўғрилган Муҳаббат опанинг дил қувончларидир.

Ҳабиб АБДИЕВ



Зулхумор ХУДОИҚУЛОВА

\* \* \*

Яна васлинг истаб бўзлади юрак,  
Яна ёмғир бўлиб оқди кўз ёшим.  
Сенсиз ўтган умр, баҳор не керак,  
Бўлмасанг ёнимда бахтим—куёшим.

Кўзларингни соғиндим жуда,  
Кетма, кўзларингга олайин тўйиб.  
Фақат васлингни мен топдим уйқуда,  
Сенсиз ўтди ўттиз баҳорим куйиб.

Уйғотмагин мени, минг йил ухлайин,  
Сенсиз тирик юрмоқ оғирдир жуда,  
Майли, тушинг билан бирга ўлайин,  
Сенсиз ўтган умр ўтар беҳуда.

\* \* \*

Тунлар бағри тортишиб кетди,  
Оруз-армон қоришиб кетди.  
Олам бирдан ёришиб кетди,  
Кўзларингга кўзим тушган пайт.

Бу олам шохига айланди кўзим,  
Қишлардан баҳорга айланди сўзим.  
Ишқ ахлига илох, ҳам гадо ўзим  
Кўзларингга кўзим тушган пайт.

Булутлар бағри чақмоқлар ёқди,  
Юракдаги музлар сой бўлиб оқди,  
Баҳор келиб қалбим эшигин қоқди,  
Кўзларингга кўзим тушган пайт.

\* \* \*

Ишонаман, бир кун келасан,  
Менинг мангу баҳорим олиб.  
Ишонаман, бир кун келасан,  
Қўшиқларим созингда чалиб.

Ишонаман келишингга, ёр,  
Муҳаббат бор—ҳали куёш бор.  
Ишонаман келишингга, ёр,  
Кўз ёшларим кетмайди бекор.

Ишонаман, бир кун келасан,  
Дардларимга даволар олиб,  
Гумонларим ёнади ўтда,  
Ишончларим чиқади голиб.

Ишонаман, бир кун келасан,  
Қўшиқларим созингда чалиб.

Жиззах



# Кизлар гулдастаси



Мухайё МИРСАЙДОВА

## Отамни эслаб

Яшарсан тириклар ичра тирикдек,  
Отажон, сендан боғ, яхши ном қолди.  
Фараандлар бош эгар кўзда киприкдек,  
Кўз кетиб, киприкда аччиқ нам қолди.

Шунчалар аччиқки ўртар дилимни,  
Бўм-бўш бағрим аро юрак муаллақ.  
Тугёнлар сўзлатмас бийрон тилимни,  
Юрагим ёнгинин ўчиролмам, ох.

Кўзи ожиз одам, айтсангчи менга,  
Сен қандай яшайсан лаззатни туймай?!  
Отажоним, Кўзим, тарк ётдинг нега?  
Навбахор ёшингда баҳорлар кўрмай!

Кўзим, деб атадим сени, отажон,  
Йўлларимда маёқ—чароғбоним ким?  
Онасиз улғайтган чин боғбоним ким?  
Сен айтгин, отажон, ахир ким, ким?!

Тақдир ҳам айирмас нечун қари-ёш,  
Улим деганлари совуқ ва бебош,  
Мен учун умрбод кулади Қуёш,  
Сени эслаганда тугар чўнг бардош!

Ҳар ишга ишқибоз, тинчимас отам,  
Боғларинг яшарар, яшнар ҳар баҳор.  
Дарахтларда мева сархил ва там-там,  
Қай бирин узинни билмайман наҳор.

## Ачиниш...

Олма тушди узилиб шохдан,  
Бир нафасда олмага етдим.  
Ердан аста кўтариб қафтда  
Беихтиёр ачиниб кетдим.

Еявериб қуртлар бетиним,  
Кўп нуқталар юзин «безабди».  
Ранги эди тарам-тарам—ним,  
Энди эса эти қолмабди.

Олмани қурт кемирган каби,  
Ғам еб ташлар экан одамни.  
Сиртидан ҳеч сезилмаса-да,  
Секин-секин чеклар қадамни.

Одамларга бермангиз қайғу,  
Жой олмасин дилдан кўп нуқта.  
Ичирмангиз уларга оғу,  
Сўз асал-ла бўлсин омухта!

## Нима учун

Кўнгул гулзор эмас оралаб,  
Хоҳлаганинг узсанг ҳар куни.  
Майли, кетгил бағрим поралаб,  
Азоб чекай мен ялдо туни.

Икки дунё сизмас юракка,  
Буйрук бериб яшолмайсан ҳам.  
Чорам йўқдир чидаб юрмакка,  
Хатоларга кул бўлса маҳрам.

Ишқ бир денгиз, қалблар кемадир  
Тул қолганлар айби нимадир.  
Нима учун, нималар боис,  
Сен яхшисан, эй алдамчи қиз!

Қасамхўр тун, бегона дилдор.  
Ер ўзини кўраркан аршда.  
Гуноҳлардан кўркмаган беор,  
Нима учун энг пок фаришта?!!!

Тошкент



Сарвара ТОЖИБОЕВА

## Сен билмайсан

Сен билмайсан,  
бахтдан бенасиб,  
Бир қиз бор дунёда,  
тунлари йиғлар.  
Унинг кўзларида  
гўдақ қулса-да,  
Дунёнинг сочлари  
ойдек оқарар.  
Сен билмайсан,

билсанг ҳам фақат,  
Эслагинг келмайди,  
ҳа, истамайсан.  
Ҳамон йўлларингга  
интиқ муҳаббат,  
Сен эса йўлингдан  
кайта олмайсан.

## Сен қўшиқ куйласанг...

Сен қўшиқ куйладинг, куйлаган  
кеча,  
Қора тун қоп-қора рўмолин ечди.  
Еруғликда кўринган бахтдан энтиқиб,  
Ох, ғўзал хаёллар хаёлдан кечди.  
Шунда мен сочимни ёйганча телба,  
Ишқимдан маст бўлиб ойга қарадим.  
О, дунё, бахтлиман, бахтлиман дея,  
Ойнинг тарағида сочим тарадим.  
Сен қўшиқ куйладинг, куйлаган кеча,  
Кетган баҳорларим қайтиб келдилар.  
Еруғлик узатган қадахни ича—  
Уйғондим. Бағримда шамоллар елди.  
Сен қўшиқ куйладинг, куйлаган кеча,  
Қора тун қоп-қора рўмолин ечди...

\* \* \*

Изларимни куйдирар тош йўл,  
Саратонга чидашим керак.  
Бир ёғим боғ, бир ёғим қоқ чўл,  
Мен ўртада — ҳайрона юрак.  
Кўзларимдан чопади кунлар,  
Шўх кулдириб йиғлатиб қон-қон.  
Таскин берар фол очиб тунлар,  
Кимдир йўлда келмоқда, ишон.  
Минг йил кутдим, минг йилми ўтди,  
Саратонда коврилди жоним.  
Оҳ! Баҳор, кел, бу тунлар ютди,  
Минг йил кутиб оқарди қоним.  
Изларимни куйдирар тош йўл,  
Саратонга чидашим керак.  
Бир ёғим боғ, бир ёғим қоқ чўл,  
Мен ўртада — ҳайрона юрак.

## Қалбингга йўл...

Шамол ўйнар кимсасиз боғда,  
Мезон ишқнинг йўлларидан из.  
Унсиз йиғлар ана шу чоғда,  
Орзулар парчаланган қиз.  
Дарахтлар ҳам эғиб бошларин,  
Япроқларин қизга тўкади.  
Хаёт эса отиб тошларин,  
Минг бир дарднинг чокин сўқади.  
О, йиғлама, йиғлама, эркам!  
Балки бахтдир, балки бахтсизлик,  
Не бўлса ҳам яшамоқ бордир.  
Орзуларинг чексиз қаърига,  
Ох, чўкишдан дунё ҳам тордир,  
Йўқ, керакмас ширин лаҳзалар,  
Қучиб ўлмақ Ватани бахтдир.  
О йиғлама, йиғлама, эркам!

Тошкент



# Ўзбеккона

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,  
киношунос

## Филмлар керак!



ўнги йилларда ўзбек кино санъатининг тақдири фақат кинематографчилар ва киношуносларни ташвишлантираётгани йўқ, унинг келажаги, кундалик ҳаётда тугган ўрни ҳақида минг-минг томошабилар, муҳлислар ҳам қайғурмоқдалар.

Ўзбек бадий филмлари ҳақида ижобий фикрлардан қура салбий сўзлар эшитишга тўғри келаётди. Киномиз шитоб билан олға интилаётган ҳаётдан аллақачон узилб қолганлиги айни дамларда аққол кўзга ташланмоқда.

Жумҳуриятимиз ўз киностудиясига эга бўлганига салкам етмиш йил бўлди. Шу давр мобайнида яратилган филмлар 300 нафардан ошди. Лекин томошабинга манзур бўлганлари бармоқ билан санарли. Айниқса, «Ўзбекфилм» деб аталмиш бу даргоҳда ўзбек тилида суртга олинган филмлар сони эса яна ҳам оз. Жумҳуриятимизда филмлар асосан рус тилида суртга олинади. Балки ўзбек кино санъатининг инқирозини шу билан боғлаш керакдир. Лекин ҳозирги ошкоралик ва демократия кенг қулоч ёзаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча жаҳалларида янгилашни, поклашни бўлаётган замонда бу жараён ҳамон давом этиб келаётганлиги ақли расо томошабинни ташвишга солмай қўймайди. Яқин-яқингача кино санъатимиз борасида мулоҳаза юритиб, кино санъаткорларимизни она тилимизда филмлар яратишга қақришининг оқибати миллатчиликка бориб тақаларди. Эндиликда эса тарихий ва маданий меросимиз асосида ўзбек тилида тўлақонли киноасар яратиш кино санъаткорларимиз учун бosh муаммо бўлиб турибди.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги йўлини тутиши, барча соҳада ўзбек тилининг Давлат тили сифатида қўлланшининг қонулаштирилиши киночиларимизни танг аҳволга солиб қўйди. Лекин бу танглик узоққа бормади. Тезда чора топилди: икки тиллилик. Қонун бўйича рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам филм олса бўлаверар экан. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунининг 21-моддасига бир

назар ташланг. «Ўзбекистон ССРда сценариюлар, филмларни ва бошқа томошабоп асарларни жумҳурият Давлат тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида яратиш таъминланади». Миллатлараро муомала тили, яъни рус тили ҳақиқатан ҳам маълум босқичгача ўзбекфилмчиларга зарур. Чунки бу ерда турли миллат вакиллари ижод қилишади. Уларни бирлаштириб турган нарса — бу рус тилидир. Бундан, албатта кўз юмолмаймиз. Юқоридаги қонун матни маълум босқичгача, яъни 20, 30, 40 ҳатто юз йилгача яшаши мумкин. Демак шу давр мобайнида юртимизда асосан рус тилида қонуний равишда филмлар яратилаверадими?! Демак, қонун йўли билан ўзбек тилида филмлар яратишга кенг имкон бердик, лекин ўзбек тилида киноасар яратиш муаммолигича қолди. Бу ўринда миллий филмлар ярата олувчи бўлажак санъаткорлар назарда тутилмоқда.

Бу соҳага чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, жумҳуриятимизда яқин орада ўзбек тилида киноасарлар яратиш одат тусига кира олмаслигининг гувоҳи бўласиз. Чунки кино мутахассислигини эгаллаш учун Москвадаги Бутуниттифоқ кинематография Давлат институтида тахсил кўриш лозим. У ердаги ўзбек йигит ва қизлардан иборат курсга беш йил мобайнида бирон соат ҳам ўзбек тили ва адабиётдан лекция ўқилмайди. Тарихий ва маданий меросимизга назар ҳам ташланмайди. Умуман Шарққа қаралмайди. Шундай экан, Оврупо маданияти сингдирилган бўлажак сценарист режиссёр, оператор ва актёрларимиздан миллий, ўзбекча филми кутиш мумкинми?! Авваламбор бу олий даргоҳга асосан ўрта мактабни рус тилида яқунлаганлар қабул қилинадиганини назарда тутадиган бўлсак, бизни қийнаётган масала янада ойдинлашади. Нима бу, пухта режалаштириш оқибати?! Гуржистон ва Украинадаги каби жумҳуриятимизда нега кино олий дорилмуаллимлик йўқ!?

30-йилларнинг бошларида машҳур режиссёр Сулаймон Хўжаевнинг «Тонг олдида» фильмини куриш учун студияга келган Фаизуллага Хўжаев унга юксак баҳо бериб, миллий кино ходимларимизни кўпайтириш лозимлиги ҳақида фикр билдирган экан. У ҳар ташрифида буни алоҳида таъкидлаб ўтар экан. Сўзсиз у кино санъатидаги кириб келаётган овозли кинони ҳис этган. Демак, у жараённи яқши ҳис қилган. Ўзбек тилида филмлар олиншига умид боғлаган.

Утган ўн йиллар мобайнида «Ўзбекфилм»да ўзбек тилида филмлар яратиш тақлифини кўтариб чиққан кишилар бўлган. Тўғри, уларнинг тақлифи рад этилмас эди, лекин шу билан бир қаторда қабул ҳам қилинмас эди. Чунки бўлажак филм сценарийи Москвадан тасдиқдан ўтарди-да! Бунинг учун албатта сценарий рус тилида бўлиши керак. Ана шундан кейингина режалаштирилади, унга маблағ ажратилиб филм суратга олинади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган қайта қуриш шарофати билан «Ўзбекфилм»да ҳам

бир мунча ташкилчи ўзгаришлар содир бўлди. Аввало «Ўзбекфилм» киностудияси Давлат ижодий ишлаб чиқариш корхонаси деб ўзгартирилди. Унинг базасида эса «Ўлдуз», «Инсон» ва «Ватан» киностудиялари ташкил этилди. Ҳар бир студиянинг ўз йўналиши, дастури мавжуд. Улар мустақил фаолиятни бошлаб юбордилар. Сценарий ва режиссурага боғлиқ барча масалаларни ўзлари ҳал этидилар. Хуллас, жумҳуриятимизда миллий кино ривожини учун катта имкониятлар очилди, кенг ижодий эркинлик берилди. Амалда эса тил муаммоси эски ҳаммом, эски тослиғичча қолмоқда. Студиядаги Давлат тилида филм олишга лаёқатли санъаткорлар таниқли режиссёр Мэлс Абзалов раҳбарлик қилаётган «Ватан» киностудияси атрофида тўпланмоқдалар. Студиялардан фақат «Ватан»гина давлат тилида миллий кино яратишни асосий мақсад қилиб қўйган.

Машҳур совет режиссёри Михаил Козинцев «Санъатдаги байналмилалчилик бу аввало миллийликдир», деган эди. Шундай экан, киносанъаткорларимиз ўзлигини ҳис этиш вақти келди. Миллионлар санъати ҳисобланган кино томошабиларимиз олдида қарздордир. Тарихий ва маданий меросимизнинг бой сарчашмалари ҳануз киносанъаткорларимиз назаридан четда қолиб кетмоқда. Не азобларни куриб, энди-энди рўшони кўраётган пахтакор ўз ўй ва ташвишларини экранда куришга зор. Ўзбек чўпони ҳақида бирор бир филм яратилмаган. Қўллари қаварган хотин-қизларимиз фақат бахтли, саодатли ва ҳаётдан кунгли туқ қилиб курсатиб келинди ҳозиргача. Бирон бир филмда ўзбек ўзлигини кўролмайдми. Назаримда, яқин орада кўриши ҳам амри маҳол. Уйлаб куриш, ҳазрат Навоийнинг бирон бир асари экран юзини курганими? Буюк жаҳонгир саркарда Амир Темурини италияликлар олиб кетишди. Замонамиз Улуғбек ҳақида янги, ҳақгўй филм кутаяпти. Бодур ҳақида филм куришга зормиз. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ҳаётини ёритувчи асарларни ким экранда кургани келмайди? Ҳусайн Бойқаро, Термизий, Исмоил Бухорий, Камоллиддин Бехзод сиймолари ҳам экран юзини кўрармикини?

Лекин бу филмларни яратиш учун тилимизни, меросимизни чуқур билишимиз зарур. Зеро, меросимиздан, тарихимиздан ўзилган ҳолда ашай олмаймиз.

Қизиқ, шу кунларда қилаётган ишларимизни дейлик, юз ёки икки юз йилдан сўнг келажак авлод қандай баҳолар экан! Асримизни урганиш учун сўзсиз улар филмларимиздан фойдаланиши табиий. Ушанда ҳозир ура-ура қилиб яратаётган филмларимиз заррача бўлса ҳам уларга маънавий озуқа бера олармикини? Филм қаҳрамонларининг бир-бирлари билан оврупоча муомаласини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашса ажабмас.

Тақдир тақозоси билан киносанъаткорларимиз азалдан турли миллат вакилларидан иборат. Узга миллатга мансуб режиссёрларимизнинг баъзилари сўзлашуве тилимизни унча-мунча ўзлаштириб олганлар. Лекин, минг афсуски, ўзбек миллатига мансуб режиссёрларимиз ўз она тилларида узун-юлуқ гапирдилар. Бу нима, маданиятчилик белгисими? Еки ўта маданиятсизликми?

Тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳадемай икки йил тўлади. Утган йили яратилган ўндан ортиқ филмларга назар ташлайдиган бўлсак, Исмамет Эргашевнинг «Темир хотин» (Ўлдуз) ва Темуралиқ Юнусовнинг «Тангалик болалар» (Ватан) филмларигина ўзбек тилида суратга олинганининг гувоҳи бўламиз. Қолган филмларимиз бўйича эса, дублчиларимиз жонимизга аро кирмоқдалар. Эътибор беринг, «Ўзбекфилм»да ўзбек филмлари ўзбек тилига ўгирилади! Бу қип-қизил шармандалик эмасми! Наҳотки имон, орият деган нарсаларни йиғиштириб қўйган бўлсак! Баъзи филмларимизда бола отасини сенлайди. Қизиқ, қайси ўзбек боласи ўз падари бузрукворини «сен» дейди. Бу очикдан-очик ўз юзимизга туфлашқу, ўзимизнинг устимиздан кулиш эмасми! Бундай чала санъатнинг кимга кераги бор?! Албатта, дублчиларимиз филмларни ўзбек-чалаштираётганларида бу сингари нуқсонларни текислаб юбордилар. Ҳолбуки, аслида дублчиларимиз ўзбек филмларини эмас, чет эл филмларини ўгиришлари керак.

Яна бир фалати гап шундаки, ўзбек тилига давлат мақоми берилганига икки йил бўлаётганига қарамай киносанъаткорларимиздан бирон бир арбоб матбуот орқали кенг жамоатчиликка ўзбек тилининг кино санъатида қўлланиши ҳақида ўз фикрини билдирмади. Бир томондан бунга афсусланмаса ҳам бўлади. Чунки киночиларимиз учун баъзи бир ташкилий ўзгаришлар юз берган бўлса-да, тил борасида ҳеч қандай ишлар қилинаётгани йўқ. Юқорида эслатиб ўтилган қонуннинг 21-моддасига биноан тилга боғлиқ барча ишлар аввал қандай миллатлараро тилда олиб борилган бўлса, ҳозир ҳам шундай олиб борилаяпти. Кенгашлар, йиғилишлар асосан давлат тилида эмас, расмий ҳужжатлар ҳам фақат давлат тилида амалга оширилмайди.

Миллатлараро тил билан муомала қилувчи ўртоқлар учун ўзбек тили курслари очилмаган. Гўе жумҳуриятимиз корхоналарида олиб борилаятган хайрли ишларнинг бу даргоҳга алоқаси йўқдек. Барча эълонлар ҳам Ўзбекистон ССЖ Давлат тилида эмас.

Эсимда, «Ўзбекистон адабиети ва санъати» ҳафталик рўномасининг 1989 йил 26 май сонида «Ўзбекфилм» киностудиясининг директори А. Ҳўжаевнинг «Атайинлик—халислик кушандаси» номи мақоласи ўзбек киносининг аҳоли юзасидан очилган мунозарасига муносабати билан босилди. У ўз мақоласида жумҳуриятимиз киночилари тез орада ечиши лозим бўлган қатор муаммоларни ўртага ташлаб: «Маълумки, бизга пулни Москва беради ва биз марказга тобемиз», деб ёзди. Демак, киночиларимиз қачон марказ ўзбек тилида филм яратишга рухсат беришини кутишлари керак экан-да. Умуман, матндаги «пулни Москва беради» деган жумла кишини чуқур ўйга толдиради. Қизиқ, Москва шунча пулларни, маблағни қардан оларкин?! Жумҳуриятимизга ажратилаётган маблағ ўз пешона теримиз билан ишлаб топган миллий даромадимизнинг бир қисми эмасми?! Шунини билиб туриб «пулни Москва беради ва биз марказга тобемиз», дейиш одобданми?!

Мақола тилимизга Давлат тили мақоми берилиши арафасида чоп этилди. Уша пайтлари бўлажак тилимиз ҳақида деярли ҳар кун матбуотда мунозарали мақолалар босилиб турарди. Бундан албатта директор ҳам четда қолмай ёзди: «Агар республика ҳукумати ҳам маълум миқдорда пул ажратганида эди, биз ўзбек тилида филмлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконига эга бўлардик. Қобилиятли ёшларни синаб кўрардик, ижодий изланишга кенг қўла очиларди». Қизиқ, жумҳуриятимиз ҳукумати киностудияга маблағ ажратмаса, ўзбек тилида филмлар суратга олинмас, қобилиятли ёшлар синаб кўрилмас экан-да?! Бундай ман-

тиқсиз фикрни йирик ижодий даргоҳнинг раҳбари айтганига ишонгинг келмайди.

Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жумҳуриятларда филмларни фақат рус тилида суратга олиш кераклиги ҳақида бирон бир кўрсатма ёки қарорнинг ўзи йўқ. Бу бизни боши берк кўчага олиб кирган собиқ ҳукумат тузумининг оқибатидир. Ҳозир иттифоқдош жумҳуриятларга иқтисодий, сиёсий мустақиллик бериб турилган бир пайтда кўр-кўрона эски гапни тутиб турмоқ қалтабинлик эмасми!?

Шу уринда ўз-ўзидан қуйидаги савол туғилиши табиий. Нима учун ўзбек кинематографчилари филмларни рус тилида тайерлайдилар? Бунинг сабаби, боиси нимада?! Назаримда, бунинг асосий сабабларидан бири — «Ўзбекфилм»ни марказлик бир қатор оуб юришмай қолган кинодраматургларнинг эгаллаб олганлиги ва режиссёрларимизнинг уларни кучоқ очиб кутиб олиб, ҳар қандай йўл билан уларнинг сценарийларини ишлаб чиқаришга тушириб юборётганлиги эмасмикини!?

Бой тарихий ва маданий меросимизга таянган ҳолда ўз она тилимизда наҳотки, филм яратиш шунчалик қийин, деган савол билан бир неча режиссёрларимизга муурожаат қилдим. Менимча, режиссёрларимиздан Собир Назармухаммедов мантиққа яқинроқ жавоб берди.

— Айтайлик, — деди у, — масалан, мен ўшандай филмни суратга олмақчиман. Манбани ўзлаштираман, дейлик. Авваламбор, уша манбани сценарий ҳолатига келтира оладиган муаллиф топишим керак. Унинг дунёқараш меники билан яқин бўлиши лозим. Операторим, композиторим, рассомим деярли барча аъзоларим, актёрларим ва суратга олиш гуруҳининг деярли барча аъзолари ўзбек тилини яхши билишлари керак. Бундай суратга олиш гуруҳини тузиш бизнинг шароитимизда осон иш эмас.

Студия раҳбари юқорида эслаб ўтган мақоласида «Ўзбекфилм»да яқин орада жиддий ўзгаришлар бўлмаслигини очик-ойдин айтиди. Ҳатто «Бизнинг муҳолифларимиз «ўзбекча кино яратиб, обрў қозонганларнинг қани?» деб тантана қилмоқдалар, дейди. У бундай деб ёзишнинг ўрнига «муҳолифларимиз Оврупога тақдир қилиб нимага эришдиларинг», деганида, менимча, ҳақиқатга анча яқинроқ бўларди. Ваҳоланки, сунги йигирма йил мобайнида ҳақиқий миллий ҳаётимизни акс эттирадиган ва томошабиларимиз томонидан юксак баҳоланган бирон бир филм яратилмади. Бунинг учун айбни ўзимиздан қидиришимиз керак!

Қачон кино санъатимиз ўз йўли билан, ҳаётимиз эса ўз изми билан бораркин?! Келажак олдида бунинг ҳисоб-китобини ким беради!



Навоий (Р. Ҳамроев), Гули (Т. Назарова) «Алишер Навоий» филмидан лавҳа.

Демократия ва ошкораликка бир томонлама ёндошган марказий матбуотлар Ўзбекистон ҳақида ноҳақоний сўзларни чайнашиб, ўзбек халқини ёмон отлиққа чиқаришга ҳаракат қилдилар. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «босмачилар», «Нашавандлар» ...дан кейин «Ўзбек миллатчилиги» деган ёриқни ҳам осишга ҳаракат қилишаётир. Пешонамизга яна не ёзувлар битилган экан, кўзимиз очик бўлса кўраверамиз.

Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов бундай хуруж, иғво, бўҳтондан («Труд» рўзномаси, 1990 йил, октябрь) қаттиқ ранжиб, Ўзбекистон халқ нойиблари анжуманининг учинчи мажлисида ўз фикрини қатъий баён қилди... Эмишким, Ўзбекистонда ўзбек бўлмаганларга, айниқса русларга қарши таъқиб, таъзиқ, миллатчилик авж олаётганмиш. Бундай фикрларни юртимизнинг нонини еб, тузини ялаб — тузлигига тупурган журналист номи остида юрган Березовскийга ўхшашлар Марказдан туриб жар солмоқдалар.

казда қўллаб-қувватлайдиганлар бор экан», деб каттароқ шаклда сурбетлик қилишдан ҳам тап тортмайдилар.

Улар албатта, Тошкентнинг янада кўпроқ интернационаллашувини, яъни (оврупалашувини, руслашишини) истайдилар. Буларга қолса Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда ўзига хсс ҳеч қандай миллий, шарқона белгилар қолмас. Тошкент қанчалик кўп ўзлигини, асл қиёфасини, миллий руҳини йўқотса, олақурук, бемаъни бир тусга кирса, интерсоюзчилар ана шуни ҳақиқий байналмиллатчилик, халқаро дўстлик, биродарлик деб биладилар. Лекин улар ана шу ақидаларни Ленинград, Псков, Суздаль, Ярославль каби шаҳарларда ўтказишга журъат этмайдилар. Пойтахтимизнинг маънавий, миллий қиёфаси хусусида ёзувчи — Абдуқаҳор Иброҳимов, Жамол Камол, Мухаммад Солих, Мухаммад Али, Бўрибой Аҳмедов, Ортиқбой Абдуллаев, журналист — Абдунаби Ҳайдаров, адлия ходими — Файзулла Қиличев, муҳбир — Зайниддин Мамадалиев ва бошқалар «Шарқ

лар етишмаётибди», «Катта холаси чақириб олди», «Кичик холаси «прописку» қилаётибди», «Дўхтирлар «иссиқ климат» бююрд!» ва ҳоказо баҳоналар) билан суқилиб кириб келмоқдалар.

Бу келгиндиларнинг ичда муттаҳам, ўғри, дайди, сурбет, фоҳишалар, дангаса, ароққўр ва ҳар хил қаланги-қасангилари кўпчиликини ташкил этади. Пойтахтдаги вокзал майдони, бозорлар ва бошқа жамоат жойларидаги аҳволни кузатинг, бунга имонингиз комил бўлади. Ахир ҳалол, меҳнаткаш, етук мутахассис ўзга юртда тентираб юрмайди-ку! Қолаверса, уларнинг бошини силаётган, ғамхўрлик кўрсатаётган ташкилотларнинг энг ташаббускори бўлиб турибди-ку! Тошкент шаҳримизда уй-жой, лавозим билан таъминлайдиган идораларнинг деярли барчасини оврупалик устамон йўриқчилар эгаллаб олишган. Улар эса ўз қавмларини ёлғизлатиб, қийин аҳволга солиб қўймапти, албатта.

Тан олишимиз керак, ҳозир ҳам Тошкентда миллий хусусиятларга нисбатан интернационал, оврупача белгилар, тadbирлар устундир: Пойтахт аҳолисининг аксарият кўпчилигини оврупаликлар ташкил этади;

Тошкентда рус ва ўзбек тилларида ўқитиладиган мактаблар нисбати ҳам шунга яраша;

Пойтахтимиздаги, айниқса, унинг марказидаги кўчалар, шоҳкўчалар, хиёбонларнинг кўпгина муассаса, ташкилот, магазин, дўконларнинг, янги очилаётган ширкатларнинг номи, атама-си Давлат тилида эмас.

Тошкентда кинотеатрларда томошалар ҳам асосан рус тилида намойиш қилинади;

Жумҳуриятимизда давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганга қарамай, идораларда расмий тил — рус тили бўлиб қолмоқда. Ҳозир турли ташкилот ва муассасаларда ишлайётган оврупаликларнинг деярли барчаси ўзбек тилида муомала қила олмайди ва буни истамайди ҳам.

Тошкентда мамлакатнинг Оврупа қисмидан келган қардошларимизга иззат-хурмат кўрсатиш жойида-ю, маҳаллий аҳолига эса эътибор суст. Шаҳарлар марказида асосан оврупаликлар яшашади. Бу мавзеларда канализация, газлаштириш, телефонлаштириш ва бошқа маиший хизматлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Маҳаллий халқ яшайдиган чекка маҳаллаларда эса бу хизматларга панжа орасидан қаралади.

Холис бўлайлик, ана шундай шароит, манзарадан кейин ҳам ўзбекларни, тошкентликларни миллатчиликда, бошқа халқларга бехурматликка айблаш инсофданими? Марказдан туриб жазавага ташаётганларнинг мақсади тобора ошкор бўлмоқда.

Ижроқўмлар остонасида умри ўтаётган ҳамшаҳарларимизнинг олдидан маъмурурлар кўзларини чирт юмиб ўтишдан бошқага ярамайдилар.

«Нега? Нима учун? Қачонгача?» деган саволлар эса саволлигича қолаверади.

**Ҳожимурод РАСУЛОВ,**  
Ўзбек қомуси адабиёт  
ва тил таҳририятининг мудирин,  
филология фанлари номзоди

# КАЧОНГАЧА?

Ана шундай ғаламислик, иғвогарлик, шовинизм ва миллатчиликни авж олдириш аслида кимга, нима учун кераклиги энди секин-аста аён бўлмоқда. Бу бизга таъзиқ ўтказувчиларга, юртимизда ўз ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга уринаётган — марказдагиларга қўл келмоқда.

Утган йили «Известия»да (25 октябрь, 1990 йил) яна бир шовинистик гап бўлди. Москва ва барча Руснинг Патриархи — Алексей II, ёзувчи — Сергей Залигин, академик — Д. Лигачев, хормейстер — В. Минин, қўшиқчи — Е. Нестеренко, бастакор — Г. Свиридовлар Иттифоқдош жумҳуриятлар парламентларига мурожаат қилиб, ҳамма ерда (Россиядан ташқари) икки тиллилик бўлишини, миллий тиллар билан биргаликда жумҳуриятларда рус тили ҳам давлат тили бўлиши лозимлигини ўқтирдилар. Улар икки тиллиликнинг, рус тилининг афзалликларини исбётлашга зўр бериш билан бирга «Иттифоқимизда рус тили камситилмоқда», деб даъво қилмоқдалар.

Ўз она тили учун ғамхўрликка, ташвиш чекмоқликка бу яхши мисол, албатта. Лекин шундай бўлса-да: «Эй, улуғлар, миллий тиллар ўз юртида, ўз ерида, ўз уйда оёқ ости бўлиб хор қилиниб ётганда, сизлар қайси гўрда ётган эдинглар?» деб сўраш ўринли бўлса керак. Юртимизда, Тошкентда пайдо бўлган шовинистик йўналишдаги «Интерсоюз» ташкилоти эса юқорида қайд қилинган «улус»ларнинг бундай қийшларидан илҳомланиб, маънавий-маффурурлик, сийсий озиқ олади. «Бизни Мар-

юлдузи», «Гулистон» жаридаларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Еш ленинчи» рўзномаларида ва кўплаб нашрларда жуда жиддий мулоҳазалар, адолатли истак, ҳаққоний талабларни ўртага қўйдилар. Лекин бу борада энг ачинарли ҳолат шундаки, Тошкентнинг маънавий, миллий инкирози хусусида куйиниб, қайғуриб ёзилган бу мақолалардаги тўғри фикрлар, аччиқ ҳақиқатлар бироз муддат ўтгач, қумга синган сувдек йўқ бўлиб кетмоқда.

Гапнинг индаллосини айтидагиван бўлсак, Тошкентдаги маъсул идоралардаги мутасадди шахсларнинг кўпчилигини асосан ана шу интерсоюзчиларга мойил, хайрихоҳ шахслар ташкил этади. Пойтахтимизда яқин-яқингача марказдан келганлар ҳукмронлик қилишди, кўнгиллари тусган ишларни амалга оширишди. Улар бу мавқеларини ҳозирда, кейинчалик ҳам қўлдан бергилари йўқ.

Шу сабабли Тошкентда ватанпарварликка, халқпарварликка оид қандай ҳаракат, тadbир бўлса, улар буни миллатчиликка йўймоқдалар. Интерсоюзчилар ҳар ерда — Марказда, ўзлари яшаб турган жойларда рус тилида сўзлашувчилар камситилмоқда, уларга жабр қилинмоқда, деган иғво, бўҳтонни авж олдиримоқдалар. Тошкентдан чиқиб кетаётганлар ҳақида шов-шув қилинаётибди-ю, пойтахтимизга кириб келаётганлар ҳақида лом-мим демайдилар. Ҳозирги кунда ҳам минглаб, юз минглаб ана шунақалар Тошкентга очикчасига, яширинчасига турли хил найранглар («Заводлар тўхтаб қолди», «Яхши мутахассислар керак», «Ишчи-





Алишер НАВОИИ

علی شیر نواوی

Мустазод

مستزاد

زهد ایچیدا تاپمادی نوایی جو مقامی  
امدی قیلور آهنگ

کیم بولغای علو باده و بیر طرفه مغنی  
منغ کلبسی ماوا  
هر گوهری توفراغ اوزا بیر قطره سو ینگلیغ  
توشگاج عدم اولغای

کر قیلماسا اشفاق اتیان خسرو غازی  
نظم ساری پروا

Эй хусунга зарроти жаҳон ичра тажалли,  
мазҳар санга ашғе.  
Сен лутф била кавну макон ичида мавли,  
олам санга мавло.  
Ҳарён кезарам телба сифат токи яшундинг,  
кўздин пари янглиғ,  
Мажнундин ўзин токи ниҳон қилмади Лайло,  
ул бўлмади шайдо.  
Урён баданим захмлари ичра эмас қон,  
юз пора кўнгулдур,  
Бу равзаналардин қиладур ҳар бири яъни  
хусунгга тамошо,  
Ҳарён назарим тушса сен оллимда турубсен  
кўрмас вале ағёр,  
Равшандурур ушбуки, эмас қобили аъмо  
наззораи байзо.  
Ул нодирадинким, лақабин хур демишлар  
хуснинг эрур аҳсан,  
Ул манзарадинким, отидур жаннати аъло,  
кўйюнг эрур аъло.  
Зухд ичида топмади Навоий чу мақоме,  
эмди қилур оҳанг,  
Ким бўлғай улу бодаю бир турфа муғанний,  
мўғ қулбаси маъво.

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра сув янглиғ  
тушқач адам ўлғай.  
Гар қилмаса ишфоқ этибон Хисрави Ғози  
назми сори парво.

Машқ муаллифи Ҳамид Абдуллажонов.

ای حسنونگا ذرات جهان ایچره تجلی  
مظهر سنگا اشیا  
سین لطف بیله کون و مکان ایچیدا مولی  
عالم سنگا مولا  
هریان کیزم تیلبه صفت تاکه یاشوندینگ  
کوزدین بری ینگلیغ  
مجنوندین اوزین تاکه نهان قیلمادی لایلا  
اول بولمادی شیدا

عریان بدنیم زخم‌لاری ایچره ایماس قان  
یوز پاره کون‌گولدور  
بو روزنه‌لاردین قیلادور هر بیری یعنی  
حسنونگ‌غه تاشا

هریان نظریم توشسا سین الیمدا توروسین  
کورماس ولی اغیار  
روشن دورور اوشبوکه ایماس قابل عمی  
نظاره‌ای بیضا

اول نادره دینکیم لقبین حور دیمیشلار  
حسنونگ ایرور احسن

اول منظره دینکیم اتیدور جنت اعلی  
کویونگ ایرور اعلی

مشق معلمی حمید عبدالله جانوف

# ШЕРЮРАК ҚУЁН

## МАСАЛ

Барглар яноғидан аримай шабнам,  
Жамики жонивор бўлиб жамул-жам—  
Бошлашди ёввойи суҳбат— иғвони,  
Елғону яшиққа чулғаб ўрмонни:

— Калхат тумшугини Чумчуқ узибди,  
— Айиқвой уйини Ари бузибди.  
— Еронлар, Охунинг гўшти бетайин,  
Лаззати камайиб борар кун сайин.  
— Нечундир ҳаддидан ошар баъзилар,  
Бўрини сузмокчи бўлар Қўзилар.

— Қаранг, баланд дорга осилиб Қуён,  
Қахрамонлик талаб этибди, нимжон...  
Ўз номин эшитган ширакайф Қуён,  
Гердайиб майдонга чиқибди шу он.  
— Ким у, ҳайиқмасдан камситган  
мани?

Мард бўлсанг бу ёққа чиқа қол, қани?  
— Мана, мен-да,— дебди шошиб оч  
Тулки.

— Уйлаб кўр! Акс ҳолда бўласан  
кулги.

— Нарироққа юр-чи, синашамиз куч...  
Тулки кўзларида газаб, қасос-ўч,—  
Қуёни кувлабди чангалзор томон,  
Ва хаял ўтмасдан оғзи-бурни қон—  
Изаига қайтибди Тулқивой аранг,  
Бу ҳолдан жонзотлар бўлдилар гаранг.  
Бўри ҳайрат ичра шўрликка боқар,  
Кўксидан аламнинг вулқони оқар.

— Унга раҳминг келди, шекилли  
Бўри,

Сен ҳам юр, қуриган бўлса гар  
шўринг, —  
Деб Қуён Бўрини кетибди бошлаб,  
Сал вақт ўтмай у ҳам кўзини ёшлаб—  
Қайтибди. Юзлари тирналган, абгор,  
Ўнг қўли осилган, Тулқидан ҳам хор...  
Охир жонзотларга аён бўлди сир:  
Панада ётаркан ўрмон шоҳи— Шер.

\* \* \*

Ортида пинҳона Шерлар турса гар,  
Довжурок бўларкан ҳатто Қуёнлар.

Ғулум АЛИ

Самарқанд



## Афанди латифалари

Бир киши Афандидан сўрабди:  
— Мулла Насриддин, худо  
одамни лойдан ясагач, хумдонда  
пиширганми, йўқми?

— Агар хумдонда пиширса, сиз-  
даёқ хом одамлар бўлармиди? —  
деб жавоб берибди Афанди.

— Афанди, — деди бир пиянис-  
та, — кучугим оёғини ароқ қўйил-

ган косага тиқиб олди. Ҳаром бўл-  
димми, ҳалолми?

— Ароқнинг ҳаром-ҳалол бўлган-  
ини билмайман, — депти Афанди,  
— лекин кучукнинг оёғи ҳаром  
бўлгани рост. Кесиб ташлаш ке-  
рак.

Бир беданавоз ўртоғи Афанди-  
нинг уйига меҳмонга келиб, ётиб  
қолди. Афанди гўшт бўлмаганидан  
бедана кабоб қилиб нонуштага қўй-  
ди. Овқат устида Афанди кекира-  
ман деб «бит-билдиқ» деб юборди.  
Беданавоз ҳайрон бўлиб сўра-  
ди.

— Нега бит-билдиқ, деяписиз,  
Афанди?

Афанди жавоб берди:  
— Уйда гўшт йўқ экан, сайроқи  
беданангизни кабоб қилган эдим,  
ичимда тинч турмаяпти.

— Войдод, — деб юборибди бе-  
данавоз.



## МУСАҲҲИҲ ЕН ДАФТАРИДАН

Ғап энасини топади.

Эр ҳушини еб кўйди.

Шораҳмат текин шивирлади.

Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ

Андижон

## ҚИЙҚИМЛАР

Емон гапни эшитмаслик учун  
доимо қулоғини беркитиб юради-  
ган одам яхши гапни эшитишдан  
ҳам маҳрум бўлади.

Гул ҳидидан пул ҳидини афзал  
кўрадиган кимсанинг дўстлигига  
асло ишонманг.

Агар ҳақиқатан ҳам менинг оғи-  
римни енгил қилмоқчи бўлсангиз,  
елкамдаги юкни кўтаришингиз

шарт эмас, аввал йўлимдаги тошни  
олиб ташланг.

Камтарлик фақат камгапликда  
эмас. «Ичимдагини топ» қабилида-  
ги баъзи одамлар кўпинча ман-  
ман ва худбин бўладилар.

Қаноти синган қушнинг аҳволига  
тушиб қолмаслик учун одам ҳам-  
иша дўстликнинг қадрига ета били-  
ши керак.

Осмондан ерга тушибсиз, бу ях-  
ши, энди оёғингизни ердан уза кўр-  
ман!

Қумурсқа бургутнинг қанотига  
ёпишиб учгани билан қуш санал-  
майди. У барибир ўрмаловчи бў-  
либ қолаверади.

Қозонда бори чўмичга чиқади.  
Аммо чўмични қандай тутишда ҳам  
гап бор.

Битта сичқон филнинг қулоғига  
кириб олса, уни йиқитиши, бир иғ-

вогар эса бутун элнинг обрўсини  
булғаш мумкин.

Шухрат худди жийда гулига ўх-  
шайди, тўйиб ҳидлаган ҳар қандай  
ақл-идрокли кишини ҳам телбалан-  
тириб қўяди.

Тарихда ўз халқини ўққа тутишга  
буйруқ берган ҳар қандай ҳукмдор  
мангу тавқи-лаънатга маҳкум бўл-  
ган. Зўравонликка асосланган ҳо-  
кимият эса муз устига қурилган  
қасрга ўхшайди.

Шогирди йўқ уста — давоми йўқ  
йўлга, авжи йўқ қушиққа ўхшайди.

Калити мос келмагани учун  
қулфни бузиб очиб, сўнг ҳамма,  
айни қулфга тўнкайверадиган ки-  
ши, бирон бадий асарнинг мағзи-  
ни чақишга қурби, билими етмай,  
уни бузиб талқин қиладиган тан-  
қидчига қиёс.

Янгибой ХУДОЙБЕРГАНОВ

Хоразм



Жумхуриятимиз қишлоқларида шароит бўлмагач, ёш мухлис-  
лар шундай бокс тутишга мажбур.

Суратқаш Б. Юсупов (ЎЗТАГ)




— Ўз уйим, ўлан тўшагим...

Сураткаш Ф. Қурбонбоев (ЎЗТАГ)



Муғаннийлар баҳси.



**ЭНИГА:** 3. Халқ ноибларининг ўз сайловчиларини ром қилувчи фаилатларидан бири. 6. Чегачи, қадоқчи, дуредгорларнинг иш қуроли. 7. Таъмирланишга муҳтож бўлиб ётган обидалардан бири. 10. Тошкент вилоятидаги кимёвий захар-зақумга тўйинган шаҳар. 13. Меваси танқиддай нордон бута ўсимлиги. 14. Ўрта Осиёдаги кўхна қароргоҳ. 15. Наманган вилоятидаги туман. 18. Қишлоқ хўжалигининг қадимги «техника» қуроли. 20. Панжали илмоқ. 21. Мансабларестларни оддий авам халқдан ажратиб турадиган ҳуқуқ. 22. Деңиз ёки кўлнинг қуруқлик ичкари-сига кирган қисми. 23. Мислсиз тараққиёт, ривож. 25. Юлғичларга ҳеч қачон насиб этмайдиган нуфуз. 27. Газламага пардоз беришда ишлатиладиган модда. 29. Табиат ҳодисаси. 30. Ўзбек халқ аситири қаҳрамони. 31. Термизнинг шарқидан топи-лан хароба шаҳар. 34. Ўзбек халқ эртаги. 35. Дорбозлик қурилмаси. 36. Фарғона вилоятидаги сув йўли.

**БУЙИГА:** 1. Асар қисми. 2. Кашалотлар танасидан чиқадиغان мумсимон хушбўй модда. 4. Қамишсимон кўл ўсимлиги. 5. Шоли оқланадиган қадимий қурилма. 8. Ўрта Осиёдаги тизма тоғ. 9. Афсонавий қуш. 11. Косибчилик соҳаси. 12. Олтириқ туманидаги дам олиш маскани. 15. Бошланғич савод қўлланмаси. 16. Сержун эчки зоти. 17. Таянч нуқта атрофида айланадиган ва оз куч билан кўп кучни мувозанатга келтирадиган дастак. 19. Қадимий мусиқа асбоби. 22. Чаван-дозлик мусобақаси. 24. Танқили ўзбек адаби. 26. Қадимги Бақтрия, сўнгра Кушон давлатининг пойтахти бўлган шаҳар. 28. Ўзбек халқ куйи. 32. Каптарлар туркумига мансуб сайроқи қуш. 33. Мевадан тайёрланадиган ширинлик.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

## 2-СОНДА БОСИЛГАН «НОДИР АСАРЛАР» ТИЛСИМИНИНГ ЖАВОБИ

1. «Хамса». 2. «Муфрадот». 3. Аруз. 4. Фарҳод. 5. «Ушшоқ». 6. «Муножот». 7. Му-нис. 8. «Диндором». 9. Моний. 10. Симуғ. 11. Меҳр. 12. Гулчехра. 13. Лайли. 14. «Найлайин». 15. Рахш. 16. Мирали. 17. Фазал. 18. Мушоира. 19. Фоний. 20. Сўхай-ло. 21. Туроқ. 22. «Бўстон». 23. Бону. 24. «Ўташқада».  
Ҳарфларда: «Мўҳбуб-ул-қулуб».  
Очқич: 1. Байт. 2. Эртақ. 3. Гулшан. 4. Меҳнат. 5. Адиб. 6. Азиз.  
Эр кишига зебу зийнат — илму ҳикматдир.

Муқовада:

Биринчи бет

Янги кун таровати  
Мусаввир В. Лисов,  
Сураткашлар В. Жирнов,  
Р. Нурибоев.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Ойномадан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатили-ши шарт.


Босмаҳона туширилди 18.01.91 й. Босишга рухсат этилди 20.02.91 й. Қоғоз формати 70×108/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли

босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 57620. Буюртма № 4694. А-121. Баҳоси 90 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. 700000, Тошкент — П. «Правда» газетаси кўча-си, 41.

Она замин химмати —  
дастурхонимиз зийнати

Сураткаш А. Жирнов




Каликадарёдини ёши чорвадор Р. Рўзиев.

Сураткаш Р. Нуриноев

Фориш. XVI аср. Абдуллахон қурдирган тўғон.

Сураткаш В. Ковелин





Чотқол дарёсининг бошланиши.  
Сураткаш С. Канаки